

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

3(68)/ 2018

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№3 (68), 2018.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институту

Тахрир хайъати:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шаҳриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
РИЗАЕВ Баҳодир
(муҳаррир ўринбосари)
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
НАСРУЛЛАЕВА Нафиса
ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.*

Тахририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43;
(998-662)231-13-42
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан № 09-12 рақам билан
рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2018 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№3 (68), 2018.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
KHOLBEKOV Mukhammadjon
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
NASRULLAEVA Nafisa
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Steev (USA)
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

*The journal is included in the list of required publications
according to the recommendation of the expert council in
filological sciences of Higher Attestation Committee
(Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43;
(998-662)231-13-42
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

*The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,
2018.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Холбеков М. Таржима адабиётининг тарғиби ва малакали таржимонларни тайёрлашнинг долзарб масалалари	5
Сафаров Ш. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти	9
Рисаева О. Аспектуальные ситуации с участием сочетаний с предельным функциональным глаголом <i>finden</i> в современном немецком языке.....	21
Turniyozov B. Kauzativ ma’no va uning tilshunoslikda o’rganilish holati	25
Мирсанов Ғ. Темпоралликнинг референциал хусусиятлари	30
Ўринбаева Д., Хўжамқулов А. Равишларнинг стилистик имкониятлари	33
Чупонов О. Надстрочные знаки над гласными в скорописных рукописях посольских книг по связям России с Хивой и Бухарой XVII в	37
Джумабаева Ж., Муродова Н. Когнитивные признаки энантиосемии в разносистемных языках	43

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Шерматов А. Илмий матнларда дейктик ҳаволаларнинг прагматик хусусиятларига доир	48
Ким С. Лексические элементы как средство связи в составе бессоюзного сложного предложения.	51
Mamirova D. Reklama matnlarining o’ziga xos xususiyatlari haqida ayrim mulohazalar	56
Асланова Ҳ. Гадий ижодида қофия шаклларининг ўзига хос ифодаланиши.....	60
Абдурахмонова Н., Тулиев У. Инглизча-ўзбекча машина таржимасида морфоанализатор таҳлили.	64
Мавлонова Н. К вопросу о типологии фразеосочетаний	71
Мирзоев Х. XIII-XV аср форс-тожик ва ўзбек арузшунослигининг ривожланиш жараёнида Шамс Қайс Розийнинг мавқеи	74
Қаюмов О. Шамон йўқловлари фольклор жанри сифатида	79
Гафарова З. Гап коммуникатив структурасини аниқлаш структураси мезонлари.....	86
Давлатова М. Инглиз тилида результив каузал қурилмалар	90
Муминова А. <i>Gehen</i> феълининг аспектвал семантикаси	93
Қўчқорова С. Европа ва ўзбек халқ эртақларининг ўрганилишига оид	97



CONTENTS

REPORTS

Xolbekov M. Promotion of translation literature and topical issues of qualified translators	5
Safarov Sh. Interpreter as a linguist	9
Risaeva O. Aspectual situations of combinations with limited functional verb finden in the modern German language.....	21
Turniyazov B. Causative connotation and its analysis in linguistics.	25
Mirsanov G. Referential features of temporality	30
Urinbayeva D., Xo'jamkulov A. Stylistic peculiarities of adverbs	33
Chuponov O. Superscript marks over vowels in cursive manuscripts of embassy books on Russia's relations with Khiva and Bukhara XVII	37
Djumabaeva J., Murodova N. Cognitive aspects of enantiosemy in heterogeneous system languages	43

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Shermatov A. The pragmatic properties of deictic footnotes in scientific texts	48
Kim S. Lexical elements as means of communication on the construction of complex sentences. ..	51
Mamirova D. Some important features about the text of advertisement	56
Aslanova H. In the work of Gadoi, the peculiar expression of rhymes' form.	60
Abdurakhmonova N., Tuliyeu U. Morphological analysis by finite state transducer for uzbek-english machine translation.....	64
Mavlonova N. Typological problems of phrasal units	71
Mirzoyev X. The role of Shams KaysRoziy in the development of XIII-XV centuries Persian-Tajik and uzbek ruz study.....	74
Kayumov O. The Shamon conquests are the folklore genre	79
Gafarova Z. The Criteria of Communicative defining of Sentence Structure	86
Davlatova M. Causal-resultative constructions of the English language	90
Muminova A. The aspectual semantics of the verb gehen – to go.....	93
Kuchkorova S. About the study of European and Uzbek folk tales.....	97



Илмий ҳаёт

Шу йилнинг 7-8 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари“ мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда ўттиздан ортиқ хорижий мамлакатлардан вакиллар иштирок этди. Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

Ушбу конференцияда институт “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори Муҳаммаджон Холбеков ҳам иштирок этди ва маъруза қилди. Ушбу маъруза матнини журналда эълон қилмоқдамиз.

Тахририят

ТАРЖИМА АДАБИЁТИНИНГ ТАРҒИБИ ВА МАЛАКАЛИ ТАРЖИМОНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

*Холбеков Муҳаммаджон,
СамДЧТИ профессори*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларга таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида 2018 йил 18 майдаги 376-сон қарорининг қабул қилиниши айни муддао бўлди, адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўтмиш тарихимизга назар ташлагудек бўлсак, таржима адабиёти ватан адабиёти билан вобаста тараққий этиб келмоқда. Таржима амалиёти ва унинг назарий муаммолари борасида ҳам бой тажрибага эгамиз.

Ўтган XX аср давомида таржима асарларининг жуғрофияси янада кенгайди. Аср бошида адабиёт сахнасига чиққан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби адибларимиз жаҳон адабиётидан таржима қилиш тажрибасини бошлаб бердилар. Чўлпон қаламига мансуб Шекспирнинг “Ҳамлет”, Усмон Носир ўгирган Лермонтовнинг “Демон” асарлари таржимаси ханузгача ўз қимматини йўқотгани йўқ. Улар ордидан адабий жараёнга кириб келган Ойбек, Ғ.Ғулум, А.Қаҳҳор, М.Шайхзода, Миртемир, М.Исмоилий сингари қаламкашлар таржима қилган асарлар ўзбек таржимачилигининг муҳим ютуқлари саналади. Масалан, орадан саксон йил ўтган бўлса-да, Ойбек ўгирган “Евгений Онегин” романи ханузгача ўқувчиларга манзур бўлиб келмоқда. Ёки, Эркин Воҳидов қаламига мансуб Гётеннинг “Фауст” фожиаси таржимаси, Абдулла Орипов томонидан ўгирилган Данте “Илоҳий Комедия”сининг “Дўзах” китоби, Иброҳим Ғафуров таржима қилган Ф.Достоевский ва Э.Хемингуэй романлари ўтган аср таржима амалиётининг нодир нусхалари бўлиб ҳисобланади.

Хуллас, жаҳон адабиётининг номдор адиблари асарлари тилимизга мунтазам таржима қилиниб келинмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида ватанимизда таржима адабиётига эътибор янада ортди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан нашр юзини кўрган “Жаҳон адабиёти” журнали ўтган йигирма йил ичида хорижий мамлакатлар адабиёти билан ўзбек китобхонини таништиришда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Бу йилларда устоз таржимонлар Қодир Мирмуҳаммедов, Иброҳим Ғафуров, Жамол Камол, Низом Комилов, Муҳаммад Али, Абдулла Шер, Янглиш Эгамова, Мирпўлат Мирзо, Амир Файзулла, Мирзаали Акбаровларнинг шижоатли меҳнати туфайли жаҳон адабиётининг ўнлаб



намуналари китоб жавонимиздан ўрин олди. Шу ўринда, устоз таржимон Иброҳим Ғафуровнинг Ф.М.Достоевский, Ф.Ницше, Ж.Жойс, Ч.Айтматов ижодидан қилган таржималарини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Масалан, ирланд ёзувчиси Жеймс Жойс каламига мансуб “Улисс саргузаштлари” романининг Иброҳим Ғафуров томонидан тилимизга таржима қилингани муҳим воқеа бўлди. Қолаверса, адабиёт аҳли буни “катта жасорат” дея баҳолашмоқда.

Энг қувонарлиси, сўнгги йилларда билвосита таржима амалиётидан бевосита таржима амалиётига ўтиш даври бошланди. Бевосита аслиятдан таржима қилаётган маҳоратли таржимонларимизнинг меҳнати кўзга кўрина бошлади. Масалан, Мирзаали Акбаров, Бегойим Холбекова, Алишер Отабоев, Ойбек Остонов, Аъзам Обидов кабилар ўз таржималари билан жамоатчиликка яхши танилдилар. Кейинги пайтда бадиий таржимага иштиёқи баланд ёшларнинг бўй кўрсата бошлагани кишида мамнуният ҳиссини уйғотади. Ҳилола Рўзиева, Қандилат Юсупова, Шахло Облоқулова каби истеъдод соҳибларининг жаҳон адабиётидан амалга оширган таржималари матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда.

Ўзбек адабиётининг чет тилларга таржимаси ва хорижда ўрганилиши тарихига тўхталадиган бўлсак, бу борада ҳам бой тажриба тўпланган. Масалан, француз олими Бартолемей д'Ербеллонинг 1697 йил Парижда чоп қилинган “Шарқ кутубхонаси” (La Bibliotheque orientale) комусида илк дафъа ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида мақолалар берилганди.¹ Шундан сўнг европалик олимлар Навоий, Бобур ва Абулғозихон ижодини ўрганиш, улар асарларини француз, немис ва инглиз тилларига таржима қилиш билан жиддий шуғуллана бошладилар. Натижада, ҳазрат Навоий “Хамса”сига кирувчи айрим дostonлар, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” ва Абулғозихоннинг “Шажараи турк” асарларининг французча, немисча ва инглизча таржималари Европа бўйлаб кенг тарқалди. Улар ҳақида тадқиқотлар ёзилди.

Ўтган XX асрда ҳам ўзбек адабиётидан хорижий тилларга таржима қилиш анъаналари давом этди. Бу даврда таржима амалиётида асосан рус тили воситачилик вазифасини бажарди. Яъни, етук адибларимиз Абдулла Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Зулфия, Ш.Рашидов, А.Мухтор, П.Қодиров, О.Ёқубов, Э.Воҳидов, А.Орипов асарлари дастлаб рус тилига, сўнгра рус тилидан хорижий тилларга таржима қилинди. Бу таржималар нечоғлик аслиятдан узоқ бўлмасин ўзбек адабиётини хорижда танилишида муҳим роль ўйнади.

Мустақиллигимизнинг илк даврида ўзбек тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан ўзбек тилига бевосита таржима амалиётига ўтиш борасида ҳам илк қадамлар ташланди. Жаҳон адабиёти намуналарини бевосита аслият тилидан таржима қилишга дастлаб Жамол Камол, Абдулла Шер, Шавкат Раҳмон, Янглиш Эгамова, Амир Файзулла, Тоҳир Қаҳҳор, Мирзаали Акбаровлар киришган бўлсалар, эндиликда улар изидан бораётган таржимонлар сафи ортиб бормоқда. Айни пайтда, хорижий тилларни мукамал эгаллаган ёшларимиз ўзбек адабиёти намуналарини инглиз, немис, француз, хитой, япон, корейс тилларига таржима қилишмоқдалар. Бу ўринда, албатта таржимонларимизнинг хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётганлари самарали натижа берапти. Бунга Носир Қамбаров, Бегойим Холбекова, Ойбек Остонов, Илҳом Тўхтасинов, Аъзам Обидов, Муродхон Эргашев каби таржимонлар фаолиятини мисол келтириш мумкин.

Сўнгги йилларда бу тажриба Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида кенг жорий қилинмоқда. Масалан, тилшунос олим, ЎзДЖТУ профессори Носир Қамбаров Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарини инглиз тилига, профессор Омон Мўминов ва доцент Илҳом Тўхтасинов Ойбекнинг “Навоий” романини, Илҳом Тўхтасинов ва И.Йўлдошев Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” повести ҳамда А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига таржима қилишди. Шунингдек, таржимон ва шоира Бегойим Холбекова Алишер Навоийнинг 100 та

¹ қаранг: Холбеков М. Узбекская классическая литература во французской культуре XVII-XX веков. – Ташкент: «Mumtoz soʻz», 2016. С. 40-88.



газалини аслиятдан бевосита инглиз тилига таглама таржималарини амалга оширди. Навоий газалларидаги маънолар хилма-хиллиги, сўз ўйинлари ва илоҳиётга оид сўз ва ибораларни инглиз ўқувчисига тушунарли бўлиши учун таржимон тағмотда уларга изоҳлар берган. Қувонарлиси шуки, И.Тухтасинов ва У.Ўлдошев томонидан бажарилган мазкур таглама таржималар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими томонидан хорижлик ижодкорларга таҳрир учун юборилди. Масалан, ушбу ижод маҳсули, хусусан, америкалик олим ва ижодкор Денис Дели қалбида улуғ бобомиз ижодига бўлган меҳру муҳаббатни янада орттирди.

Албатта, адабиётимизнинг бу каби йирик ва жиддий намуналари таржималарини амалга ошириш, таҳрир ва нашрини таъминлаш осон кечмайди. Таржималарни нашрга тайёрлашда хорижлик мутахассисларнинг ёрдами керак бўлди. Масалан, И.Тухтасинов ва И.Ўлдошев томонидан бажарилган Ойбекнинг “Навоий” романи ва Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” повести таржималарига америкалик олима Элиза Бриттэн муҳаррирлик қилди. Натижада ҳар иккала таржима ҳам муваффақиятли чиққан. Шу ўринда, Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулудда ва мухтор элчиси Жаноб Кристофер Аллан “UzReport” телеканалига берган интервьюсида “Навоий” романининг инглизча таржимаси ҳақида илиқ сўзлар айтиб, китобни ўқиркан ўзини Навоий асрига тушиб қолгандек ҳис этганлигини таъкидлаганди. Ёки, “Шум бола” (A Naughty Boy) повестининг инглизча таржимасини ўқиган мутахассисларнинг фикрича, таржима матни бир қадар содда, болалар тилига яқин, ундаги сўз ва иборалар изоҳталаб эмас, деган фикрни айтиш мумкин. Бу таржималарнинг сифати, ютуқ ва камчиликлари хусусида матбуотда фикрлар билдирилади деган умиддамиз.

Шу каби ижобий баҳони сўнгги йилларда таржима соҳасида фаол ижод қилаётган Шоазим Миноваров тажрибаси хусусида ҳам айтиш мумкин. Француз тили ва адабиёти илмини мукамал эгаллаган таржимон даставвал Франсуа Мориакнинг “Илонлар чангалида”, Монтескьеннинг “Форс номлари” (ҳамкорликда) романларини, Ле Клезоннинг “Монде ва бошқа ҳикоялар”ини ўзбек тилига бевосита ўғирган бўлса, кейинги йилларда таниқли адибимиз Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романи ва бир қатор ҳикояларини ўзбек тилидан французчага таржима қилиб Европага танитди. Ушбу таржима 2015 йил “Adieu aux contes de fées” (“Сеҳрли эртаклар билан хайрлашув”) нашр қилинди ва Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида унинг тақдими бўлиб ўтди.

Ёки, ёш истъедодли таржимон Ойбек Остонов ҳам сўнгги йилларда ўзбек адабиёти намуналарини немис тилига таржима қилиш борасида фидойилик кўрсатмоқда. У Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асарларини, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини немис тилига таржима қилди. Бу таржималар ҳам олмониялик ўқувчилар тарафидан илиқ кутиб олинди. Хулоса қилиб айтганда, бизда ҳам жаҳон адабиётидан ўзбек тилига, ўзбек адабиётидан хорижий тилларга таржима қилиш борасида бой тажриба тўпланган. Эндиги вазифа, бой тажрибага таяниб, ўзбек адабиётининг сара асарларини чет тилларга, жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилувчи малакали таржимонларни тайёрлаш, таржима асарларини тарғиб қилиш ва улар танқидини йўлга қўйишдан иборат.

Шу ўринда, мен таржима амалиётини “юксак санъат” даражасига кўтариш, таржимашунослик илмини жаҳон андозасига олиб чиқиш хусусида ўз таклифларимни билдирмоқчиман.

1. Бугунги кунда, жаҳон адабиётидан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан хорижий тилларга энг сара асарларни танлаб таржима қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда, аввало, хорижий тилларни мукамал билувчи ёш таржимон кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим бўлади. Демак, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик ва Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги таржимонлик



факультетлари фаолиятини тубдан янгилаш, ўқув ва илмий режаларини замон талабига мослаштириш зарур.

2. Бу таълим даргоҳлари ўқув режасига Жаҳон адабиёти тарихи, Адабиёт назарияси, Адабиётлараро алоқалар, Бадиий матн таҳлили, Таржима назарияси ва амалиёти каби фанларни киритиш зарур. Ушбу фанлар йўналишига мос кафедраларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Юқоридаги ўқув масканлари билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида алоқани мустаҳкамлаш: таниқли таржимонлар, ёзувчи ва олимларни таржимонлик факультетларида маъруза ва амалий дарсларни ўқишга жалб қилмоқ керак.

4. Республикамизда фаолият кўрсатаётган давлат нашриётларида таржима адабиёти таҳририятларини ташкил этиш, у ерда хорижий тилларни билувчи муҳаррирларнинг ишлашига шароит яратиб бериш зарур.

5. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган хориж элчихоналари билан Ёзувчилар уюшмаси, нашриёт ва журналлар таҳририяти ўртасида яқин алоқа ўрнатилса, ўзбек адабиётини чет элларда тарғиб қилиш, таржималарини чет тилларда нашр этишга кенг имкон яратилган бўларди.

6. “Жаҳон адабиёти” журнаlining нашрига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Унда пала-партиш қилинган таржималарни чоп этишни тўхтатиш, журналнинг йиллик нашр режасини пухта ўйлаб, жамоатчилик кенгашининг муҳокамасидан ўтказган ҳолда амалга ошириш зарур. Шунингдек, журналда эълон қилинган таржималарни баҳоловчи тақризларни матбуотда эълон қилиб бориш, журналнинг ўзида эса таржима назариясининг бугунги долзарб муаммоларига бағишланган мақолаларни чоп этиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

7. Айни пайтда ўзбек адабиётининг энг сара асарларини хорижий тилларга таржима ва тарғиб этиш мақсадида “Жаҳон адабиёти” журнали каби янги нашр ташкил қилинса, унинг сонларида навбатма-навбат инглиз, немис, француз, хитой, япон, корейс тилларига қилинган таржималар эълон қилиниб борилса нур устига аъло бўларди. Қолаверса, хорижий тилларни мукамал эгаллаган ёш таржимонлар учун бу нашр маҳорат мактабига ҳам айланарди.

8. Кейинги йилларда бизда таржима назарияси ва таржима танқиди бирмунча оқсаб қолди. Масалан, Халқаро таржимонлар уюшмаси (ФИТ) билан алоқамиз йўқ, унинг сўнгги йиллардаги фаолиятдан беҳабармиз. Шу ўринда Ёзувчилар уюшмаси тез орада ФИТ билан яқин алоқа ўрнатса маъқул бўларди. Бу ташкилотнинг халқаро симпозиумларида таржимон ва таржимашуносларимиз иштирок этиб борса фойдадан ҳоли бўлмасди.

9. Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими Республика телевидениеси “Маънавият ва маърифат” канали билан ҳамкорликда “Таржима-юксак санъат” мавзусида мунтазам кўрсатувлар ташкил қилиб бориши зарур. Унда етакчи таржимон ва таржимашуносларимиз иштироки таъминланса, худди шунингдек, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида давра суҳбатлари уюштириб борилса маъқул бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 18 майда “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида қарорининг ижросини таъминлаш ва амалга ошириш Республикамизда таржима амалиётини янада тараққий эттириш ҳамда таржимашунослик илмини жаҳон андозаси талаби даражасига кўтариш борасида муҳим аҳамият касб этиши муқаррар, деб ўйлайман.



ТАРЖИМОННИНГ ЛИСОНИЙ ШАХС СИФАТИДА БАЖАРАДИГАН ФАОЛИЯТИ

*Сафаров Шахриёр Сафарович,
СамДЧТИ профессори*

Калит сўзлар: когнитология, методолог, семиотика, когнитив, тезаурус интерпретант.

Когнитология билимнинг лисоний вокеланиши жараёнини тавсифлашни гуманитар фанлар соҳасидаги энг асосий муммолар қаторига кўяди. Ушбу муаммо замонамизда ривож топаётган илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларини белгилаб бермоқда ва шулар қаторига семиотик бирликларнинг инсон (субъект) фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган моҳияти ва функционал хусусиятларини ўрганиш масаласи киради. Даставвал Ч.Пирснинг ишларида ўз аксини топган семиотик белгининг субъективлиги ҳақидаги ғоя кейинчалик унинг давомчиси Ч.Морриснинг “Белгилар назарияси асослари” асарида ривожлантирилди. Белгининг табиатини семиозис жараёни доирасидан излашни маъқул кўрган Ч.Моррис, ўз устози ажратган “репрезентамен”, “десигнат” ва “интерпретант” белгилар шакли учлиги қаторига тўртинчи омил, яъни “интерпретатор”ни ҳам қўшиб қўйди. Олимнинг таъкидича, ушбу тўртлик аъзоларининг муносабати барқарор, лекин уларнинг хусусиятлари нисбий, чунки ушбу хусусиятларнинг намоён бўлиши объектларнинг семиозисда кечаётган ҳаракатлар вазифаси билан боғлиқ (Моррис 1983:55). Кўринадики, семиотикани турли фанларнинг ҳамкорлигидаги ўрнини қайд этган Ч.Моррис семиотик бирликларнинг инсон фаолияти доирасида бажарадиган вазифасини билиш муҳимлигини таъкидлайди: “... фанни ўрганишни ҳеч қандай қолдиқсиз илмий тил тадқиқига киритиш мумкин, зеро ушбу тил тадқиқи фақат формал структуралар тадқиқини назарда тутмасдан, балки унинг ифодаланаётган объектлар ва ундан

фойдаланувчи шахсларга муносабатини ҳам қамраб олади” (Моррис 1983:62).

Афсуски, Пирс ва Моррис томонидан истеъмолга киритилган “интерпретант” ва “интерпретатор” тушунчалари ҳаммага ҳам бир хилда маъқул келмади. Ҳатто фаннинг “объектив” ҳаракатларда бўлишига қаттиқ ишонган баъзи олимлар бу тушунчаларни қабул қилишдан бош тортдилар. Методологлар даврасида машҳур ҳисобланган Г.П. Щедровицкийнинг таъкидлашича, тилдан ташқи хусусиятлар ва омилларни (масалан, инсон онги) инобатга оладиган семиотика ёки бошқа соҳаларнинг ривожига бўлган умид фанни боши берк кўчага қамаб қўяр эмиш (Щедровицкий 1995). Унинг шогирди В.М.Розиннинг қайди янада қаятийроқ эшитилади: “Семиотиканинг асосий вазифаси унинг мустақил табиий фан соҳаси сифатида шаклланишини ва бунга белгилар ва белгилар тизими ҳақида асосий тушунча–тасаввурларни умумлаштириш, синтезлашга эришиш эканлиги ҳақидаги фикрни маъқуллаб бўлмади” (Розин 2001:20). Айни пайтда, Пирс-Моррис назарияси тадқиқотчилар эътиборини доимо жалб қилиб келганлигини, уларнинг таълимоти янги соҳаларнинг (масалан, прагматика, маъно назарияси кабилар) тараққиётига катта улуш қўшганлигини ҳам унутмаслик керак. Ч.Пирснинг фанга қўшган улушини юқори баҳолаган Роман Якобсон таъкидлаганидек, “Агарда Пирснинг ишлари ўттизинчи йилларга қадар (20-аср назарда тутилмоқда-Ш.С.) чоп қилинмасдан қолмаганида эди, ҳеч бўлмаганда, чоп қилинганларидан тилшунослар хабардор бўлганларида, улар лингвистик назариянинг дунё микёсидаги ривожига тенгсиз таъсир кўрсатган бўлар



эдилар” (Якобсон 1983: 103). Р.Якобсоннинг айтаётганлари ҳақиқат ва бу ҳақиқат таржимашуносликка ҳам оид. Таржима жараёнида энг тез ва маҳсулдор фаоллашадиган муносабат айнан интерпретанта ва интерпретатор ўртасидаги муносабатдир. Зеро, Пирсинг талқинича, “интерпретант фақат объект ҳақидаги тушунча бўлиб қолмасдан, балки онгда туғилаётган фикр, тафаккур ҳосиласидир” (қаранг: Сухачев 2003: 31; 38).

Илмий тадқиқотларнинг антропо-центрик кўриниш олиши, яъни инсон фаолияти сари йўл топиши когнитология фанининг ривож билан боғлиқ. XX асрнинг энг таниқли тилшуносларидан бири бўлган Е.С. Кубрякованинг “табиий тилнинг ҳақиқий ҳаёти белгилардан амалда фойдаланишдан иборатдир” (Кубрякова 2002: 14) деган ақидасига амал қилган тадқиқотчилар билимнинг лисоний воқеланиши билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилишни устувор вазифа сифатида белгилай бошладилар. Оқибатда, когнитив таҳлил мўлжалини олган тадқиқот йўналишларида эмпирик объект сифатида қаралаётган ва моҳиятан бевосита субъект (инсон) фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган лисоний белгиларнинг табиати ҳамда функционал хусусиятлари ўрганила бошланди. Бирок, билим доирасини фақат лисоний билим ва унинг шакллари билан чегаралаш когнитология учун етарли эмас. Биринчидан, лисоний билим ҳақида гапирилаётганда инсон онгидан ўрин олган билим нимадан иборатлиги, унинг қандай тизимда эканлигини тасаввур этмоқ зарур. Иккинчидан, бу тизимдан қандай фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш керак бўлса, учинчидан, ушбу система онтогенезида қандай шаклланишини билиш муҳимдир.

Ҳар қандай билимнинг эгаси, албатта, инсондир. Инсон оламни алоҳида шахс сифатида идрок этади ва бундай идрок давомида шаклланадиган ахборот индивиднинг лисонгача ва лисоний қатламларида, дунёни англаш жараёнида орттирган тажрибасини акс эттиради. Фалсафий нуктаи назардан қараганда,

олам лисоний манзарасининг ҳосил бўлиши билиш фаолиятининг субъекти бўлмиш инсоннинг когнитив имкониятлари билан боғлиқ. Муҳими, бу фаолият мобайнида инсоннинг яратувчанлик имкониятлари намоён бўлади, яъни у оламни ўзлаштирувчи ва ўзгартирувчи шахс эканлигини кўрсата олади. Зотан, субъектнинг фаоллиги ошган сари олам идрокининг шиддати ошади ва дунё ҳақидаги илм инсон ҳақидаги илмга айланиб бораверади.

Оламнинг концептуал манзараси замирида ҳосил бўладиган билим эгаси бўлган шахс “коммуникатив етуклик” даражасига эришганидан сўнг унинг лисоний қобилияти яратувчанлик узви билан бойийди. Демак, ҳақиқий лисоний қобилият, Н.Чомский истаганидек, ядровий синтактик структураларнинг тузилиш қоидаларини эгаллаш орқали шаклланмасдан, балки ментал ва коммуникатив мақсадларни умумлаштирувчи нутқий-тафаккур фаолият малака-кўникмалари мавжудлигида намоён бўлади.

Таржима инсон томонидан бажариладиган фаолият эканлиги барчага маълум. Шундай экан, ушбу фаолият жараёни ва маҳсулини таржимоннинг лисоний ва ментал қобилияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш шартдир. Таржимоннинг ментал қобилияти унинг ижтимоий-тарихий муҳитда тўпланган билим захирасига лисоний-когнитив ва руҳий – семантик жиҳатдан яқин туриши ёки хабардор бўлиши ва лозим бўлганда, ундан маданиятлараро коммуникация шароитида унумли фойдалана олиш имконияти билан боғлиқдир. Шу боис, таржима жараёни иштирокчиларини “лисоний шахс” тушунчасига мурожаат қилган ҳолда тавсифлашга мажбурмиз. “Лисоний шахс” тушунчасини тавсифлаш бироз мушкулроқ, албатта. Бундай шахс таълим ва тарбия натижасида шакл топишини уқтирган И.И. Халеевнинг ёзишича, шахснинг лисоний қобилияти кўпқатламли бўлиб, булар қаторига турли тартиб ва тузилишдаги нутқий ҳаракатларни бажариш қобилияти,



имконияти киради. Бажариладиган ҳаракатлар, бир томондан, нутқий фаолият турлари (эшитиш, ёзиш ва ўқиш) бўйича фарқ қилса, иккинчи томондан, тил сатҳларига мансублиги (фонетика, грамматика, лексика) жиҳатидан ажратилади (Халеева 1989:29).

Муҳокама қилинаётган тушунчанинг бироз тўлиқроқ таърифни Ю.Н.Карауловнинг ишларида учратамиз: “Лисоний шахс тилда (матнда) лисон воситасида ўз ифодасини топадиган шахсдир; у инсоний бирликлар воситасида хусусиятлари қайта шакллантирилган шахсдир” (Караулов 2003:38). Олимнинг фикрига эргашадиган бўлсак, матн лисоний шахснинг лисоний-тафаккур қобилиятининг алоҳида кўринишда фаоллашуви натижаси, маҳсули сифатида қаралиши керак. Бунда лисоний-ментал бирлик сифатида қараладиган олам лисоний манзарасининг ҳар бир кўриниши лисоний шахснинг лисоний тафаккури йўналишини белгиловчи ҳодисага айланади. Олам лисоний манзарасининг ҳар хил кўриниш олишини аниқлаш учун турли тил соҳиблари томонидан яратилган матнларни чоғиштириш лозим бўлади. Бу эса матнни шахснинг лисоний қобилияти маҳсули, бошқача айтганда, “персономатн” сифатида ажратиш имконини беради (Голев 2004).

Ўзига хос лингвмаданий хусусиятларга эга бўлган лисоний шахсни маданий, тарихий, экстралингвистик, ижтимоий, биологик, психологик нуқтаи назардан тавсифлаш мумкин (Караулов 1995; Нерознак 2003; Карасик 2004). Бинобарин, Ю.Н. Караулов лисоний шахс таркиб топишини уч босқичли кўринишда моделлаштирган эди:

- а) илк босқич – лисоний – семантик сатҳ (лексикон);
- б) иккинчи босқич – лисоний – когнитив сатҳ (тезаурус);
- в) учинчи босқич – мотивлашув талаби сатҳи (прагматикон).

Лисоний – семантик сатҳ инсоннинг ижтимоий муҳитга мослашуви давомида шаклланиб, луғавий – грамматик заҳира кўринишида ҳосил бўлади ҳамда шахснинг

лисоний қобилияти таркибида муҳим ўринни эгаллайди. Аммо бу сатҳда эвристик, яратувчанлик имкониятларининг фаоллашуви тил нормаси ва узус назоратида кечади.

Тезаурус – лисоний онгнинг маълум ассоциатив боғланишлар орқали олам лисоний манзараси билан муносабатга киришувини тахминловчи сатҳдир. Ушбу сатҳда лисоний шахс қаятий тартиблашган тил тизими доирасидан четга чиқиш ва лисоний тузилмалар танловини бошқариш имкониятига эга бўлади. Тезаурус босқичида шахс асосан олам ҳақидаги билимига таянади ва кўпроқ ушбу билимнинг когнитив структуралари (образ, тасаввур, концепт кабилар) билан иш кўради.

Лисоний шахснинг прагматикони коммуникатив фаолиятга йўналтирилган бўлиб, у жамоада маъқулланган ва шахс томонидан қабул қилинган мотив, мақсад, қадриятларга асосланган қонуниятлар доирасида шаклланади. Худди шу қонуниятлар қамровида матнлар яратилади ва идрок этилади, мазмун ва қадриятларнинг поғонали муносабатлари белгиланади.

Санаб ўтилган босқичларни ажратишнинг асосий мезони уларнинг ҳар бирида маълум турдаги элементларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бундай элементлар сифатида куйидагилар қаралади: а) ҳар бир босқичга хос бирликлар; б) улар ўртасидаги муносабатлар; в) босқичларга хос стереотип тузилмалар (Караулов 1989:5).

Айтиш жоизки, ушбу босқичларнинг фарқлиниши шартлидир, чунки улар таркибидаги бирликларнинг ўзаро алоқаси нафақат у ёки бу босқич доирасида, балки босқичлараро кўринишда ҳам намоён бўлади. Шунга биноан, лисоний шахсга хос хусусиятлар тузилишини босқичлар муносабатининг вертикал тасвирида намоиш этгандан кўра, доира шаклида тасвирлаш маъқулдир. Зотан, доира шакли структур алоқалар ва муносабатлар динамикасини аниқ тасаввур қилиш имкониятини беради.



Ўз-ўзидан равшанки, таржимашунослик соҳасига оид муаммолар тадқиқининг самарали кечиши учун таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажараётган фаолиятига мурожаат қилиш эҳтиёжи туғилади. Айниқса, ҳар қандай таржимон учун муҳим бўлган “ахборотни жуфт (икки маротаба) кодлаштириш” механизмларини ўрганиш алоҳида эътиборга лойиқдир, чунки айнан шу механизмлар шахснинг онгида лисоний-семантик ва лингвокогнитив сатҳлар ўзаро алоқасини таъминлайди. Ушбу механизмнинг “ишлаш” усули барчага маълум: лисоний белгининг қабул қилиниши пайтида бажариладиган амаллар семиотик ифодадан узоқлашиб бориб, мазмун туғилишини таъминловчи лингвокогнитив сатҳда сўзнинг образи туғилишига сабаб бўлади. Кейинги босқичда қайталаниш жараёни кечиб, образ қайта семиотик ифода топади.

Демак, лисоний онгда олам ҳақидаги билим муҳимроқдир. Онг образ, тасаввур, концепт, фрейм кабилардан иборат олам ҳақидаги билимлар билан иш кўради. Мабодо инсон эшитаётган, ўқиётган лисоний бирликлар тафаккурнинг мазмуний сатҳида айтилган бирликлар тафаккурнинг мазмуний сатҳида қайд этилган кўринишларни олмаса (масалан, образли тасаввур туғилмаса), ахборотни жуфт кодлаштириш механизми ишламайди, натижада ҳар қандай шахс (шу жумладан, таржимон ҳам) ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилиятидан маҳрум бўлади.

Таржимон лисоний шахс сифатида ўзига хос хусусиятга эга, унинг лисоний онгидаги сатҳлар асосан жуфтлашган. Иккиламчи лисоний шахс таълим жараёнида шаклланади. Таржима билан машғул инсонни ўзига хос шахс сифатида таърифлашдан қочмаслик керак. Тўғри, илмий тавсифда кўпроқ умумлаштириш тамойилига амал қилган ҳолда кўпинча доимий такрорланадиган хусусиятларни, ҳодисаларни ёритишга ҳаракат қиламиз. Аммо, лисоний шахс тушунчаси борасида сўз кетганда, тил захирасидан

фойдаланаётган инсоннинг вербал хатти-ҳаракатларини эътиборга олиш маъқулроқ кўринади (қиёсланг: Сухих 1997). Таржимани бекорга “саънат” деб таърифламасалар керак, санъаткор бўлиш учун эса, истеъдод соҳиби бўлмоқ даркор. Истеъдод, ўз навбатида, оммавийликни ёқтирмайди. Бекорга таржимонлар шогирд тутиш анъанасидан йироқроқ туришни маъқул кўрмасалар керак. Яқинда муборак саксон ёшини нишонлаган Иброҳим Ғофуровдан “Ёшлик” журнали муҳбири сўзгарлик ҳунарини бошқаларга ўргатмаганлигини, сўраганида мутаржим аниқ жавобдан нақадар устамона қочганлигини қаранг: “Сўфийга мурид қандай мақом ва ҳолда бўлса, адабий устозга шогирд ҳам шундай мақом ва шундай ҳолатда. Имоним комилки, устозу шогирд бир тан-бир жон бўлиб кетгандагина, икки ўртада батамом уйғунлик туғилсагина мавжуд. Акс ҳолда, бу ўқитгану ўқиган, муаллиму толиб муносабатларидир...” (Ғофуров 2013:11). Балким, таржима соҳасида устоз-шогирд муносабати бевоситаликдан кўра, кўпроқ билвоситаликка амал қилар?!)

Келинг, бу масала муҳокамасини “сўз хизматида сочи оқарган мутаржим”нинг ихтиёрига қолдирайликда, (балким, бу инсон ҳақиқатан ҳам “ардоқли сирини учраган одамга дастурхон қилгиси келмагандир”) таржимоннинг иккиламчи (“жуфтланган”, десам қандай эшитиларкан?!) лисоний шахс сифатида намоён бўлиши масаласига қаратайлик. Таржима жараёни коммуникациянинг икки тил тизимидан фойдаланишни тақозо этувчи тури эканлиги ҳаммамизга маълум. Шундай экан, таржимон билингв, яъни икки тил эгасига айланган ижодкор ҳисобланади. ЗуллISONАЙНЛИК мураккаб хусусиятларга эга бўлган қобилиятдир. Бу қобилият катта ҳаётий тажриба асосида, ижтимоий муҳитнинг тақозоси билан юзага келиши мумкин (Исҳоқов 1980). Бироқ таржимон зуллISONАЙНЛИК даражасига эришиши учун унинг лисоний билим қатламлари жуфтланиши ва шу йўсинда олам манзарасининг ўзга тилдаги манзараси, модели билан яқиндан таниш



бўлиши янада аниқроғи, уни эгаллаши зарур. Бундан ташқари, маданиятлараро мулоқот субъектига айланаётган таржимон бикогнитив ва бимаданий қобилият шахсига ҳам айланиши даркор.

ЗуллISONайнликка оид муаммоларни инсоннинг лисоний қобилятини моделлаштириш орқали ечиш мумкин ва бунда охирги йилларда оммавийлашаётган лисоний шахс назариясига таяниш муҳимдир. Айнан “иккиламчи лисоний шахс” тушунчаси асосида лисоний қобилятни тавсифлаш ўзга тил ва маданият тизимини ўзлаштиришни енгиллаштирувчи омиллар билан яқиндан танишиш имконини беради. Ю.Н.Карауловнинг фикрича, лисоний шахс ғояси тилни эгаллашнинг барча аспектларини қамраб олади ва айни пайтда инсонни ўрганувчи фанлар ўртасидаги чегараларни бузиб ташлайди, чунки инсонни унинг забонидан холи равишда ўрганиб бўлмайди (Караулов 1987:3). Олим олға сурган ғоя иккиламчи лисоний шахс назариясининг шаклланишига туртки бўлди. Ушбу назариянинг асосчиларидан бўлган М.И.Халеевнинг қайдича, лисоний шахс категорияси лингводидактик мўлжални ҳам кўзлаши мумкин ва бундай мўлжал оддий ёки ягона мақсад бўлмасдан, балки мавжуд муаммоларга кенг кўламда қараш ҳамда таҳлилда редукационизмдан қочиш зарурати билан боғлиқ – (Халеева 1989:23). Бўлажак таржимонга таълим бериш жараёнида ҳам унинг лисоний билимининг вербал-семантик сатҳини жуфтлашиш ва ушбу билимни бошқа тил жамоасига хос бўлган оламнинг лисоний манзараси билан бойитиш назарга тутилади. Шунинг билан биргаликда, иккиламчи лисоний шахс моделининг мураккаб тузилишга эга эканлигини унутмаслик лозим, чунки бу ерда сўз алоҳида лисоний шахсларнинг бир-бири билан бирикиши тўғрисида кетаётгани йўқ. Иккиламчи лисоний шахснинг шаклланиши бошқа бирор бир тил тизими ҳақидаги билимга эга бўлиши билан тугамайди. Бу жараён, аслини олганда, ягона бир шахс лисоний онгида она ва чет тиллари замирида кечадиган

оламнинг турли лисоний манзалари учрашувидир.

Инсон онгида лисоний қатламнинг жуфтлашуви, гумонсиз, лингвокогнитив ва тезаурус қатламларининг ҳам жуфтлашувига олиб келади. Боз устига, айтилган қатламларнинг ўзаро алоқасисиз лисоний онг сатҳининг жуфтлашуви ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Фақат қабул қилинаётган ўзга тил белгиларига тўғри муносабат билдириш кўламида ва ушбу тилдан фойдаланиш механизмларининг мустақил, она тилидан эркин равишда ҳаракати шароитида лисоний онгдаги жуфтлашув юзага келади. Бошқача айтганда, лисоний шахс лексиконининг жуфтлашуви, охир-оқибатда, онгнинг лингво-когнитив ва лисоний-семантик қатламларининг тез мосланувчан ёки ҳаракатчан муносабатларини таъминлашга йўналтирилади. Олам ҳақидаги билимнинг катта қисми ўзига хос миллий “либос”га эга бўлган сўз маънолари орқали ўзлаштирилиши сабабли, лисоний белгилари нафақат тил билимни ташувчилар, балки олам ҳақидаги билим захираси ҳамдир. Лисон, оламнинг концептуал тасвирини акс эттирганлиги боис мулоқот воситаси хизматини ўташ қудратига эга.

Лисоний шахсга батамом ижтимоий-тарихий, миллий-маданий ҳодиса сифатида қараш талаби таржимон шахсида ҳам ўз аксини топади. Таржимоннинг ҳозиргина айтилган сифатларга эгалик даражаси унинг қобиляти (компетенцияси) кўламини белгилайди. Умуман, билимнинг иккиламчи когнитив структурасининг роли жуфтлашган лисоний шахснинг шаклланиши ва фаоллик кўрсатишида шу қадар каттаки, таржимон шахси, ўз миллийлигини йўқотмасдан туриб, янги сифатларга эга бўлади. Энг қизиғи билингв ва бикогнитив шахсга айланган таржимоннинг прагматикони, унинг маълум даражада кенгайишини инобатга олмайдиган бўлсак, асосан сақланиб қолади.



Лекин ҳар қандай билингв ҳам таржимонлик қилиш қобилиятига эга бўлавермайди. Зуллisonайн шахс узатилаётган ахборотга лисоний кўриниш беришда бирмунча эркинликка эга, таржима амалиётида эса эркинлик чегараланган, чунки таржимон ҳаракатлари қабул қилинган қоидалар кўламида бажарилади. Демак, таржимон икки тилни эгаллаган оддий шахс бўлмасдан, балки махсус тайёргарлик ўтаган касб эгасидир ва унинг бажарадиган ҳаракатлари мураккаб кўринишдаги нутқий фаолият натижасидир.

Таржиманинг фаолият сифатида эътироф этилиши “таржима фаолияти” тушунчасининг барча учун таниш бўлишига сабаб туғдиради. Аммо “таниш бўлиш” ёки “моҳиятни англаб етиш” бир хил нарса эмас. Қизиқ, “фаолият” нималардан иборат экан ёки унинг концептуал маъноси нимани англатади? Махсус адабиётларга мурожаат қиладиган бўлсак, “фаолият” тушунчасининг субъектнинг объектга таъсир кўрсатиш мақсадида, режа асосида бажарадиган онгли ҳаракатлари мажмуаси кўринишида талқин қилинишини сезамиз. Демак, фаолият қандайдир бир бўшлиқда юзага келмайди: унга киришиш учун мотив туртки бериши, мақсад туғилиши, муҳит пайдо бўлиши шарт. Фаолият самарага олиб келиши учун ҳаракат дастури тузилиши ва уни ишга солувчи воситалар, механизмлар мавжуд бўлиши талаб қилинади. Худди шу воситалардан фойдаланиш оқибатида натижага эришилади, яъни моддий ёки маънавий маҳсулот юзага келади. Фаолият жараёни марказида субъект, яъни унинг ижрочиси туради, субъектсиз ҳеч қандай фаолият тури бажарилмайди. Бундан ташқари, фаолият маълум бир объект сари йўналтирилади.

Равшанки, фаолият субъектнинг предмет олами билан муносабатга киришувининг динамик, ҳаракатдаги тизимидир. Шунга биноан, фаолият ҳодисасининг асосий хусусиятлари субъектнинг предмет билан муносабатида

кўзга ташланади. Бу эса, ўз навбатида, предметсиз ёки объектсиз фаолият хомхаёл эканлигидан дарак беради. Фаолият предмети моддий ёки идеал мундарижага бир хилда эга бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.

Шундай экан, нутқий ҳаракатларни ва шунинг билан бир қаторда, таржимани фаоллик назарияси тамойилларига жавоб беришини исботлаш мумкинми?! Бундай гумонли мулоҳазанинг туғилиши бекорга эмас. Зеро, тилшунослар (айниқса структуралистлар) йиллар давомида лисонни кодлар (белгилар) тизими сифатида талқин қилишиб, нутқни эса ахборотни маълум турдаги лисоний белгилар ва структуралар воситасида кодлаштиришдан иборат эканлигини уқтиришга ҳаракат қилиб келдилар. Аслида, ҳолат бошқачароқ. Машхур рус психологи Н.И. Жинкиннинг таърифига ишонадиган бўлсак, “нутқ бир ҳамсуҳбатнинг маълум бир фикрни етказиш ва мазмуний таъсир ўтказиш мақсадида иккинчисига нисбатан бажараётган ҳаракатидир” (Жинкин 1982:18). Бундан маълумки, нутқий фаолият бажарилишида асосийси лисоний белги эмас, балки ушбу белгилар воситасида узатиладиган ёки уйғотиладиган ментал маҳсулот – фикрдир. Нутқий фаолиятда мақсад эришилганлик даражаси ҳам худди шу ментал маҳсулот кўламида белгиланади. Бошқача айтганда, узатилган лисоний ахборот тингловчида ҳам бир хил фикрни уйғотса, субъект нутқий фаолияти кўзланган мақсадга эришади.

Таржиманинг нутқий фаолият турлари қаторига киритишга ҳалақит бераётган нарса таржимашуносликда иккита тадқиқ предмети ажратилиши билан боғлиқ. Буларнинг биринчиси таржима жараёни бўлса, иккинчиси ушбу жараён маҳсули – матндир. Ҳар ҳолда, ҳозирги пайтда таржиманинг ўзига хос (нуқий) фаолият эканлиги ҳеч кимда гумон туғдирмаса керак. Буни таржима ҳодисасига берилаётган таърифлардан ҳам илғаш мумкин. Масалан, Л.К. Латышевнинг таъбирича, “таржима, бир



томондан, таржимон фаолияти маҳсули – ёзма ёки оғзаки матнни англатса, бошқа томондан, ушбу маҳсулотнинг яратилиш жараёнини, яъни матнни шакллантираётган таржимон фаолиятига ишора қилади” (Латышев 2001:12). Таржиманинг нутқий фаолиятининг ўзига хос тури эканлиги аниқ ва бу фаолият давомида таржимоннинг вазифаси ўзига яраша, у аслиятнинг мунжарижасини ташкил қилувчи мазмунни сақлаб қолиш мажбуриятини олган шахсдир ва шу жиҳатдан матн яратишга оид ўз дастурига эга эмасдек туюлади. Таржимоннинг эришадиган натижаси аслият муаллифи кўзлаган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Шу сабаб бўлса керак-ки, “таржима” ва “таржимон” тушунчаларининг ҳеч қандай мантикий фарқсиз қўлланиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Жумладан, ҳозиргина эслатилган ишда қуйидагиларни ўқиймиз: “таржима, худди бошқа касбий фаолият турлари каби, жамиятда маълум бир вазифани бажаради, яъни ижтимоий мақсадга йўналтирилади. Профессional фаолиятнинг ижтимоий вазифаси (бурчи) унинг энг муҳим белгисидир ва бу бевосита фаолият моҳиятини белгилайди. Табиийки, бу таржимага ҳам тааaluқли” (Латышев 2001:14).

Айтилган фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ, берилаётган таърифлар унчалик даражада эътирозли эмас, бироқ бу таъриф тавсифларда муҳим бир нарса назардан четда қолаётгандек, аниқроғи–уларда таржима фаолиятининг туб моҳияти, унинг ўзига хослиги ўз аксини топмасдан қолиб кетмоқда. Ҳайронман: сиз билан биз бу камчилик ҳақида мулоҳаза ёритаётиб, бошқаларга ундан кутулиш йўлини кўрсата олармиканмиз?! Ҳар ҳолда, ҳаракат қилиб кўрсак, дашном эшитмасак керак.

Таржиманинг алоҳида кўринишдаги тафаккур фаолияти эканлиги ва бу жараёнда ўзига хос таржима амалларининг бажарилишини тадқиқотчиларнинг асосий қисми қайд этади. Ушбу ҳолатда асосий ўринга, сўзсиз, пайдо бўлган матн эмас, балки фаолиятнинг кечиши, таржима жараёни чиқади. Ҳар қандай жараён

маълум пайтда, шароитда ва аниқ воситалар иштирокида кечганидек, таржима жараёни тавсифида ҳам қандайдир мавҳум категорияларга мурожаат қилгандан кўра, когнитология ва психоллингвистика соҳаларида синовдан ўтган тушунча ва ғояларга амал қилиш маъкулроқ кўринади.

Таржиманинг психоллингвистик тадқиқи йўллари қидираётганлар таржима жараёнини, А.А. Леонтьевнинг нутқ яратилиши назариясига таянган ҳолда, уч босқичли фаолият кўринишида тавсифлайдилар: ҳаракатларни белгиланган мақсад мўлжалида режалаштириш босқичи, дастурни бажариш ва режани амалга ошириш босқичи; назорат босқичи ёки эришилган натижани режа билан қиёслаш. А.А. Леонтьевнинг бир пайтлар айтган фикри (“таржима-дастури четдан белгиланган монологик фаолиятнинг бир туридир”- Леонтьев 1967:169) таржиманинг ўзига хос нутқий фаолият эканлигини исботлаш ниятида эслатилиб турилади. Таржимоннинг “четдан” оладигани, албатта аслият матнидир. Бундан чиқадики, таржимоннинг фаолият дастури (режаси) ҳам “четдан”, яъни аслиятга боғлиқ ҳолда шаклланади. Таржимон олдиндан, “четдан” тайёр матнни қабул қилиб олади ва унинг асосида тайёрланган ҳаракат дастурини таржима матни кўринишида воқеликка айлантиради. Шу боис, нутқий фаолиятнинг асосий когнитив бирлиги сифатида айнан матннинг мантикий-мазмуний образи қаралади. Аммо матнни қайта яратиш шароитида ҳаракатга келадиган лисоний тафаккур дастури ментал ва мазмуний коддир ва унинг лисоний воқеланиши турлича кўринишга эга. Шунинг учун ҳам таржимон дастурлаштириш амалини бажариш учун даставвал аслиятни ўзлаштириши, яъни индивидуал мазмун доирасида идрок этиши ва фақат шундан сўнг таржима тили лексик–грамматик захирасига мурожаат қилишга мажбур. Демак, таржима жараёнида юзага келадиган лисоний–тафаккур дастури бошқа турдаги нутқий фаолиятларникидан



фарқ қилади, чунки таржима дастури, А.М.Шахнарович кўрсатганидек, “бир томондан олдиндан берилган бўлса, бошқа томондан эса–таржимон томонидан тузилади” (Шахнарович 1978:59).

Таржима фаолияти, кўп маротаба қайд этилганидек, бир пайтнинг ўзида ҳам рецептив (идрок этиш) ҳам репродуктив (қайта яратиш) ҳаракатларни қамраб олади. Ушбу фаолият семантик жиҳатдан ҳам икки қаватлидир: таржимон фаолияти аввал аслият мазмунини (интерпретатив семантика) англашга қаратилса, сўнг таржимани бажаришга (репрезентатив семантика) йўналтирилади. Матн мазмунини англашда алоҳида мазмун ифодаловчи элементлар танлаб олиниб, когнитив структуралар, фреймлар, скриптар атрофида бирлаштирилади ва шундан сўнг нутқий тузилманинг мундарижавий ғояси марказида турган умумий семантик структура ёки макроструктураси аниқланади.

Таржиманинг психолингвистик модели барчани ҳам бир хилда қониктирмайди. Гарчи унда таржимон бажарадиган фаолиятнинг муҳим жиҳатлари акс топса-да, лекин ҳақиқий жараён психолингвистлар қайд этганлари билан тугамайди.

Таржима жараёни ва умуман нутқий фаолиятнинг моҳиятини алоҳида биргина ёндашув татбиқида ёритиб беришнинг имкони чегараланганини сезган психолингвистлар, нутқий тузилмалар ҳосил бўлишининг “қискартирилган” усуллари мавжудлигини қайд этадилар. Шундайлардан бири бўлган Т.В.Ахутинанинг фикрича, ботиний дастурлаштириш ва унинг лексик – синтактик воқелантириш нутқий тузилма яратилишининг ягона усули эмас. Олдиндан тайёр нутқий стереотипларнинг фаоллашуви нутқий ижодкорликнинг бошқача – қискартирилган усулидир (Ахутина 1975:120). Бундан ташқари, нутқий фаолият тайёргарлик босқичидан, яъни мотив, эҳтиёж, мақсадларнинг шаклланишидан ташқари, натижанинг эҳтимол қилиниши, олдиндан далилланиши ҳам муҳимдир. Шунингдек,

нутқий фаолият ижросининг энг кам ўрганилган босқичи бўлган сўз танлови ва уларга грамматик шакл бериш босқичи ҳам мавжуд. Ушбу босқичда бажариладиган ҳаракатлар механизми кўп жиҳатдан ноаниқ бўлиб қолмоқда. Тахмин қилинишича, сўз танлови ҳаракатлари оператив хотира худудида бажарилиб, баҳолаш когнитив амалларига муурожаат қилинади. Мазкур амалларнинг барчаси “ботиний нутқ” кўламида содир бўлиб, зоҳирий нутқда эса оғзаки ёки ёзма кодлаштириш, яъни лисоний шакллантириш босқичига ўтади (қиёсланг: Гойхман 1997:11).

Нутқий тузилманинг тайёрланиши ва илк шаклни олиши ботиний нутқда бажариладиган тафаккур ҳаракатларининг натижаси эканлиги психологлар томонидан кўп бора таъкидланган. Ўтган асрнинг 1934 йилидаёқ Л.С.Выготский (1934) фикр бир нарсани бошқаси билан бириктиришга, улар ўртасида муносабат ўрнатишга интилишини уқтираётиб, “ҳар қандай фикр ҳаракатда бўлади, кенгайди, ўтиб боради, ишни бажаради ва қўйилган топшириқни адо этади”, деб ёзган эди. Демак, нутқий фаолиятни амалга ошириш учун бириктириш, валентлик хусусияти билан боғлиқ ўзаро боғлаш амалларини ҳам бажариш лозим. Таржимон бажарадиган фаолият эса янада мукамалроқ, зеро унинг лисоний тафаккури аввал матндан онгга қараб интилади ва бу “ўзгартирилиши (бир тилдан иккинчисига ўтказилиши–Ш.С.) керак бўлган структуранинг таҳлили ва янги структура шакллантирилиши учун зарур бўлган элементларнинг ажратилиши билан бошланиб,” кейин эса онгдан яна нутқий фаолиятга, матн яратилишига қараб йўл олади, яъни “онгда фаоллашган алоҳида воқеа-ҳолатлардан янада мураккаброқ пропозиция ва тафаккур структураларига ботиний синтактик-семантик структуралардан сиртки сатҳдаги гаплар” (Кацнельсон 1972:127) сари йўл олади.

Нутқий фаолиятнинг мазмунли кўриниш олиши учун актуаллаштириш ва моделлаштириш амалларининг ижроси



ҳам талаб қилинади. Уларнинг биринчисида мазмун бирликлари нутқий тузилманинг тема-режа қурилишига мослашса, иккинчисида мазмун модаллик буёғини олади. Қисқаси, таржимон бажарадиган нутқий – лисоний фаолият маънолаштириш (предикация), фокаллаштириш (мазмунни асосий ғоя атрофида умумлаштириш), аслият интерпретацияси (мазмунни тушуниш) ва яна қайта маънолаштириш (предикация), маънони фаоллаштириш, модаллаштириш ва вербаллаштириш (таржима матнини яратиш) каби амаллардан иборат. Ушбу амалларнинг когнитив механизмлари асосан ботиний нутқ сатҳида ҳаракатга келади. Умуман олганда, ботиний ва зохирий нутқий фаолият босқичлари алоҳида чегарага эга эмас, улар бир пайтнинг ўзида, узлуксиз кечадиган жараёнлардир. Кодлаштириш ботинда юзага келадиган структураларни “текислаштиради”, зоҳирда намоён бўладиган хатолар эса нутқий тузилма яратилишининг энг қийин ҳолатларини “ёритиб беради”. Шу аснода, ботиний нутқ, ҳатто баъзан зоҳирланмасдан қолса-да, доимо лисоний вокеланишга тайёр туради (Львов 2000:78; Жинкин 1998:85).

Дарҳақиқат, лисоний-мантиқий тафаккур нутқий тузилмалар яратилиши ва идрок этилиши давомида кечадиган энг аҳамиятли когнитив жараёндир. Инсон интеллектуал фаолиятининг айнан шу поғонасида объектив борлик ҳодисаларининг энг муҳим алоқа ва муносабатлари акс топади. Ҳис этиш, тасаввур қилиш каби психологик кечинмалардан фарқли равишда, тафаккур юритиш–ҳодисаларнинг билвосита акс топиши жараёндир. “Лисоний – тафаккур фаолияти давомида, - деб ёзган эди машҳур психолог Б.Ф.Ломов, - индивидуал тажриба инсоният томонидан тўпланган чексиз билим манбасига таянади” (Ломов 1986:17).

Таржиманинг алоҳида кўринишдаги нутқий фаолият мақомига эга эканлигини исботлашга катта куч сарфлаган олимлар қаторига И.А.Зимняя ҳам қиради. Таржиманинг рецептив–репродуктив

фаолият намунаси сифатида қарашни аввал кичик бир мақолада таклиф қилган олима (Зимняя 1978) кейинчалик шогирди В.И.Ермолович билан ҳаммуаллифликда ўша пайтларда Москва чет тиллар институти ҳузурида ташкил қилинган таржимонлар олий курси тингловчилари учун мўлжалланган “Таржима психологияси” ўқув қўлланмасини тайёрладилар (Зимняя, Ермолович 1981). Мазкур қўлланма муаллифлари қайд этишларича, ҳар қандай рецептив нутқий фаолиятда идрок билан боғлиқ механизмлар ҳаракатга келса, продуктив нутқий фаолият эса яратувчан когнитив механизмлардан фойдаланади. Сўзлаш ва ёзиш фаолияти предметини сўзловчининг фикри ташкил қилса, эшитиш ва ўқиш фаолияти предмети эса–бошқанинг фикридир. Таржиманинг ўзига хослиги рецептив ва продуктив фаолиятларнинг учинчи кўринишдаги рецептив–продуктив турга бирикишидадир.

Аслият матнини англаш пайтида таркиби бирликлар ўртасида мазмуний–структур боғлиқликлар қайта шаклланади. И.А.Зимняянинг таъбирича, матн мазмунини англаш пайтида ахборот меъёри кенгаяди, чунки унда аслиятда мавжуд бўлган маълумотлар сақланиши билан биргаликда англаш ҳаракати давомида эришилган натижа ҳам акс топади, масалан у ёки бу ҳодисалар умумлаштирилиши, аниқлаштирилиши мумкин (Ўша асар, 48 бет). Шунга биноан эслатилган қўлланма муаллифлари қуйидаги хулосага келадилар: “таржима–нутқий фаолиятнинг ўзига хос, мураккаб, иккиламчи туридир. Бу фаолият идрок қилинаётган фикрнинг давомсиз равишда англаб бериш (шаклланиш ва шакллантириш) жараёндир” (Ўша асар, 14 бет).

Психоллингвистлар таржима фаолиятининг ўзига хослигини жараённинг воситали кечишида кўрадилар, зеро дастурлаштириш босқичига матнни чет (таржима) тилида англаш вазияти қўшилади.

Машина таржимаси тизими билан машғул ва табиийки, ахборот – семиотик



ёндашув тарафдорлари бўлган тадқиқотчилар таржима фаолияти тавсифига бироз бошқачароқ ёндашадилар. Улар билиш назариясига таянган ҳолда нутқий фаолиятни ахборот узатиш жараёни сифатида талқин қиладилар. Улар тақлиф қилинаётган моделда ахборот узатувчи, адресат ва матндан ташқари, объектив ва борлиқ ва унинг инсон онгида акс топиш тамойиллари ҳам ўрин эгаллайди.

Муаллиф яратган матн олам манзарасини воқелантиришнинг индивидуал шаклидир ва бунда нутқ субъекти лисоний шахс сифатида намоён бўлади. Матнда тасвирланаётган воқелик ҳамда лисоний тафаккур натижалари матнда турли босқичларда кўриниш беради. Воқелик ҳақидаги ахборот депотатив босқичда намоён бўлса, қўлланилаётган лисоний воситалар структур сатҳда кўриниш беради, муаллиф фикрини таркиблаштирувчи бирликлар эса мантиқ босқичига оиддир.

Ахборот адресати матн, воқелик тасвирини тайёр ҳолда қабул қилиб олади. Матн идроки эса тил ва тафаккур муносабати қонуниятларига мос равишда кечади. Шунга биноан ахборот узатиш жараёни сифатида қаралаётган нутқий фаолият воқелик ҳақидаги маълумотларнинг қабул қилиниши, ақлий ишлов берилиши ва узатилиши билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади (Рябцева 1986:88-90). Таржима ушбу моделда ҳам нутқий тафаккур фаолиятининг алоҳида шакли сифатида қаралади, чунки таржима матннинг яратилиши одатдаги ахборот узатиш жараёни бўлмасдан, балки “тиллараро ахборот алмашиш ҳамкорлигидадир” (Ўша асар, 5-бет).

Машина таржимаси мутахассислари ҳам, худди психоллингвистлар каби таржима пайтида матнни қабул қилиш, тушуниш ва қайта яратиш жараёнларининг кечишини тасвирлашга ҳаракат қиладилар, чунки ушбу жараёнлар нутқий фаолиятнинг ҳар қандай турига хосдир. Аммо таржима фаолиятининг ўзига хослиги сабабли ушбу механизмларнинг ҳаракати бошқачароқдир. Таржиманинг

асосий хусусиятларидан бири унда матн идроки бошқа нутқий фаолият турларидан бошқачароқ кўриниш олишида намоён бўлади. Зотан, таржимон матнни воқелик ҳақида ахборот олиш мақсадидан кўра кўпроқ ушбу ахборотни бошқа тил воситасида узатиш ниятида идрок этади.

Хўш, таржима жараёнида матнни тушуниш қандай кечади? Энг аввало, айтиш жоизки, матнда ифода топган ахборотни оддийгина англаш пайтида унинг айрим қисмлари ва жиҳатларини охиригача тушунмаслик ҳолатлари юз беради. Шунингдек, ахборотни қабул қилувчи шахсни у ёки мазмуннинг ифода воситалари қизиқтирмайди. Матн таржима мақсадида идрок этилаётган пайтда эса ушбу матн тўлиғича “қайта ишлов”дан ўтади, яъни у нафақат мазмун, балки шакл жиҳатидан ҳам таҳлил қилинади. Таржимон учун шакл ва мазмун муносабати муҳимдир ва бу муаллиф фикри ифода воситаларини имкони борича қайта тиклаш заруратини қондиришга имкон беради. Бундан маълум бўладики, таржима жараёнида бажариладиган когнитив фаолиятда матн янада батафсил, онгли равишда идрок қилиниб, ҳар томонлама таҳлилга тортилади.

Шундай қилиб, таржиманинг нутқий фаолиятнинг ўзига хос тури эканлиги барча томондан эътироф этиб келинмоқда. Лекин таржима матннинг яратилиши масаласида тадқиқотчиларнинг хулосалари баъзан эътиборли даражада фарқ қилади. Жумладан, психоллингвистик ёндашувда лисоний тафаккур фаолиятининг умумий механизмлари тавсифланиб, таржиманинг ҳар қандай нутқий фаолиятга хос хусусиятларга эга эканлиги таъкидланади. Кўрсатилишича, таржима матннинг яратилиши нутқий фаолият тамойилларига асосланади ва таржима фаолияти, худди бошқа нутқий фаолият турлари каби, уч босқичли жараёндир. Бошқача айтганда, таржима фаолияти тадқиқотида умумийликдан хусусийликка томон бориш йўли танланади.

Автоматик таржима билан машғул тадқиқотчилар эса масалага бошқача



ёндашадилар. Уларнинг наздида, таржима – ахборот яратиш ва узатиш жараёнидир ва ушбу фаолият индуктив усуллар ёрдамида ўрганилиши лозим. Бундай ёндашувда нутқ яратилишининг умумий механизмлари сўнгги ўринда туриши табиий. Бундан ташқари, информация – семиотик йўналишда фақат лисон ва коммуникация ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги маълумотлар ўрганилиб, ҳар қандай фаолиятнинг марказий элементи – инсон назаридан четда қолади. Фаолият категориясининг фалсафий тавсифида субъект марказий ўринда туради, чунки такрорланмас нейрофизиологик қобилият соҳиби бўлган, ижтимоий тизимда лисоний – маънавий белгилари билан намоён бўладиган, фаолият юритиш учун барча турдаги қобилиятга эга инсонгина онгли ва самарали фаолият ижрочиси вазифасини бажара олади. Таржима инсон бажарадиган фаолият турлари қаторига киритилар экан, таржимон воқелик билан муносабатга киришиб, унга таъсир ўтказадиган ва маълум бир жамоавий эҳтиёжни қондирадиган субъект сифатида тавсифланиши шарт. Таржимонга бу мақомнинг берилиши ушбу касбга хос қатор хусусиятларнинг моҳиятини аниқлашга имкон яратиши мумкин.

Таржимоннинг ўзга шахс (аслият муаллифи)нинг коммуникатив режасини қабул қилиб олиши унинг фаолиятини мотив, ижро мақсади каби таркибий қисмлардан холи қила олармикан?! Психологлар таржимоннинг шахсий коммуникатив мақсад ва истакларига эга бўлмаслигини “идрокли воз кечиш” ҳаракатига йўйишиб, бундай воз кечишни таржиманинг ижтимоий моҳияти, буюртма бўлиши билан боғламоқчи бўладилар. А.А.Леонтьевнинг таъбирича, таржимоннинг ушбу ҳаракати унинг “яратувчанлик ва атрофдаги оламда кечаётган воқеалар, ходисалар қатнашчиси имконига эришиши билан боғлиқ” эмиш (Леонтьев 2001:289). Машҳур руҳшунос – тилшуноснинг ушбу фикрига гумоним борлигини айтмасликнинг иложи йўқ.

Ахир таржимон ҳеч қандай мотивга, коммуникатив мақсадга ёки шахсий истакка эга бўлмасдан туриб, қандай фаолият бажара олади?! Мотив – инсонни ҳаракатга ундайди, фаолиятнинг ҳар қандай турининг манбаи – мотивдир. Шунинг билан биргаликда, мотивнинг ҳар доим ҳам аниқ кўзга ташланмаслигини, унинг баъзан яширин ҳолда мавжуд бўлишини ҳам унутмаслик керак. Бундан ташқари, инсонни маълум бир фаолиятга бир неча турдаги мотивлар ундаши ҳам мумкин. Таржима фаолияти, назаримда, бир нечта мотив таъсирида уйғонадиган фаолиятлардандир, зеро унда қондирилаётган эҳтиёжлар кўлами ҳам анчагина кенг. Таржимон касбий фаолиятини ҳаракатга келтирувчи асосий мотивлардан бири унинг ижтимоий– лисоний шахс ролини бажариши ва мутахассис сифатида маданиятлараро мулоқот пайтида субъектларнинг бир– бирини тушунишини таъминловчи лисоний–маданий воситалар, амаллар мажмуасини шакллантирилиши ва бойитилишидир.

Айтилганларнинг барчаси таржима фаолиятининг ўзига хос лисоний фаолияти намунаси бўлишидан гувоҳлик беради. Биринчидан, таржима фаолияти таржимоннинг шахсий сифатлари, унинг лисоний шахс мақомида намоён бўладиган қобилияти билан боғлиқ. Иккинчидан, билвосита маданиятлараро мулоқот шароитида фаолият кўрсатаётган таржимон, олдиндан тайёр мотив, коммуникатив мақсадни қабул қилиши сабаб, аслиятдаги лисоний белгиларни механик тарзда таржима матнига кўчириш амалиётидан холос бўлиб, аслиятни функционал муқобилликка оид турлича кўринишларда трансформациялаш ташвишини кўради. Моҳиятан ижодкорлик, яратувчанлик руҳида бажариладиган бундай фаолият таржимон лисоний–тафаккур фаолияти доирасидан стереотип–андозали ҳаракатлар ҳам ўрин олиши мумкинлигини инкор этмайди.



Адабиётлар:

1. Ахутина Т.В. Нейролингвистический анализ динамической афазии. – М.: Изд-во, МГУ, 1975. -144 с.
2. Выготский Л.С. Мышление и речь. М., Л.: Соцэкгиз, 1934.- 323 с.
3. Гафуров И. “Қодирий қошида қизармайси?” // Ёшлик 2013. 6-сон. Б. 7-11.
4. Исҳоқов Ё. Зуллисонанлик ва таржима // Таржима санъати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1980. – Б. 121-131.
5. Гойхман О.Я., Надеина Т.М. Основы речевой коммуникации. – М.: ИНФРА – М., 1997. -272 с.
6. Голев Н.Д. Лингвоперсонологическая вариативность языка // Известия Алтайского гос.университета, Серия «История, филология, философия и педагогика». - 2004. № 4.-С. 41-46.
7. Жинкин Н.И. Избранные труды. – М., 1998. – 280с.
8. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации – М.: Наука, 1982. – 157 с.
9. Зимняя И.А., Ермолова В.И. Психология перевода: Учебное пособие для высших курсов переводчиков. – М., Изд-во МГПИИЯ, 1981. – 99 с.
10. Карасик В.И.Языковой круг. Личность, концепты, дискурс. – М.:Гнозис, 2004. – 390 с.
11. Караулов Ю.Н. Русская языковая личность и задачи её изучения // Язык и личность. – М.: Наука, 1989. – С. 3-8.
12. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987-264 с.
13. Караулов Ю.Н. Так что же такое «языковая личность»? // Этническое и языковое самосознание. – М.: И-Т народов России, 1995. – С. 63-65.
14. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972. -216 с.
15. Кубрякова Е.С. Когнитивная лингвистика и проблема композиционной семантики в сфере словообразования // Известия РАН. Серия литература и языка. – Т.61. – 2002. - № 1. – С. 13-24.
16. Лентьев А.А. Психоллингвистика. – Л.: Наука, 1967.
17. Леонтьев А.А. Деятельный ум. – М.: 2001.
18. Львов Б.Ф. Когнитивные процессы как процессы психического отражения // Когнитивная психология. – М.: Наука, 1986. – 205 с.
19. Зимняя И.А. Психологический анализ перевода как вида речевой деятельности // Сборник научных трудов МГПИИЯ им. М.Тореза. –М.: 1978. Вып. 127. – С. 37-49.
20. Моррис Ч.У. Основны теории знаков // Семиотика – М.: Радуга, 1983. – С. 37-89.
21. Нерознак В.Т. Лингвокультурология и лингвоперсонология // Вавилонская башня – 2. Слово Текст. Культура. – М.: 2003. –С. 13-17.
22. Розин В.М. Семиотические исследования. М., – СПб.: Изд-во PER SE; Университетская книга, 2001. – 256 с.
23. Рябцева Н.К. Информационные процессы и машинный перевод. Лингвистический аспект. – М.: Наука, 1986. -168 с.
24. Сухих С.А. Репрезентативная сущность личности в коммуникативном аспекте реализаций. – Краснодар: Изд-во Кубанского гос. у-та. 1997.
25. Сухачев Н.Л. О семиотике Ч.С.Пирса. Тройственный знак в универсуме репрезентаций. – СПб.: Наука, 2003. – 106 с.
26. Халеева И.И. Основы теории обучения пониманию иноязычной речи. – М.: Высшая школа, 1989. – 238 с.
27. Шахнарович А.М. Внутреннее программирование в процессе перевода // Совершенствование перевода зарубежной НТА. – М.: 1978.
28. Щедровицкий Г.П.Избранные труды. – М.: 1995. – 427с.
29. Якобсон Р. В поисках сущности языка // Семиотика. – М.: Радуга, 1983. –С. 37-89.
30. Chomsky N. Knowledge of Language: Its Nature, Origin and Use/ - N.Y: Praeger, 1986.



АСПЕКТУАЛЬНЫЕ СИТУАЦИИ С УЧАСТИЕМ СОЧЕТАНИЙ С ПРЕДЕЛЬНЫМ ФУНКЦИОНАЛЬНЫМ ГЛАГОЛОМ FINDEN В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

*Рисаева Оксана Маратовна,
Преподаватель СамГИИЯ*

Ключевые слова: сочетания с функциональными глаголами, аспектуальная ситуация, терминативность, финитивность, результативность.

Целью статьи является выявление и описание аспектуальных ситуаций в организации которых участвуют сочетания с функциональным глаголом *finden* в современном немецком языке.

С лексико-семантической точки зрения полнозначный глагол *finden* относится к глаголам достижения цели, результата. Рассматриваемый глагол может функционировать как в качестве полнозначного, так и в качестве функционального глагола. Полнозначный глагол *finden* по признаку наличия/отсутствия в его лексико-семантическом потенциале семы предельности можно охарактеризовать как предельный глагол, перфективный, значение которого связано с признаком реального достижения предела (наряду с глаголами *gelangen*, *geraten*).

В литературе отмечаются некоторые семантические признаки, связанные с глаголом *finden*. Так, например, В. Кляйн, ссылаясь на И. Эрбена, отмечает, что глагол *finden* делает возможным выражение активного и результативного значения пассивного события. Указывается, что по аналогии с моделью *ausgedrückt werden* — *Ausdruck finden*, конструируются также *Anklang*, *Eingang*, *Zugang finden*, для которых нет однокорневых синонимичных глаголов [14, 32-34]. По мнению Х. Винхарт, посредством глагола *finden* выражается некаузативная смена состояния. Она обращает внимание на то, что *finden* в противоположность к глаголам *bekommen* и *erfahren* является способным к пассивизации. При употреблении глаголов *finden*, *bekommen* и *erfahren* может предполагаться деятельность,

обуславливающая смену состояния [23, 187].

В аспектуальном плане, полнозначный глагол *finden* характеризуется, как однозначно перфективный (или результативный) глагол, выражающий значение результата предшествующего поиска (*Suchens*) (см. об этом: [1, 42; 10, 73]). В качестве функционального глагола он выступает как однозначно предельный (перфективный, результативный) глагол. Сочетание с функциональным глаголом *finden* характеризуется в акциональном плане, как сочетание с явно предельным (результативным) значением. С акционсартной точки зрения, СФГ *finden* связаны с выражением результативности предыдущих действий (процессов). Акционсартное значение часто зависит от семантики именного компонента СФГ. В нашем материале в позиции ИК встретились процессуальные имена различной семантики: *Ausdruck*, *Lösung*, *Ende*, *Abschluß*, *Verwendung*, *Aufnahme*, *Tod*, *Trost*, *Schlaf*, *Ruhe*, *Erfüllung* *Genüge*. Здесь представлены отглагольные существительные, выражающие различные психические и физические состояния (*Tod*, *Trost*, *Schlaf*, *Ruhe*, *Genüge*); существительные *Ende* и *Abschluß* связаны с выражением конечной точки в развитии предыдущего процесса; *Lösung*, *Erfüllung* выражают результат предшествующих (умственных) действий агенса; *Ausdruck*, *Verwendung* и *Aufnahme* связаны с выражением различных действий и деятельности. Аспектное значение, тесно связанное с акциональной и акционсартной семантикой СФГ,



выявляется в рамках высказывания с учётом контекстной среды.

Рассмотрим аспектуальные ситуации с участием СФГ *finden*. В высказываниях с участием СФГ *finden*, в позиции именного компонента которых выступают имена психических и физических состояний, выражается, как правило, значение результата перехода в другое состояние. Ср.: (1) *Hätte auch nur einer von ihnen **den Tod gefunden**, könnte sie wohl auch heute noch mit Serben nicht zusammen arbeiten, sagt die Kroatian [7, 25]; (2) Im nächsten Brief zitiert sie Helene Blawatskaja, ...: "Wir haben keine andere Möglichkeit, als die Große Ruhe zu erlernen, die Krischna von uns verlangt..."*, seitenlang erklärt sie Rita das Buch, durch das sie **Trost gefunden hat** [15, 248]. В (2) примере указывается на то, что обуславливает результат перехода в другое состояние.

Нередко рассматриваемые СФГ *finden* сочетаются с отрицанием *kein*. Ср.: (3) *Und **fand** keinen **Schlaf** mehr [13, 311]; (4) "Ich habe nachgedacht, ich **finde** keine **Ruhe** mehr" [13, 388].*

В подавляющем числе случаев выражается терминативная АС, связанная с достижением какого-то результата. Так, в следующих примерах выражается ситуация, где конечный результат, к которому приходит активный агент, обусловлен его предшествующими умственными действиями. Предшествующие действия агенса могут быть, как имплицированы (5), так и эксплицированы в контексте (6). Ср.: (5) *Als sein Betrieb, in dem er als Ingenieur tätig war, den Geist aufgab, wie es fast alle Kleinbetriebe im postsowjetischen Frühkapitalismus taten, **fand** mein Vater **schnell eine Lösung** [11, 30]; (6) Mein Gehirn arbeitete weiter, wie eine Maschine, die auszuschalten man vergaß: ich **fand plötzlich die Lösung** für eine Algebraaufgabe, die ich vor zwei Jahren beim Examen auf der Ingenieurschule nicht hatte lösen können, und daß ich **die Lösung fand**, erfüllte mich mit dem tiefen Glück, das man empfindet, wenn einem plötzlich ein Name*

oder ein Wort einfällt, nach dem man lange gesucht hat [3, 242].

В высказываниях СФГ *finden*, в позиции ИК которых выступают имена с финитивной фазовой семантикой (*ein Ende* и *Abschluß*), выражается АС финитивной терминативности. В подобных случаях, СФГ *finden* выступает как синтаксическая единица «неполной предикации» и «открывает место» для указания на то, какой именно процесс прекращается. Ср.: (7) *„Fünf Monate erst sind vergangen, seit der schreckliche aller bisherigen Kriege sein **Ende gefunden hat** [5, 499]; (8) Die Isolation der Stadt vom Westen – zwischen 1404 und 1841 hatte es nur zwei europäische Besucher gegeben – **fand ein Ende** [18, 124]; (9) Mit dem Untergang der einst so bedeutenden Hauptstadt **hatte** aber auch die vorislamische Kultur des alten Soghd ihr jähes **Ende gefunden** [17, 283]; (10) Nachdem im Lauf der Jahrhunderte die Gräberstraße immer wieder einmal durch ein neues Mausoleum ergänzt wurde, **fand** die Bautätigkeit an der Nekropole mit der Errichtung eines Doppelmausoleums ... mit Beginn des 17. Jh. **schließlich Abschluß** [17, 249]. – Здесь выражается значение доведения какого-то запланированного процесса до его полного завершения.*

В тех случаях, когда вместо наименования какого-либо процесса в позиции номинатива выступает активный агент, чаще всего в форме личных местоимений или имён собственных, то выражается прекращение действий (имплицитно или эксплицитно с помощью контекста), совершаемых этим активным агентом. Ср.: (11) *Er wieder holte sich und gebrauchte Phrasen; gerade die hatte er vermeiden wollen. Hanes Schuber und Sprede, die der Ehrung beiwohnten, warfen sich vielsagende Blicke zu als Thomas **kein Ende fand** [5, 305]; (12) Er sagte flüsternd zu ihr: „Sie besaufen sich sinnlos heute Nacht. Ich kenne sie. Sie **finden** kein **Ende**. Bald sind sie müde. Sie legen sich schlafen...“ [2, 141].*

В (13) выражается значение вынужденного прекращения (прерывания) каких-то отношений (связей, контактов) на



неопределённое время. Ср.: (13) ... und sie hatte nicht ahnen können, daß ausgerechnet hier und an diesem Tag ihre Zeit miteinander **ein Ende finden** sollte auf lange Zeit [12, 206]. - Временной отрезок (ihre Zeit) имплицитно здесь время их совместной жизни.

Довольно часто употребление СФГ с отрицанием связано с речевыми действиями или с действиями, сопровождаемыми звуками (часто содержание прекращаемого процесса подсказывается контекстом): (14) Wie soll ich Ihnen das begreiflich machen oder nur auseinandersetzen? Da **find** ich kein **Ende**. Wenn ich nur anfangen, schwankt mir schon alles vor den Augen [22, 397]; (15) Dann beginnt ein lautes Beifallscharren, das kein **Ende finden** will [21, 159].

В материале встретился один пример, где СФГ ein Ende finden с отрицанием kein сочетается с существительным, обозначающим прекращаемый процесс, с помощью предлога mit. Ср.: (16) Der Alte lacht wie ein beim Mo-geln ertappter Kartenspieler. Räuspert sich, hustet, spuckt, kann kein **Ende finden** mit diebischem Gemecker [22, 458].

ИК Ende (также Abschluß) может быть конкретизирован теми или иными определениями, которые придают СФГ оценочную (положительную или отрицательную) или темпоральную характеристику. Ср.: (17) Der Courage kühner Sohn vollbringt eine Heldentat zuviel und **findet ein schimpfliches Ende** [4, 166]; (18) Er weiß im Voraus, daß Rühmann Sieger bleibt und der Film **ein glückliches Ende findet** [19, 209]; (19) Mallukh hörte den Springbrunn plätschern und bedachte, daß nun das Märchen von den Töpfer, den Sterngötter eine Zeitlang hatten Kaiser sein lassen, einen schönen, **befriedigenden Abschluß fand** [8, 387]; (20) Das Fest **fand ein frühes Ende** [6, 136].

В качестве уточнителей прекращения, с точки зрения быстроты и

интенсивности, могут выступать и наречия типа schnell, schließlich, bald.

Ср.: (21) ... so sorgte der mit ihnen reisende Gang... dafür, daß die unnütze Fragerei **schnell ein Ende fand** und ... [24, 10]; (22) Ihre Freundschaft, diese Berndtsche Vormundschaft, **fand schließlich ein Ende** [20, 508];

(23) Mitte Januar begann in Königsburg ein Hafenarbeiterstreick, in Hamburg ebenfalls ein solcher, der aber **bald ein Ende fand** [16, 223].

СФГ ein Ende finden может сочетаться не только с существительными с процессуальной семантикой, но и с именами собственными, личными и указательными местоимениями, которые сами по себе не обозначают каких-либо процессуальных явлений. При сочетании с ein Ende finden, они путём метонимического переосмысления могут выражать представления о человеческой деятельности, его психологических свойствах, а также о его жизни. Ср. следующие примеры:

(24) Er wurde durch Zuchthäuser geschleppt wie ein gemeiner Verbrecher, aber bis in eins der Konzentrationslager, in dem er sein **Ende finden** sollte, war er nicht gekommen [2, 312]; (25) Die Wallbrüder selber **fanden** zumeist, noch bevor sie ins Heilige Land kamen, **ein klägliches Ende** [9, 136]; (26) Jedoch man braucht Beistand, Rückhalt, Belehrung, praktischen Behelf, sonst wird alles total vernunftlos und **findet sein Ende** noch vor dem Anfang [22, 51].

Таким образом, СФГ finden в аспектном плане специализируется на выражении терминативности в сопряжении с признаками результативности и финитивности. По частотности употребления (59 примеров) и сочетаемостному потенциалу (14 различных ИК) ФГ finden занимает 3-ю позицию после ФГ kommen и bringen (согласно нашей картотеке).

Литература:

1. Ризаев Б. Х. Проблемы немецкой аспектологии. - Ташкент: Ўқитувчи, 1988. - 96 с.
2. Arnold Aufstand der Totgesagten. - Halle (Saale): Mitteldeutscher Verlag, 1977. - 462 S.
3. Böll H. Und sagte kein einziges Wort. - Leipzig, Weimar: Kiepenheuer, 1987. - 202 S.



4. Brecht B. Vorwärts und nicht vergessen... - Moskau: Verlag Progress, 1976. - 567 S.
5. Bredel W. Ein neues Kapitel. - Berlin und Weimar: Aufbau -Verlag, 1971. - 499 S.
6. Deutsch-russisches phraseologisches Wörterbuch. Russische Sprache, Moskau, 1975. - 656 S.
7. Die Zeit. - Zeitverlag Gerd Bucerius GmbH Co.KG, Hamburg. 10. Januar 2013. № 3. - S. 25.
8. Feuchtwanger L. Der falsche Nero. - Berlin: Aufbau-Verlag GmbH & Co. KG, 2013. - 291 S.
9. Feuchtwanger L. Die Judin von Toledo. Jefta und seine Tochter. - Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1977. - 734 S.
10. Helbig G. und Buscha J. Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den Ausländerunterricht. - Leipzig, Berlin, München: Langenscheidt, 19 edn, 1996. - 731 S.
11. Kammer W. Russendisko. - München: Goldmann Verlag, 2002. - 192 S.
12. Kant H. Das Impressum. - Berlin, Verlag: Aufbau Digital, 2012. - 458 S.
13. Kellermann B. Der Tor. - Berlin: Verlag Volk und Welt, 1976. - 442 S.
14. Klein W. Zur Kategorisierung der Funktionsverben // Beiträge zur Linguistik und Informationsverarbeitung. 1968. № 13. - S. 7-37.
15. Lachauer U. Ritas Leute. Eine deutsch-russische Familiengeschichte. - Rowohlt Verlag GmbH, Reinbek bei Hamburg, 2002. - 432 S.
16. Mader J., Stuchlik G., Pehnert H. Dr. Sorge funkt aus Tokyo. - Berlin: Militärverlag, 1976. - 475 S.
17. Pander K. Zentralasien. - DuMont Reiseverlag, Ostfildern, 2005. - 384 S.
18. Peltz J. Usbekistan entdecken. Trescher-Reihe Reisen. - Berlin, 2005. - 284 S.
19. Schauer H. Die Jagd der Gejagten. - Halle-Leipzig: Mitteldeutscher Verlag, 1977. - 304 S.
20. Seghers A. Die Entscheidung. - Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1975. - 625 S.
21. Steinberg W. Der Tag ist in die Nacht verliebt. - Halle (Saale): Mitteldeutscher Verlag, 1968. - 504 S.
22. Wassermann J. Der Fall Maurizius. - Berlin: Rütten & Loening, 1976. - 488 S.
23. Winhart H. Funktionsverbgefüge im Deutschen. Zur Verbindung von Verben und Nominalisierungen. Dis. - Tübingen, 2005. - 201 S.
24. Wolf F. Menetekel oder die fliegenden Untertassen. - Berlin: Aufbau-Verlag, 1973. - 573 S.

Рисаева О. Хозирги немис тилида чегараланган finden функционал феъл-от бирикмаларининг аспектиал вазиятлари. Мақолада немис тилида чегараланган finden функционал феъл ёрдамида шаклланган аналитик феъл-от бирикмаларининг аспектиал хусусиятлари таҳлил қилинади. Ушбу бирикмалардаги от компоненти семантикаси терминатив ва шу билан боғлиқ бўлган финитив ва якунлик (результатив) маъноларни ифодала олиши аниқланади.

Risaeva O. Aspectual situations of combinations with limited functional verb finden in the modern German language. The article deals with aspectual (actional, aspectual) peculiarities of combinations with functional verb finden in the modern German language. The combination with functional verb finden expresses durativity, dealing with the signs of finitivity, resultivity depending from semantic of nominal component.



KAUZATIV MA'NO VA UNING TILSHUNOSLIKDA O'RGANILISH HOLATI

*Turniyozov Behzod Ne'matovich,
SamDCHTI katta o'qituvchisi, filologiya fanlari nomzodi*

Калит сўзлар: *kauzativlik, kauzativ, makromatn, aktant, sintaktik, kauzatsiya.*

Tilshunoslikda *kauzativlik, kauzativ fe'l* kabi tushunchalarning o'rganilishi yangilik emas, albatta. Bu haqda tilshunos olimlardan L.Tenyer, Y.D.Apresyan, N.D.Arutyunova, G.A.Zolotova, A.P.Chudinov, T.K.Abdiyev, A.M.Amatov va boshqalar tadqiqot ishlarida fikr va mulohazalarini atroflicha bayon etib o'tganlar. Biz ham ushbu maqolada kauzativlikning o'rganilish holati bilan tanishib, shu bilan birga, o'z ilmiy nuqtayi nazarimizni yoritib bermoqchimiz. Kauzatsiya lotincha "*causa*" so'zidan olingan bo'lib, "*sabab*" ma'nosini ifodalaydi [1.94]. Mazkur hodisa tilshunoslikda aynan shu jihatdan o'rganiladi hamda kauzativ fe'lning asosiy semasi sifatida sabab ma'nosi bilan bog'lanishi ta'kidlanadi [2.7]. Aksariyat ishlarda kauzativlik tushunchasi fe'lning orttirma darajasi bilan bog'lanib, asosan, morfologik nuqtayi nazardan tekshirilgan va kauzativlikda bajaruvchining ta'siri bilan boshqa shaxs tomonidan bajarilgan harakat mavjudligi aytilgan [3]. Bizningcha, kauzatsiyani faqat sabab ma'nosi bilan cheklab qo'yish maqsadga muvofiq emas. Zero, bajaruvchining ta'siri bilan boshqa shaxs tomonidan bajariladigan harakat orqali faqat sabab ma'nosi emas, balki maqsad, natija, shart ma'nolari ham ifodalanishi mumkin. Shunday ekan, bugungi tilshunoslikda kauzativ ma'noning o'rganilishi masalasi izohtalab ko'rinadi. Quyida bu haqda aytilgan fikrlardan ba'zilarini ko'rib o'tamiz.

V.Delbryuk, A.Meye kabi tilshunoslar kauzativ fe'llarni tarixiy jihatdan tadqiq etib, bunday fe'llarda kauzativ ma'no yasama ekanligini, kauzativlik tushunchasi esa fe'lning morfologik kategoriyalaridan biri hisoblanishini ta'kidlaydilar [4. *mexalib.com/viem/31500*: 211-237]. T.G.Xazagerov ham kauzativ fe'llar yasama ekanligi haqidagi fikrni qo'llab-quvvatlaydi, lekin bu yasaliş umumiy rejadagi yasaliş

emas, balki o'ziga xos yasaliş hisoblanishini aytadi. Kauzativlar faqat fe'l so'z turkumi asosida emas, hatto ot va sifat so'z turkumlari asosida yasalişini mumkinligini izohlab o'tadi: *везти-возить, отрезветь-отрезвить, обезлюдеть-обезлюдить* kabi [5.24]. Darhaqiqat, «Русская грамматика» asarining «Словообразование» bo'limida quyidagi fikrning guvohi bo'lishimiz mumkin: «*Большая часть глаголов с суф. -и мотивируется существительными и прилагательными: леденеть-леденить, стареть-старить*» [6.332].

Aytish kerakki, masalaga bunday yondashuv agglyutinativ tillarga xos emas. Chunki turkiy tillarda fe'l yasovchi qo'shimchalar bilan nisbat hosil qiluvchi qo'shimchalarning chegarasi aniq sezilib turadi. Boshqacha aytganda, so'z yasalişini grammatik kategoriya hisoblanmaydi. Grammatik kategoriya umumlashgan grammatik ma'no bo'lib, u tilning qaysi morfologik tipga kirishini ko'rsatadi va o'z ifodasini so'zlarning o'zgarishida, gapda so'zlarning bog'lanishida topadi [7.154]. Shu bois fe'lning asosiy grammatik kategoriyalari jumlasiga zamon, nisbat, mayl kabilarni kiritamiz. Jumladan, kauzativlik ham sabab ma'nosini bildirib, orttirma nisbat bilan aloqador bo'ladi. Yasaliş jarayonida yangi so'z yasalişini (arra+la, qora+y, suv+sira kabi) tushunamiz. Bundan tashqari, fe'l nisbatini hosil qiluvchi qo'shimchalar (-dir,-tir, -ir,-iz va hokazo) haqida gapirilganda ularni lug'aviy shakl hosil qiluvchi affikslar jumlasiga kiritamiz. Mazkur qo'shimchalar fe'l o'zagiga qo'shib, sabab, natija, maqsad ma'nolarini ifodalashga xizmat qiladi. Ammo rus tilida birgina *-i* qo'shimchasi ham so'z yasash, ham grammatik kategoriya ifodalash funksiyasini bajarayotgani ko'rinib turibdi. Shu bois uni so'z yasalişini derivatsiyasida bema'lol hosilani shakllantiruvchi operator deb atay olamiz. Ammo, shunday bo'lsa-da,



Y.V.Baklagova rus tilida morfologik kauzatsiya borligini inkor etadi va kauzativlikning bunday turi maxsus qo'shimchalar bilan hosil bo'lishi kerakligini ta'kidlaydi. Fikrining isboti sifatida turkiy tillarga xos bo'lgan ortirma nisbat shakllarini keltirib o'tadi. U ko'proq sintaktik kauzatsiya haqida mulohaza bildiradi. Sintaktik kauzatsiyada kauzativ ma'no «запретить», «заставить», «велеть», «вынудить», «дать» kabi maxsus fe'llar bilan ifodalanishini, o'z navbatida, bu fe'llar harakatni bajarishga, holatni o'zgartirishga sabab bo'lishini va, ayni paytda, makrokauzativ jarayon shakllanishini aytadi: *Он заставил меня порвать документ = Он каузировал (отношение каузации), определенным воздействием (каузирующее действие), документ изменил состояние – оказался разделенным на части (каузируемое состояние)[8. fan5.ru].*

Bizningcha, olim makrokauzativ jarayonni torroq tushunadi. Aslida makrokauzatsiya MSQ (Murakkab sintaktik qurilma an'anaviy tilshunoslikda «qo'shma gap» termini bilan o'rganilmoqda) sathida vujudga keladi. Zero, MSQ mikromatn maqomida tadqiq etilar ekan, u nutq birliklarini jamlashi bilan gapning integrativ xususiyatidan farq qiladi. Shu bois yuqoridagi misolni murakkab sintaktik qurilma tarzida shakllantirsak maqsadga muvofiq bo'lar edi: *Он заставил меня порвать документ, поэтому я порвал его. Он заставил меня порвать документ и я порвал его.*

Shuni ham aytish kerakki, tobe komponentli MSQ orqali anglashilayotgan kauzativ ma'no teng komponentli MSQ orqali anglashilayotgan kauzativ ma'noga nisbatan ustuvor vaziyatni egallaydi. Chunki tobe komponentli MSQning tobe komponenti orqali sabab, natija, maqsad, shart ma'nolari aniq sezilib turadi. Qiyoslang: *Yurt tinch – sen tinch. Yurt tinch, shuning uchun sen tinch.*

Y.V.Baklagovaning fikriga o'xshash mulohaza Y.Y.Gordonning tadqiqotida ham ko'zga tashlanadi. Olimning fikricha, harakatni bajarishga undash ma'nosini beruvchi «побуждать», «заставлять», «разрешать» kabi fe'llar ham, garchi ularda kauzativlikni ko'rsatuvchi maxsus formalar

bo'lmasa-da, kauzativ xarakterli hisoblanaveradi [9.77-82]. Yuqoridagi fikrga qo'shilsa bo'ladi, albatta. Zero, kauzativ ma'no fe'lining ortirma nisbati shakllari mavjud bo'lmagan tillarda ifodalanmay qoladi, deb tushunmaslik kerak. Kauzativ ma'no har bir tilning o'ziga xos lingvistik omillari bilan bema'lol ro'yobga chiqaveradi. Bu, ayniqsa, til belgilarining paradigmatic reждан sintagmatik munosabat jarayoniga o'tishida yaqqol namoyon bo'ladi. Bunda kauzativlikning maqsad, sabab, natija ma'nolari bilan bog'langanligini va turli xil lingvistik hamda ekstralingvistik omillar muhim ahamiyat kasb etishini ko'rishimiz mumkin bo'ladi:

Komila yig'lab yubordi. Matniyoz yugurib kelib uni darvoza tomonga boshladi. Azimjon Ochil buvani tinchitishga urinar, Sattor bo'lsa bir og'iz gap aytolmay og'zini ochganicha bir chetda turar edi. Ichkaridan To'lqinning o'ksib yig'lagani eshitildi (A.Muxtor.Chinor).

Berilgan makromatn abzas shaklida bo'lib, uning komponentlari uchta sodda gap hamda tarkibiy qismlari *bo'lsa* operatori bilan munosabatga kirishgan bitta teng komponentli MSQdan iborat. Makromatnning har qanday ko'rinishi tayyor holdagi hosila qurilma bo'lganligi uchun tub struktura masalasi ustuvor ahamiyat kasb etmaydi [10.84]. Biroq berilgan abzas tarkibiy qismlarini alohida tahlil qilgan taqdirimizda ham ularning tub strukturalarida ortirma nisbat shakllari mavjudligi kuzatilmaydi. Tub struktura deganda esa gapning sintaktik derivatsiyasi uchun asos bo'ladigan ichki tafakkur strukturasini tushunamiz. Tub struktura asosida nafaqat ma'lum bir gap, balki murakkab sintaktik qurilmalar, abzasdan tortib makromatngacha bo'lgan nutq parchalari shakllanishi mumkin [11.45]. Bu struktura nisbiy mavhumlik holatida va imkon qadar minimal shaklda bo'ladi. Zero, mavhumlik til sistemasi belgilarining barchasiga xos bo'lib, u faqat belgi nutqqa ko'chirilgandan keyin konkretlashadi. Bu tushunchalarning barchasi, so'zsiz, insonning nutqiy faoliyati bilan chambarchas bog'liqdir. Chunki inson tafakkuri til bilan, til esa inson ongining faoliyati bilan uzviy aloqadordir.



Boshqacha aytganda, inson xotirasida saqlanadigan muayyan ma'no ifodasi bilan bog'liq bo'lgan strukturalar [12.7] mavjud bo'lib, bu orqali nutqiy faoliyat amalga oshadi.

Shunday ekan, yuqoridagi misolda *yig'lab yubordi, boshladi, turar edi, eshitildi* kabi fe'llar orttirma nisbati shakllarisiz ham sabab ma'nosi bilan uzviy bog'lanmoqda. Abzas tarkibiy qismlari alohida olinganda mikrokauzatsiya jarayoni hosil bo'lishini ifodalasa, abzasning o'zi umumiy planda makrokauzativ tushuncha bildirmoqda. Chunki abzas orqali ifodalanayotgan umumiy fikr ifodasidan kelib chiqib, *nima sababdan?, nega?* degan so'roqlar qo'yilishi tabiiy.

T. A. Kildibekova kauzativ fe'llarni aniqlashda quyidagilarga e'tibor qaratadi: «Bu kabi fe'llar o'ta faol bo'lib, shaxs yoki narsa sifati va holatining o'zgarishini ifodalashga ham xizmat qiladi. Buning oqibatida kauzativ fe'l shunchaki harakat ifodalab qolmay, balki ikkinchi bir harakatning bajarilishiga turtki bo'ladi. O'z navbatida, sabab ma'nosini bildiruvchi kauzativ qurilmalar hosil bo'ladi. Masalan: *Я заставил его уйти. Он ушел*» [13.10].

T. A. Kildibekova kauzativ fe'llar shaxs yoki narsa sifati va holatining o'zgarishini ifodalashga ham xizmat qiladi, deb ta'kidlagan bo'lsa-da, sifat o'zgarishi ifodalanishiga aniq misollar keltirmaydi. Bizningcha, kauzativ fe'llar holat o'zgartirishi mumkin, xolos: *Men uni ketishga majbur etdim. U nima sababdan va qanday holatda ketdi?* Bundan tashqari, yuqorida berilgan misol kabi jummalarni kauzativ ma'noli ilovali qurilmalar, deb tadqiq qilsak to'g'ri bo'lar edi. Chunki misoldagi «*Он ушел*» komponenti «*Я заставил его уйти*» qismining ilovasi sifatida shakllanmoqda. Shuni ta'kidlab o'tish kerakki, T. A. Kildibekova kauzativ fe'llar o'ta faol, deb to'g'ri ta'rif beradi. L. Tenyer ta'biri bilan aytganda, kauzativ fe'llar aktantlar miqdorini oshirishga ham xizmat qiladi [14.272]. Masalan, «*U ketdi*» jumlasida aktantlar soni bitta bo'lsa, «*Men uni ketishga majbur etdim*» jumlasida aktantlar soni uchga teng. Umuman olganda, kauzativ jarayon majmuyining ifodalanishi aktantli qurshov vaziyatini

vujudga keltiradi. Ushbu vaziyat negizini, shubhasiz, fe'l egallaydi. Boshqacha aytganda, kauzativ vaziyat fe'l orqali boshqariladi.

To'g'ri, kauzativ vaziyatning fe'l orqali boshqarilishi izoh talab etmaydi, albatta, biroq shuni ham ta'kidlab o'tish kerakki, sabab, natija, maqsad, shart mazmuni bilan aloqador bo'lgan murakkab sintaktik qurilmalarning derivatsion shakllanishida makrokauzativ vaziyatning yetakchi unsurlari sifatida turli xil operatorlar muhim vazifa bajaradi. Operator sintaktik derivatsiyani vujudga keltiruvchi asosiy unsur bo'lib, hosila struktura tarkibiga tashqaridan kiritiladi. Boshqacha aytganda, kommunikativ jarayonda nutq sohibi operatorlarni tanlash imkoniyatiga ega bo'ladi. Fikr isboti uchun quyidagi misollar tahlilini ko'rib o'tamiz:

1. *Hikmat jussasi kichikroq, o'zi ko'rimsizroq bo'lgani uchun, xola uni Majiddan kichik deb o'yladi* (Y.Shomansur. Qora marvarid).

2. *Oyoq osti botqoq bo'lganligi sababli, otlig'-u yayovga yurish ancha qiyin edi* (M.Qoriyev. Spitamén).

Keltirilgan misollar sabab mazmuni bilan aloqador bo'lgan tobe komponentli MSQlar bo'lib, ularning sintaktik shakllanishida *uchun, sababli* singari grammatik vositalar muhim vazifa bajarmoqda. Biroq bu xildagi MSQ tarkibiy qismlari aytib o'tilgan vositalardan tashqari, yana boshqa unsurlar bilan ham sintaktik aloqaga kirishishi mumkin:

1. *Hamza Karimboyning nodonligiga chidab turolmay, shahar hokimi tomon yuzlandi* (K.Yashin. Hamza).

2. *Ammo Sodiqning qo'l og'rig'i zo'rayganidan, unga shaharga chiqishga ruxsat berilmadi* (H.Shams. Tanlangan asarlar).

Ushbu misollarning birinchisida tobe komponentli MSQ tarkibiy qismlari *-may* affiksli ravishdoshning bo'lishsizlik shakli orqali, ikkinchisida esa chiqish kelishigi shaklini olgan *-ganidan* sifatdoshi orqali sintaktik munosabatga kirishganini ko'ramiz. Misollardan ko'rinib turibdiki, sintaktik kauzatsiyada turli xil grammatik vositalar kauzativ vaziyatni shakllantiruvchi omil



sifatida namoyon bo'lishi mumkin. Bu esa, o'z navbatida, so'zlovchining nutq jarayonida birgina sabab ma'nosini ifodalashida turli xil grammatik vositalardan foydalanish imkoniyati mavjudligidan dalolat beradi. Bunday vositalarni derivatologiyada kauzaoperatorlar deb ataymiz. Kauzaoperatorlar MSQ operandlarini sintaktik jarayonga olib kirish bilan birga ularga sabab, natija, maqsad, shart ma'nolarini yuklaydi. Boshqacha aytganda, bajaruvchining ta'siri bilan boshqa shaxs tomonidan bajariladigan harakat munosabatini ifodalashga xizmat qiladi:

1. *Bobolarning ruhi yor bo'lsin deya, niyat bilan Hakim bir tong ushladi qalam* (A.Oripov. Surat va siyrat).

2. *Qilich botir bo'zchini ko'tarib chunon uribdiki, haligi bo'zchi qo'ltig'igacha yerga kirib ketibdi* («O'zbek xalq ertaklari»).

3. *Daraxt bargi tagidan to'kilsa, qish yengil keladi* (O'.Usmonov. Girdob).

Misollar tahlili natijasi *Hakimning qalam ushlashi, bo'zchining qo'ltig'igacha yerga kirishi, daraxtning bargi tagidan to'kilishi* kabi harakatlarning bajarilishi boshqa harakatning ta'siri orqali yuzaga chiqayotganligidan dalolat beradi. Bunda birinchi misolda tobe komponentli MSQning tobe qismi tarkibida kelayotgan «deya» kauzaoperatori o'ta faol bo'lib, quyidagi vazifalarni bajarayotganini ko'ramiz: a) MSQ tarkibiy qismlarini derivatsion jihatdan voqelantirmoqda; b) mustaqil gapni tobe gapga aylantirmoqda; d) MSQning umumiy mazmuniga maqsad ma'nosini yuklamoqda; e) ikkinchi komponent orqali ifodalanayotgan harakatning bajarilishi uchun zamin hozirlamoqda. Natijada tobe komponentli kauza MSQning umumiy derivatsion hosilasi

namoyon bo'lmoqda. Ikkinchi misolda kauzaoperator real ifodalanmagan. Bu vazifani «natijada» so'zi bajarishi kerak edi. Mazkur so'z ifodalanmagan bo'lsa-da, uning borligi nutq muhiti orqali sezilib turibdi. Shu bois uni nol ifodali kauzaoperator deb ataymiz. Lekin uning mavqeyi birinchi misoldagi «deya» kauzaoperatori singari baland emas. Buning sababi shundaki, birinchidan, u MSQ tarkibiy qismlarini derivatsion jihatdan voqelantirmagan, chunki bu vazifani MSQning hokim qismida kelayotgan *-ki* operatori bajarmoqda. Ikkinchidan, uning ishtirokisiz ham MSQning tobe qismi bemalol qo'llanaveradi hamda mazmuniy va sintaktik jihatdan ham ancha mustaqil ekanligi sezilib turadi. Bu operatorning asosiy vazifasi semantik rejada bo'lib, MSQga kauzativ ma'noni yuklashda ko'rinadi. Uchinchi misolda MSQ sintaktik derivatsiyasi shart fe'lining affiksi *-sa* kauzaoperatoriga asoslanmoqda. Bu operatorning sintaktik mavqeyi birinchi misoldagi operator singari ancha baland bo'lib, kauzativlik ma'noning shakllanishida ham ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Faqat bunda MSQning ikkinchi komponenti birinchi komponent orqali ifodalanayotgan harakatning bajarilishi uchun turtki bo'lmoqda. Buni e'tibordan chetda qoldirmaslik kerak, chunki qaysi tarkibiy qism harakatni bajarishga undasa, o'sha operand kauzator mavqeyida bo'ladi.

Kauzativlikni sintaktik nuqtayi nazardan o'rganadigan bo'lsak, uni nafaqat tobe komponentli MSQ shakllanishida, balki teng komponentli MSQ derivatsiyasida ham, mikrosintagmatik munosabatlarning shakllanishidagi morfemalarning o'zaro munosabatida ham kuzatishimiz mumkin.

Adabiyotlar:

1. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. –М: Просвещение, 1985.
2. Цуй Ван, Бочина Т. Г. Каузативная конструкция в русском и китайском языках//Филологические науки, 2014, №3.
3. Абдиев Т. К. Конструкции с каузативными глаголами в киргизском языке. – Бишкек, 2009; Ааматов А. М. Морфологические каузативы в английском языке//Ярославский педагогический вестник, 2003, №1.



4. Дельбрюк Б. Введение в изучение языка: Из истории и методологии сравнительного языкознания. Пер. с нем., ред. С. Булич. 2-е изд. стереотип. М.: Едиторал УРСС, 2003; Мейе А. Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков. – М.; Л., 1938.
5. Хазагеров Т. Г. Каузативность: статус и эволюция средств выражения в русском языке//Филологический вестник Ростовского государственного университета, 1998, №1.
6. Русская грамматика. Том I.–Москва: Наука, 1980.
7. Irisqulov M. T. Tilshunoslikka kirish.–Toshkent, 1992.
8. Баклагова Ю. В. Семантика контактных и дистантных каузативов (на материале русского и немецкого языков).УДК 81'37. <file:///F:/kauzat-3/semantika-kontaknyh-i-distantnyh-kauzativov-na-materiale-russkogo-i-nemetskogo-yazykov.pdf>.(02.03.2018)
9. Гордон Е. Я. Семантические особенности каузативных глаголов чувства в русском языке// Русский язык. Теория и методика преподавания. –Душанбе, 1980.
10. Turniyozova SH. Abzas voqelanishining ba'zi derivatsion xususiyatlari//O'zbek tili va adabiyoti, 2007, №3.
11. Turniyozov N.Q. Matn lingvistikasi. – Samarqand, 2004.
12. Минский М. Фреймы для представления знаний. – М., 1981.
13. Кильдибекова Т. А. Структура поля глаголов действия. –Уфа, 1983.
14. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. – М., 1988.

Турниязов Б. Каузативное значение и изучение её в лингвистике. В данной статье рассматриваются изучение каузативного значения, каузативного глагола, а так же сделан анализ точки зрения выдвинутые учёными лингвистами по этому вопросу. Кроме этого, автор подтверждая свою научную позицию, одновременно даёт понятие о синтаксической каузации.

Turniyazov B. Causative connotation and its analysis in linguistics. This article deals with the causative verb and the study of causative connotation and analyzes the theories of scientists. In addition to this, the author thoroughly states his opinion on causativity including syntactic causation.



ТЕМПОРАЛЛИКНИНГ РЕФЕРЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович,
СамДҶТИ доценти,*

Калит сўзлар: референция, дейксис, замон, матн, гап, доминант.

Дейксиснинг замонавий назарий талқинида, дискурснинг замон ва маконда амал қилиши таъминловчи восита сифатида баҳоланади. Е. Падучеванинг фикрича матн/дискурс дейксиси референциал хусусиятга эга бўлиб, унинг вазифаси тил омилларининг тил билан алоқадор бўлмаган объектлар билан муносабати асосида матн боғлиқлигини таъминлашга қаратилади (Падучева 1996: 244).

Референция ходисаси когнитивликка оид бўлиб, бу борада М. Ламблаген ва Ф. Хаммлар темпорал муносабатларнинг тилда кодлашуви маълум маънода вақтнинг инсон тафаккурида акс этишини таъкидлашади. Шунингдек, улар нутқ бирликларининг вақт тушунчасида лисоний кодлашувини вақт ментал тузилма сифатида тан олингандагина тўлалигича англаш имконияти вужудга келишини таъкидлашади (Michiel van Lambalgen and Fritz Hamm. 2005: 3).

Референция сўз ва борлиқдаги объектнинг тилга боғлиқ бўлмаган муносабатини белгиловчи восита сифатида қаралади. Мулоқат доирасида референция прагматик асосга эга бўлиб, бунда сўз ёки ибора реал оламдаги объектни белгилашга қаратилади. Бу борада М.В.Лебедев ва А.З.Черняк референция “борлиқдаги предметнинг тилдаги ифодаси билан бевосита алоқадор тур” (Лебедев М.В., Черняк А.З. 2000: 5) сифатида нутқий контекст учун муҳим бўлган сўзловчининг эътиборидаги замон, макон, вазият, предмет каби маълумотларни амалга оширишда муҳим ўрин тутишини таъкидлашади. Темпорал референциянинг вазифаси воқеа-ходисаларни маълум вақт оралиғига жойлаштириш ҳисобланади.

Ж. Юленинг таърифича, референция тил орқали сўзловчининг мақсади (мисол учун бирор нарсага аниқлик киритиш) ва

шунингдек, сўзловчининг ишончи (ўша нарса ҳақида тингловчида маълумотнинг мавжудлигини) боғлиқлиги тушунилади. Референциянинг муваффақиятли амалга ошиши учун инференциянинг ўрнини ҳам аниқ белгилаш талаб этилади. Чунки, сўз ва нарсалар ўртасида бевосита муносабат мавжуд эмас. Тингловчининг вазифаси эса, сўзловчи маълум референциал иборани қўллаши орқали нимани ифодаламоқчи эканлигини англаш саналади (Yule G. 1996: 17-18).

Темпорал референция матн доирасидаги ҳолат ва ҳаракат турларини аниқлаш учун ҳам хизмат қилади. Жумладан, темпорал референция ҳолатга кириши, ҳаракатнинг оқимини англатишда муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида ҳолат ва ҳаракат тушунчаларига эътибор қаратамиз.

Р. Деклерк лисоний вақт тушунчаси доирасида “темпорал доминантлик” (temporal domain) атамасини замон воситаси орқали бир-бирига темпорал боғланган вазиятларга, ҳамда мўлжалланган вақт таркибига (a set of orientation times) нисбатан қўллайди. Доминантлик ҳар доим замон шакли орқали ўрнатилади ва ҳар бир замон шакли вазият вақтига алоқадор бўлиб, ҳеч бўлмаганда битта белгиланган вақт вазият вақти таркибига киради. Агарда вазият Т муносабатга алоқадор бўлса, бошқа белгиланган вақт доминант ҳисобланади ва мазкур боғлиқликка нисбатан темпорал субординация (эргашиш) (temporal subordination) ёки темпорал боғланиш (temporal binding) деб аталади. Мисол учун *John said he would do it* мисолида *would do* вазият вақти темпорал субординация жиҳатидан *said* вазият вақтига боғлиқ (Declerck R. 2006: 154-158). Масалан: *Saturday nights I just move the furniture with sharp corners out of the way, so I won't cut my*



head when he gets his work in. He's got a left swing that jars you! Sometimes I take the count in the first round; but when I feel like having a good time during the week, or want some new rags, I come up again for more punishment. That's what I done last night (O' Henry, 169); Кечки пайтлар бўлса Ёдгорни қўтариб оламан. Паркларга бориб, циркларга киримиз. Айланма от ўйинида Ёдгорни отга миндириб айлантираман. Қувноқ, бахтли, саодатли умр жуда секин ўтиб туради. Ёдгор келган кунларимда бир оз тортиниб турган бўлса, кейинги кунларда жуда иноқлашиб кетди (Ғ. Ғулом: 128).

Келтирилган мисолларда *saturday nights*, *кечки пайтлар* каби темпорал бирликлар темпорал референция вазифасини бажарган. Инглиз тили мисолида *The Present Simple* шакли темпорал доминант сифатида ўрнатилган вақт белгисини ифодалаган. Ўзбек тили мисолида –а аффиксли ҳозирги замон шакли темпорал доминант хусусият касб этган. Мазкур замон шакли воқеа-ҳодисаларни бир жараёнга бирлаштириш учун хизмат қилган.

Вақт ўлчови воқеа-ҳодисаларнинг вақт оралиғида содир этилишини белгилаш учун хизмат қилади ва шунинг учун ҳам референциянинг темпорал фрейми сифатида амал қилиши таъкидланади. Бунда иккита вақт ўлчами системаси таклиф этилади: воқеа-ҳодиса саналиши системаси (*event-reckoning systems* (e.g, calendars)) ва вақт саналиши системаси (*time-reckoning systems* (e.g, clocks)). Мазкур темпорал муносабатларни тасвирлаш учун мураккаб тил воситаларидан фойдаланиш мумкин. Қиёсланг: *The time is approaching midnight* (*time-reckoning*). *Christmas has come round again* (*event-reckoning*).

В. Эвенс референцияни темпорал фрейми лисоний кодланишининг учта координаталарини келтиради: 1) мақсадли воқеа-ҳодиса (*target event*)- белгиланган воқеа-ҳодиса; *Day by day we are getting nearer to death*; *Five minutes later the rescue party was leaving*; *For generations, Nepal has produced the world's greatest soldiers*; 2)

референция нуқтаси (*reference point*) – мақсадли воқеа-ҳодисага нисбатан белгиланган мавжудлик; *At present we live in London*; *In those days, we were getting up at 7 o'clock*; *One day I shall die*; *This time last year I was travelling around the world*; 3) ориго (*origo*) – референция вақтига дуративлик (*duration*), ривожланиш (*succession*), анизотропик (*anisotropy*) координаталаридан бирини боғловчи элемент. Қиёсланг: *Next they're playing the Schubert Octet*; *Suddenly I remembered the letter*.

When the spring comes, the swallows return; *When we arrived she made some fresh coffee*; *He rarely lets us know what he's doing*. *Crime is the best policy these days*. *He cycles to work most days*. (Evans V. 2013: 393 – 435).

Матн доирасида темпорал бирликлар маълум вақт оралиғида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг бошқа содир этилган вазиятга алоқадорлигини кўрастуви восита вазифасини бажаришини кузатиш мумкин. Темпорал ҳодисалар матндаги лисоний муносабатларни шакллантириш, алоқадор воқеа-ҳодисаларни боғлаш учун хизмат қилади. Маълумотлар боғлиқлиги семантик-синтактик боғлиқлик, импликация орқали амалга оширилади.

Замон шаклининг иштироки вазият мазмунини очиқ беришда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам, вазиятнинг релевант мазмуни вазиятнинг референт фрейми деб ҳисобланади. Шундай экан аспект дейктик категория таркибига киритилмаса-да, аспектиал маълумот баъзан темпорал локативликка тааллуқли эканлиги намоён бўлади (Geeraerts D. 2007; 813). Масалан: *'While we were talking, up pulls a passenger train to the depot near by. A person in a high hat gets off on the wrong side of the train and comes tripping down the track towards us* (O' Henry, 218); *Ўйимга келганимда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Танчани кул босиб, тагида тўрттагина чўғ қопти. Қоронги ошхонадан кўмир олиб чиқиб, солдим* (Ў.Ҳошим, 234).

Келтирилган вазиятда *'While we were talking* соф темпорал сифатида кейинги



воқеа-ҳодисаларга референция вази фасини бажарётганлигини кузатиш мумкин. Ушбу матнда кейинги жараён нарратив таркибда берилган ва воқеа-ҳодисалар кечими маконга ҳам алоқадор. Бунда воқеа-ҳодиса динамик тузилишга эга бўлиб, у, ўз навбатида, темпорал ва аспектual маконда содир этилган. Кейинги гапда эса келганимда бирлиги кейинги ҳодисаларга нисбатан референция вази фасини ўтаган бўлса, *вақт алламаҳал* темпорал бирлиги *тагида тўрттагина чўғ қопти* ҳодисасининг натижасига бўлган ишора сифатида тушуниш мумкин.

Темпорал референция воқеа-ҳодисаларнинг содир этилаётган вақтига аниқлик киритиш учун хизмат қилибгина қолмасдан, балки уларнинг кейинги вазиятда қай тарзда кечишини ҳам белгилайди. Масалан: But Wexford, who had at that moment drawn his in consciously, wasn't brought to the blush which would have been his reaction the day before. Hewas wondering what he was to think of his summons by the chief constable, and making a disagreeable guess at the answer (Ruth Rendell, 89); *Йиғи тамом бўлгандан кейин, бир-бирларини англашиб, суриштира бошладилар. Кейин маълум бўлишига қараганда, на от, на ит ўлган, на қўрғончага ўт тушган, на пичоқ синган. Бўрибойвачча бўлса сўлакайини оқизиб ўзи чиқиб қолди* (Ғ.Ғулом, 215).

Темпорал узвийлик воқеа-ҳодисаларнинг бир маромда кўчишини таъминласа, аспектual хусусият сифатида ҳабитуал, дуратив маъноларнинг юзага келишини таъкидлаш мумкин. Мазкур аспектual маъноларнинг шаклланишида *at that moment, the day before, тамом бўлгандан кейин, кейин маълум бўлишига қараганда* каби темпорал дейктик брикликлар муҳим ўрин тутган.

Вазиятни лисоний нуқтаи назардан вақт оралиғига жойлаштириш учун нутқ вақти (нутқ содир этилаётган жараён), вазият вақти (воқеа-ҳодиса, ҳолат содир этилаётган вақт), референция вақти (берилган вазиятнинг темпорал нуқтаи кўрсатгичи) муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, замон шакллари темпорал маълумотни тўғридан-тўғри кодлаштириш учун хизмат қилади.

Темпорал референциянинг муҳим аспекти замон эканлиги кўзга ташланади. Замон грамматик категорияси одатда дейктик замон ва аспектual хусусиятлар билан аралаш тарзда белгиланади. Темпорал референция матн доирасида предикатларнинг темпорал мослашувини таъминловчи асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Предикатнинг замон, аспект, вақт ва макон хусусиятларининг ифодаланишида темпорал референция муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Лебедев М.В., Черняк А.З. Онтологические проблемы референции. М., “Логос”, 2000. –213с.
2. Падучева Е. В. Семантические исследования: Семантика времени и вида в русском языке. Семантика нарратива. М.: Языки славянской культуры, 1996. – 464 с.
3. Declerck R. The Grammar of the English Tense System. A Comprehensive Analysis. Volume 1: Berlin: Mouton de Gruyter, 2006 -848 p.
4. Evans Vyvyan. Language and Time //A Cognitive Linguistics Approach. Cambridge: Cambridge University Press. United Kingdom. 2013. 282p.
5. Geeraerts Dirk and Hubert Cuyckens. The Oxford handbook of cognitive linguistics. – Oxford: Oxford University Press. 2007. -1345p.
6. Yule G. Pragmatics. – Oxford: Oxford University Press, 1996. – 138 p.

Мирсанов Г. Референциальные черты темпоральности. В данной статье анализируются проблемы темпоральной референции в формировании текста английского и узбекских языков.

Mirsanov G. Referential features of temporality. The article deals with the problem of temporal reference in forming texts, conducted typologically in English and Uzbek.



РАВИШЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўринбаева Дилбар Базаровна,

СамДУ доценти

Хўжамқулов Анвар Жозилович,

СамДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси

Калит сўзлар: *Фольклор, дoston, мақол, эртак, топишмоқ.*

Бугунги кунда деярли барча мустақил ҳатто ёрдамчи сўз туркумларининг функционал-стилистик, лингвостатистик, когнитив, семантик имкониятлари монографик йўналишда тадқиқ этилгани ўзбек тилшунослигининг ютуқларидан биридир [6;7;8]. Бироқ ўзбек адабий тили алоқа имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги равишнинг функционал-стилистик хусусиятлари борасида йўл-йўлакай айтилган фикр-мулоҳазаларнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Бу эса барча сўз туркумлари қаторида мазкур туркум сўзларининг ҳам фонетик, лексик, грамматик-стилистик имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш заруратини юзага келтиради.

Равишлар бирон сўз билан грамматик алоқага киришганда, ўз шаклини ўзгартирмайди, ҳеч қандай аффикс олмайди. Шакл жиҳатдан ўзгармаслик равишнинг хусусиятларидан биридир². Равиш лингвистик табиатига кўра маълум бир белгини номловчи, мустақил сўз бўлиб, вазифа жиҳатидан бошқа луғавий маъноли сўзлар (одатда, феъл)нинг муайян хусусиятларини конкретлаштиради (Киёсланг: *Эшик очилди – Эшик тўсатдан очилди*)³. Қолаверса, равиш сўзларнинг умумий маънолари остидаги хусусий кўринишларни – матндаги маъно нозикликларини, шунингдек, оралиқ маъноларини белгилаш равишни назарий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил этишга ҳам қўл келади. Ўз семантик ва грамматик белгилари жиҳатидан фольклор асарларида қўлланилаётган равишлар

адабий тилдагига, асосан, мосдир. Аммо фольклор асарларида адабий тилдаги равишларнинг айримлари ишлатилмаслиги ва адабий тилдагидан бошқа шакллар билан фарқланиши мумкин.

Фольклор асарлари тилидаги равишлар иш-ҳаракатнинг белгисини билдириб, ҳолат, ўрин, пайт, мақсад, микдор-даража маъноларини ифодалайди. Бу куйидагилар:

1) *Давомли, йўл бўйи бажарилган ҳаракат: Йўл-йўлакай йўлга гулмих тўктирсанг, // Авайлаб узади ўзбакнинг оти (Дoston.123). Икковлари ёнма-ён айландилар (Эртак.138).*

2) *Ҳаракатнинг галма-гал бажарилиши:* Кейин уларнинг ҳаммасини бир жойга йиғиб, *бирин-кетин* ҳушига келтириб, тегиб-тегиб кўрқитиб қўйибди (Эртак.160). Икки сафга тизилдик, *Бирин-кетин* узилдик (Топишмоқ.36). Ҳамма *бирин-кетин* ётиб уйқуга кетди (Эртак.235).

3) *Шунчаки, жуда ҳам секин:* Сизлар *аста-аста* кета беринглар, - деб ўтаберди (Дoston.89). Ўз юртига бориб даврон сурмайми, // Мастонмисан, *жўн* ўтирсанг бўлмайми? (Дoston.47). *Жўн* “тўғри”, “шунчаки” маъноларини ифодалаган.

4) *Ниҳоятда, жуда ҳам:* Остидаги *зап* мастонлар, // Гоҳ йўлларда олиб қочиб (Дoston.213). *Зап* уйим бор, Эшиги йўқ (Топишмоқ.129). Ҳой-ҳаяси бордир шунинг, *Зап* дояси бордир шунинг (Қўшиқ.53). Бизни ота-онамиз *зап* сизларга бойлаб кетган экан-да (Эртак.34). Фольклор асарлари тилида қипчоқ шеvasига оид *зап* сўз шакли қўлланилиб, *зап* “ниҳоятда”, “жуда ҳам” маъноларини англатади. Бу сўз ўзбек адабий тилида учрамайди.

²Хозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 1957.- 469 б.

³ Асадов Т.Ҳ.Сўз туркумлари тизимида равиш. Фил.фан.номз... дис. – Тошкент, 2009, 6-бет.



5) *Иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳолати:* Алпомиш Қўлтойнинг кийимларини кийиб, елкасига жанда-жундани қўйиб, кебанакни устидан *елбагай* кийиб, сиртидан белини бўғиб... (Достон.333). *Елбагай* сўз шакли ҳам кипчоқ шеваларида ишлатилиб, кийимини киймасдан елкасига солиб юриш маъносини англатади.

Элликта *мардона* бўлди, қирқта *заифона* бўлди, ўн бешта *бачкона* бўлди (Топишмоқ.95). Форс-тожик тилидан ўзлашган сўз ва аффикслар ҳам сийрак бўлса-да учрайди. Мисолдаги *заифона* (заиф – ф.т. аёл), *мардона* (мард-ф.т.эркак), *бачкона* (бача – ф.т.бола) сўзлари –она форс-тожикча аффикс билан ҳосил бўлиб, таклид ва ўхшатиш маъноларини англатади.

Меҳнатнинг зўридан, *Тос* тебадан шох ёрган (Қўшиқ.274). *Тос* кипчоқ шеваларида *тоз* вариантыда ҳам қўлланилиб, “бошнинг сочсиз тақир ёки кал ери⁴” маъносида ишлатилади. Матнда “тепаликнинг яланглик ери”, яъни “меҳнат шунчалик кучли бўлганки, бошнинг кал, соч чикмайдиган еридан ҳам соч чикқан” деганидек, “тинмай меҳнат қилиш натижасида ўт ўсмайдиган тепаликдан ҳам шох чикқан” маъносида қўлланилган. Сичқон ухлар, *миқ* этмас (Қўшиқ.38). “*Миқ этмаслик*” асосан сўзлашув нутқида қўлланилиб, “ҳеч гапирмаслик, бутунлай индамаслик, овоз чиқармаслик⁵” каби маъноларини ифодалайди. Матнда “овоз чиқармасдан ухлаш” маъносида қўлланилган.

6) *Иш-ҳаракатнинг бажарилиши ўрни:* Тагин келиб қалмоқ билан // Шаҳар *ичра* аралашди (Достон.292). *Нарёқ* бети чуқур зиндон кўрибди тойиб тушган ери белгили турибди (Достон.258). *Бир ёқдан* от қўйди қалмоқ // Бунда ажаб уруш бўлмоқ (Достон.180).

7) *Иш-ҳаракатнинг юзага келиши пайти:* *Богонаги* сўзимни айтманг турама (Достон.120). Ўйлаб турса менинг кўнглим

бояги (Достон.384). Мен билдим, *янги*да сўраб тураман (Достон.272). Сиз *ҳозир* олтмишга кирибсиз, ҳадингизга қаранг! (Т.189). *Бир пилла* уҳ деб далага чикди (Достон.37). Кел-е, мен *токай* хўрлик тортаман, шу хўжайинникидан кетсам нима бўлар эди? (Эртак.49). Шаҳзода *андек* сабр қилиб турибди (Эртак.10). Ҳозир ишлашга *палла*-яй, Ишларни тамом қилиб кейин қиламиз, ялла (Қўшиқ.22). *Янги* кеп кўргансан қалмоқ элини (Достон.133). *Ҳозир* бор ишимиз бежой бўлади (Достон.135). Бу хатни *янги* келган сардор юборибди (Эртак.270). Қизим *боятдан* бери етти ийлик ип йигирдим, деб кетди (Эртак.304). *Бояги-бояги*, бой хўжанинг таёғи (Мақол.346).

Ҳозир, бояги, богонаги, боятдан, янги, янгитда сўз шакллари синонимик қаторни ташкил қилиб, *ҳозир* “китобийлик, оммабоплик” ифода маъносида, *богонаги, бояги, янги, янгитда*“ достонлар тилига хослик”, *бояги, боятдан* “эртак, мақол тилига хослик” маъносида кўпроқ қўлланиши кузатилади. Бундан ташқари, уларнинг маъносида ҳам қисман фарқ мавжуд. *Ҳозир* нутқ сўзланиб турган пайтнинг ўзида, *янги* нутқ сўзланиб турган пайтдан сал олдин, *бояги, богонаги* сўз бораётган пайтдан бирмунча олдин каби маъноларни билдиради. *Янги, янгитда* ҳам, *боя, бояги, богонагидан* сўзлари маъносига кўра ҳам фарқ қилади. *Янги* ҳозирни, *янги*да ўтмишни ифодалайди.

8) *Иш-ҳаракатнинг миқдорий сифати, даражаси:* Энди бир сўзим бор, агар хўп десангиз, айтайин, *зора-мора* қутулсак дебди (Эртак.12). Бу гапни Алпомиш айтди, карвонларга *пича* ботиб кетди (Достон.313). Ҳайбати салмоғи унинг *анча* бор (Достон.363). Бир сими бор *хўп* узун, Кетган жуда узокқа (Топишмоқ.202). ...ширин сути билан болаларини *хўп* туйғизар экан (Эртак.56). *Хўпна* семиз, бир туки йўқ, Териси қалин, жуни йўқ (Топишмоқ.97). *Хўп* сўз шакли “ниҳоят даражада”, “роса” маъносини англатади, *хўпна* сўзшаклида эса орттириш даражаси, *хўпга* нисбатан юқори бўлиб, тасвирланаётган шахс ўта даражада семизлиги тасвирланяпти.

⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. –Тошкент, 2008, 132-бет.

⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. –Тошкент, 2008, 604-бет.



9) *Фақат, нуқул*: Камликни кўрмаган *самта* бойбачча (Достон.14). Бошланади шўх дарё, Суви мўл денгиз гўё, *Нуқул* қатор қоятош, Булутларга чўзган бош (Топишмоқ.252). Тоғда *нуқул* ўсади, алла, карағай билан арча, алла (Кўшиқ.39). *Самта*, *нуқул* сўз шакллари синонимик қаторни ташкил қилиб, *самта* “достонлар тилига хослик” ифода маъносида, *нуқул* “топишмоқ, кўшиқ тилига хослик” маъносида кўпроқ қўлланиши кузатилади. *Самта* шеваларда *самти* шаклида ҳам қўлланилади⁶, “*нуқул, фақат*”, “*ҳадеб, ҳамиша*” каби маъноларни ифодалайди. Юқоридаги мисолда “*нуқул, фақат*” маъносида эмас, балки “*жуда, жуда ҳам*” маъносида қўлланилган.

10) *Жуда, роса*: Сен билмайсан, куллар *оша* зўрабор, // ҳаммаси ҳам бўлиб кетди ҳукмдор (Достон.333). Бунисида ҳаммасидан ҳам *зиёда* чиройли нарсалар кўрди (Эртак.123). Жайрағирга бир бало бўлди деб, // Шапақдан ўтмади, *тоза* ўлди деб (Достон.147). Оз сўзлаган *боз* сўзлар, *Боз* сўзлаган соз сўзлар (Мақол.285). Алпомиш бу хонга харба қилмади, // қайта бошдан *яна* чохга тайлади (Достон.304). *Яна, тағи (тагин)*, *боз* синонимик қатор ҳосил қилиб, *яна* “китобийлик, оммабоплик”, “замонавийлик” ифода маъносида қўлланса, *тағи(тагин)* “сўзлашув нутқиға хослик”, “янгилик”, *боз* “достонлар тилига хослик”, “эскирганлик” маъносида кўп қўлланади. Мендайин ойимнинг холин билганга, // Мени излаб *оша* элдан келганга (Достон.121). *Оша* сўзшакли бу ўринда “узоқ”, “бегона” каби маъноларни англатиб, равиш вазифасида келмоқда. Бундан ташқари у “*роса*”, “*жуда*” маъноларини англатади.

Хуллас, фольклор асарлари тилида равишларни ўрганиш қуйидаги хулосаларга келишимизга имкон беради:

а) фольклор асарлари тилида равишларнинг *жуда* ранг-баранг ва мураккаблиги, бир томондан, шеваларнинг, иккинчи томондан ёндош тилларнинг таъсири билан боғлиқ.

Жумладан, Самарқанд, қипчоқ, айрим ўринларда ўғуз шевалари, форс-тожик тили таъсири кабилар.

б) фольклор асарлари тилидаги равишлар ўзининг семантик ва грамматик белгиларига кўра адабий тилга деярли мос келади;

в) фольклор асарлари тилида ишлатилаётган равишлар қўлланиши, айрим морфологик кўрсаткичларни қабул қилиши, турли фонетик позицияларда ҳар хил шаклларга кириши, мавжудлиги ёки адабий тилда ишлатиладиган равишларнинг айримлари фольклор асарлари тилида ишлатилмаслиги ва акси, фольклор асарлари тилида фаол ишлатиладиган айрим равишларнинг адабий тилда ишлатилмаслиги каби хусусиятлар билан фарқ қилади.

⁶Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. –Тошкент, 2008, 459-бет.



Адабиётлар:

1. Alpomish. Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li. - Toshkent: «Sharq» nashriyoti-matba akonserni bosh tahririyati, 1998.
2. Boychechak. - Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1984.
3. O‘zbek xalq ertaklari. I tom. Toshkent: “O‘qituvchi” nashriyot-matbaaijodiyuyi, 2007.
4. O‘zbek xalq maqollari. -Toshkent: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2005.
5. Topishmoqlar.- Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1981.
6. Асадов Т.Х. Сўз туркумлари тизимида равиш. Фил.фан.номз... дис. – Тошкент, 2009.
7. Асадов Т.Х. Ҳолат равишларининг феъл билан бирикиш имкониятлари. Илмий-назарий анжуман материаллар тўплами. –Бухоро, БухДУ, 2009.
8. Пардаев А.Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал–стилистик хусусиятлари. Фил.фан.номз... дис.автореф. – Самарқанд, 2005.
9. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

Urinbayeva D., Xo‘jamkulov A. Stylistic peculiarities of adverbs. The article deals with the stylistic peculiarities of adverbs in folklore such as dastans, fairy tales, proverbs, quizzes, and songs. It examines stylistic peculiar features of adverb in folklore.

Уринбаева Д., Хужамкулов А. Стилистические особенности наречий. В статье рассматриваются стилистические особенности наречия в текстах фольклора: в дастане, сказках, пословицах, загадках и песнях. Рассмотрены стилистические возможности наречия в текстах фольклора.



НАДСТРОЧНЫЕ ЗНАКИ НАД ГЛАСНЫМИ В СКОРОПИСНЫХ РУКОПИСЯХ ПОСОЛЬСКИХ КНИГ ПО СВЯЗЯМ РОССИИ С ХИВОЙ И БУХАРОЙ XVII в.

Чупонов Отаназар Отожонович,
Доцент УзГУМЯ

Ключевые слова: оксия, вария, ударение, гласная, столбец, надстрочный знак, посольская книга.

Употребление надстрочных знаков над гласными является одной из характерных черт средневековых русских рукописей. Об этом свидетельствуют, в частности, тексты деловых документов, написанных русской скорописью XVII в. Но, следует заметить, что сведения об этих надстрочных знаках недостаточны. Это объясняется отчасти тем, что в поздних рукописях русской письменности правила расстановки надстрочных знаков становятся более сложными в результате их широкого распространения наряду с утратой фонетического обоснования для некоторых из этих знаков и их приспособления к разным фонетическим системам [см.: 1, 2]. Как правильно замечает В.В.Колесов, «данные ... надстрочных знаков следует рассмотреть совместно, поскольку их функциональное значение в некоторые периоды развития русской орфографии пересекалось, и они зависели друг от друга» [3, с. 60].

Исследователи, занимавшиеся изучением надстрочных знаков над гласными, возводят их к греческой орфографии и сопоставляют со знаками ударения и придыхания [см.: 2, с. 284-285; 1, с. 92; 3, с. 62-63]. Для того, чтобы понять сущность надстрочных знаков над гласными, сначала рассмотрим терминологическую систему дела, имеющую прямое отношение к рукописям неопубликованных источников, написанных русской скорописью XVII в. – «Посольским книгам по связям России с Хивой 1670-1673 гг.» (ПКРХ) и «Посольским книгам по связям России с Бухарой 1669-1675 гг.» (ПКРБ), хранящихся в фондах 134 «Сношения России с Хивой» и 109 «Сношения России

с Бухарой» Российского государственного архива древних актов (РГАДА) в Москве.

«Краткая» изогнутая черта – чашка (ˆ) передавала краткость соответствующего гласного. «Азбуковник» начала XVII в. специально оговаривает, что в печатных и рукописных московских книгах этот знак не употребляется» [3, с. 61].

«Оксия» (ˆ) (греч. ὀξεῖα – острое ударение) употреблялась в начале, середине и конце слов над гласными и могла служить для различения отдельных грамматических форм. Данный знак, впервые фиксированный в Чудовском новом завете 1355 г.¹, начал использоваться в рукописях памятников русской письменности XIV-XV вв., «а затем постепенно становится единственным знаком, обозначающим словесное ударение» [4, с. 234].

«Вария» (˘) (греч. βαρεῖα – тупое ударение) обозначала только подударный конечный слог и позиционно не отличалась в своем употреблении от оксии. Она впервые отмечается в Чудовском новом завете 1355 г., «причем не обязательно над конечным гласным, но, как правило, над кратким» (4; с. 236). В

¹Чудовский Новый Завет был создан около 1355 г. (XIV в.) русским книжником митрополитом московским Алексием отразил стремление к грецизации текста: перевод буквально следует за греческим оригиналом, имеет грецизированное правописание, и под влиянием греческого письма в рукописи проставлены надстрочные знаки придыхания ударения. Чудовский Новый Завет является первым по времени акцентованным восточнославянским памятником [см.: www.krotov.info/libr_min/11_k/al/ugin2.htm].



памятниках русской письменности вария начала употребляться со второй половины XVII в. [см.: 3, с. 68].

Краткая изогнутая черта – чашка (˘) в рассматриваемых нами документах почти не встречается. Она лишь один раз употреблена в Посольской книге по связям России с Бухарой на л. 1 в виде Иѡанни (ПКРБ, л. 4).

Надстрочный знак «оксия» (˘) над гласными, обозначающий словесное ударение, встречается в текстах посольских книг довольно широко. Подьячие ставили его над гласным ударного слога, произносившегося с большой силой и длительностью. Для иллюстрации этого графического приема в рассматриваемых посольских книгах нами выбраны отдельные листы (лл.) рукописей: ПКРХ, лл. 1, 1 об., 2, 2 об., 3, 3 об., 4, 4 об., 5; ПКРБ, лл. 1, 2, 2 об., 4, 4 об., 5, 6 об., 9, 9 об., 10, 12 об., 15, 15 об., 16, 17 об., 18, 18 об., 19, 20.

ПКРХ – л. 1 – бояринь, о^тписки, Михайловичю, л. 1 об. – Малья, Бѣлья, холопи, челом, великого, хана, с нимь, посолски^х, твоимь, листь, Хивы, Москве, холопомь, твоимь, поминко^в, л. 2 – хочеть, челомь, ударить, хановыми, даватъ, велѣли, чарки, людемь, л. 2 об. – пива, опричь, кормь, даватъ, списки, Ивана, грамоты, посыланы, были, написано, л. 3 – то^лкв, барановь, крипь, пшеницы, дорогу, роспись, послами, о^тпискою, приказе, л. 3 об. – жалованье, свой, учинить, о^тпустить, Бориса, л. 4 об. – поминковь, живою, л. 5 – портища, сѣрыхъ, бихарскихъ, навожены, золотомь, полосы;

ПКРБ – ?л. 1 – Репнинь, л. 2 – велѣли, л. 2 об. – не бываль, л. 4. – Иоанни, л. 4 об. – стоварыши, поденного, л. 5. – кошеваромь, прожатые, л. 6 об. – му^тобори, л. 9. – воеводы, л. 9 об. – на день, л. 10. – послать, л. 12 об. – какъ, л. 15. – посланци, л. 15 об. – живыхъ, л. 16. – на

выписке, л. 17 об. – Башмакова, наказаль, л. 18. – привеликомь, стояти, платье, л. 18 об. – \вити, л. 19. – спросить, поздоровиль, здоровье, грамоти(см. рис. 1), л. 20. – а мольть, о^блаадате^л, сере^бромь(см. рис. 2).

Как видим, знак «оксия» (˘) со стороны переписчиков (подьячих) были расставлены над гласными знаменательных слов. Но вместе тем здесь особое внимание привлекают безударные слова, примыкающие к ударным, образуя единое фонетическое слово. Например, безударный односложный предлог на примыкает к ударному спереди и создает явление абсолютной проклитики (на выписке) или же, перетягивая на себя ударение с последующего ударного знаменательного слова, делает это слово абсолютной энклитикой (на день). Это отражает одной из характерных черт живого русского языка XVII века.

Знак «оксия» (˘) можно отметить в словах над гласными, написанных в текстах столбцов – отпусков (оригиналов), откуда переписывались тексты анализируемых нами посольских книг. Обратимся к неопубликованным рукописям, хранящимся в виде столбцов в фонде 134 «Сношения России с Хивой» (РГАДА, фонд 134, опись 1, 1670 г., дело 1, листы 93-94), где над гласными встречается надстрочный знак «оксия» (˘):

л. 93 – поволнымь, торгомь, узорочныхъ, товаровъ, товары, поволнw, пришель, А^старахань, боярине, Иване, Прозоровскомь, время, велель, переписать, поминокъ, присланw, было, холопа, ?^ввашего, темь, хановы^м, которые, были, роспись, до^брыхъ, зверь, wправныхъ, за^рбафовъ, золотныхъ(см. рис. 3);

94–выбоекъ, бихарскихъ, даровъ, инохотцовъ, рикавиц, шиты, воровские, укрепили.




Рис. 1.




Рис. 2.



Повольнымъ торгомъ Ишшенъ Гаршо
 Разнь что бѣдетъ Гадно Ишшенъ
 Узорочны Подаравъ . Имие тѣ
 Мовары Подпате бѣдетъ Повольно .
 А Разнь & Пришеи Иштерханъ
 Прибодрине Принязе Юане Семеновъ
 Юане Прозорашномъ . И что Према
 Прикии Ромнъ побѣетъ Ивелель
 Препниетъ . Гарѣ ишеетъ снестше
 Хановыхъ Поминонъ что присланъ
 было Ртевъ Дешиномъ Гарѣ и мой
 Дары Холопа Дашеетъ , И тѣмъ
 Ипотемъ Хановы . И мойми
 Ипоторые Поставны были продава
 наркъ Юместо Мого Подпате
 рхине Подары бѣ Гадно Иш Разнь
 Гарѣ ишеетъ .

ростписъ хановымъ поминъ Ртевъ

А . Инохотцо Дорыхъ .
 А . ѿ Правны Сабель Сяменьемъ
 Ртевѣ Харѣ .
 Е . Дашеетъ ѿ Правны Сяменьемъ
 Д . Дашеетъ Дорыхъ .

Рис. 3.



Необходимо подчеркнуть, что знак ударения в виде оксии над гласными может употребляться и в конце слова: с листа́, что́ (РГАДА, ф. 134, оп. 1, 1670 г., д. 1, л. 145).

Использование оксии над ударными гласными наблюдается и в посольских книгах. Например, она отмечена нами в Посольской книге по сношениям России с Хивой 1670-1673 гг.: л. 1 об. – писма́, тво́й, л. 2 – тво́емѹ, посла́, послѹ, ево́, лю́ми, весны́, л. 2 об. – о́ни, число́, л. 3 – большо́ тогó, л. 3 об. – дѹля, вели́, весне́, три́, вина́, л. 4 об. – аргамака́, л. 5 – росписи́, тайши́, л. 6 об. – земли́.

«Вария» (`), как сказано, употреблялась над конечным открытым слогом, который был ударным. Приведём примеры из ПКРБ – л. 4 об. – дано́, л. 38. – такова́, л. 52 об. – не совершено́, л. 54. – говорено́, ридѹ, л. 67 об. – делы́, семли́, \рлыка́, казну́, л. 69 об. – годѹ, послѹ, емѹ, л. 70 об. – казна́, л. 71. – сполна́.

Следует заметить, что «в русской традиции вария – обычно позиционный вариант окси, который ... одновременно служит и указателем границы слова [4, с. 231]: «И послѹ (бухарскому Муллофору – О.Ч.) говорено́ какъ то камень и ридѹ серебряную и селитру в г^сдрствеихъдобываютъ и какими способы и много ль и с пѹда риды сере^бра выходить и шо^лкъ и селитру в каковуцѹну кипятъ» (ПКРБ, л. 54).

Характеристика анализируемых надстрочных знаков над гласными довольно хорошо описывается Константином Костенчским: «в отличие от окси («ударение идет устами») знак вария обозначал ударение, которое «идет горлом»; оба эти ударения могли быть на любом слогом слова и отличались друг от друга именно характером произношения» [по 3, с. 231]. Идентичное мнение было высказано и Н.С.Трубецким, который, в частности, отметил, что в древнейших славянских текстах оксия обозначала интонацию ударного гласного, а вария указывала на ударный слог, лишенный тона [5, с. 44].

На основании проведенного исследования можно заключить:

1) подъячие (писцы) и переписчики при составлении текстов деловых документов и переписывании их в посольские книги пользовались в основном двумя знаками передачи ударения – «оксия» (`) и «вария» (`), поскольку именно они как основные знаки просодии соответствовали особенностям русского произношения и написания XVII в.; в конечном итоге это привело вовсе к исчезновению других надстрочных знаков – «камора» (`)* и «кендема» (`)** из обихода;

2) функциональная и графическая общность надстрочных знаков – «оксия» (`) и «вария» (`) над гласными в рукописях Посольских книг по связям России с Хивой и Бухарой отражает некоторые особенности русского ударения и явления живого русского языка XVII в.

* «Надстрочный диакритический знак в церковнославянской письменности для обозначения множественного числа» [https://ru.wikipedia.org/wiki/Камора]

** «*ī, ŷ*- в церковнославянском кендема, то есть две точки (либо два штриха // или \\\, что было равнозначно), ставится над буквой *i* и ижицей (*v*) в том случае, когда они читаются как [и] и не имеют на себе других надстрочных знаков (ударения или придыхания)» [healthy-feed.com/imena-bukv-slavjanskoj-azbuki-strochnye-i-nadstrochnye-znaki/]



Использованная литература:

1. Булатова Р.В. О надстрочных значках и акцентных системах трех книг Мардария-сербского печатника середины XVI в. // Исследования по сербско-хорватскому языку. – М., 1972. – С. 86- 98.
2. Каринский Н. Об ударениях в Киевских глаголических отрывках // Известия ОРЯС. – Спб., 1901. – Т. VI. – Кн. 3. – С. 284-285;
3. Колесов В.В. Надстрочные знаки в русской орфографической традиции. «Времена» и «духи» // Источники по истории русского языка. – М.: Наука, 1976. – С. 62-63 / 60-74
4. Колесов В.В. Надстрочные знаки «силы» в русской орфографической традиции» // Восточнославянские языки. Источники для их изучения. – М.: Наука, 1972. – С. 234
5. Trubetskoy N.S. Altkirchenslavischen Grammatik. – Wien, 1954 – 228 p.

Чўпонов О. XVII асрда Хива ва Бухоро билан Россия алоқаларига бағишланган элчиҳона китоблари қўлғзмаларида унли товушларнинг юқори кўрсаткичлари. Ушбу мақолада XVII асрда Россиянинг Хива ва Бухоро билан муносабатлари бўйича Элчилик китоблари матнлари устки сатрларидаги унлилар устига қўйилган "оксия" (ўтқир урғу) ва "вария" (ўтмас урғу) белгиларининг аҳамияти таҳлил этилган. Фактик материаллар асосида уларнинг XVII аср рус тили урғуси ва жонли рус тили ҳодисасининг баъзи хусусиятларини акс эттирувчи функционал ва график умумийлиги кўрсатилган.

Chuponov O. Superscript marks over vowels in cursive manuscripts of embassy books on Russia's relations with Khiva and Bukhara XVII. The article deals with the nature of the superstring signs "oxy" (sharp accent) and "varia" (blunt stress) over the vowels in the texts of the Ambassadors' documents on Russian relations with Khiva and Bukhara in the 17th century. On the basis of factual material, their functional and graphical identity is shown, reflecting certain features of the Russian accent and the phenomena of living Russian language of the 17th century.



КОГНИТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ ЭНАНТИОСЕМИИ В РАЗНОСИСТЕМНЫХ ЯЗЫКАХ

Джумабаева Жамила,

Национальный университет Узбекистана, доцент, доктор филологических наук

Муродова Назира,

Национальный университет Узбекистана, докторант

Ключевые слова: энантиосемия, семантический сдвиг, семантический переход, антонимия, межъязыковая, внутриязыковая, лексическая, концептуальная энантиосемия.

Энантиосемия является одним из типов семантического сдвига по Андреасу Бланку. А также ими являются метафоризация, метонимизация, сужение значения (переход от родового значения к видовому; иначе «обогащение значения», «семантическая специализация», «конкретизация значения», «уменьшение семантического объема»), расширение значения (переход от видового значения к родовому; иначе «обобщение», «обеднение значения», «генерализация значения», «увеличение семантического объема, перемещение, антифразис, автоконверсия, эллипсис и народная этимология [10].

Под «семантическим переходом» понимается факт совмещения, в пределах одного слова, двух разных значений — в форме либо синхронной полисемии, либо диахронической семантической эволюции [3, с. 13-25]. Так, например, значения 'вести счет' и 'иметь мнение' выражаются синхронно русским глаголом *считать*; значения 'схватить' и 'понять' сосуществуют диахронически в русском глаголе *понять*. Понятие семантического перехода в настоящий момент оказалось одним из центральных для семантики. Это обусловлено, с одной стороны, развитием диахронической когнитивной семантики объектом которой является семантическая эволюция, т.е. семантические переходы в диахронии; с другой — это бурное развитие грамматической типологии, в частности, в области теории грамматикализации, объектом которой являются переходы лексических значений в грамматические.

Энантиосемия тесно связана с антонимией. Антонимы ограничиваются

сферой тех слов, которые так или иначе, прямо или косвенно связаны с выражением качественных понятий. В этом плане антонимы отличаются от синонимов и от явлений полисемии, которые имеют гораздо больший радиус действия в языке [1, с. 73]. Антонимичными могут быть, однако, не только разные слова, но и различные значения внутри одного и того же слова.

Язык может выполнять свою коммуникативную функцию лишь при том условии, что содержание-намерение (Давыдов, Смоленская, 1985) воспроизводимого говорящим высказывания действительно соответствует тому, что он хочет сказать. Если же говорящий не может найти надлежащей формы для выражения своих мыслей, коммуникация, естественно, нарушается. Поэтому вполне понятен тот интерес, который вызывают те случаи, когда говорящий совершенно преднамеренно говорит одно, а имеет в виду иное, и тем не менее коммуникация оказывается осуществленной: слушатель прекрасно понимает истинный смысл сказанного. На существование такого рода ситуации указывают такие языковедческие и литературоведческие термины, как «подтекст», «ирония», «энантиосемия» и другие. Поскольку вполне правомерно считать энантиосемию феноменом, которой в той или иной мере находит отражение во всех развитых европейских языках, небезынтересно проследить источники ее формирования.



В общелингвистическом аспекте вопросы противоречия затрагивали Г. Пауль, Ф. де Соссюр, Ф. Полан, С. Карцевский, В. Н. Волошинов, Ш. Балли, Э. Косериу, Э. Бенвенист, Ж. Делёз, Т.А. Ван Дейк, В. А. Звегинцев, Н. Д. Арутюнова, Ю. С. Степанов, В. В. Одинцов и др. Лингвистические аспекты противоречия разрабатывали Р. Якобсон, М. М. Бахтин, А. М. Пешковский, В. И. Шерцль, В. В. Виноградов, Н. М. Шанский, Д. Н. Шмелев, Л. М. Васильев, Ю. Д. Апресян, Л. А. Новиков, С. Абель, Сами-Али, К. Бголер, С. Хаякава, Дж. МакКоли, У. Вайнрих, З. Вендлер, П. Фарб, М. Куууси, Б. С. Мучник, а также узбекские лингвисты Н. К. Салихова, Ё. Р. Одилов и др. Конкретное функционирование противоречий в отдельных языках исследовали Б. М. Гранде, Л. Рену, Т. Я. Елизаренкова, В. А. Кочергина, А. В. Кунин и др [2].

Одним из первых лингвистов, изучавших явление энантиосемии, был чешский лингвист В. И. Шерцль (1883). Ё. Одилов в своей работе «Энантиосемия в узбекском языке» (2016) утверждает, что представитель Куфской лингвистической школы Абу Бакр ибн ал-Анбари за 9 веков до В. И. Шерцля, а точнее в X веке, изучил данное явление и создал словарь «Китаб ал-аздад» («Словарь слов с противоположными значениями»). Немецкий языковед Карл Абель в книге «Über den Gegensinn der Urworte» (1884) указывает, что пользовался этим словарем Анбари. К началу XX века опубликована книга еще одного немецкого исследователя Т. Нельдеке (Wörter mit Gegensinn (Addad). Neue Beiträge zur semitischen Sprachwissenschaft//Berlin, 1910). Работы В. И. Шерцля, К. Абеля и Т. Нельдеке способствовали широкому исследованию данного явления среди западных исследователей. Данная проблема исследована в работах Р. А. Будагова, Ф. Чермака, А. Клегера, Л. А. Новикова, А. Шмелева, а также узбекских языковедов С. Усмонова, Б. Юсуфова, Н. Махмудова [5].

А. Будагов в своей книге «Введение в науку о языке» (2002 г.) квалифицирует энантиосемию как *антонимичные значения слова*. Противоположные признаки отражаются в значениях слов, и тем самым явление и проблема понятийной противоположности трансформируются в языковое явление и лингвистическую проблему семантической противоположности. Понятийная (логическая, мыслительная) и соответственно выражающая ее семантическая противоположность могут быть разных видов, т.е. возможны различные классификации противоположных понятий и значений, строящиеся на разных принципах, перекрещивающиеся и дополняющие друг друга, так что одна классификация не отвергает другую, а рассматривает некое множество явлений под своим углом зрения. В целом следует различать два подхода к типологии противоположностей – предметно-логический и категориально-логический [4].

В латинском языке прилагательное *caecus* – не только «невидящий», но и «невидимый», *anxius* – не только «беспокойный», но и «причиняющий беспокойство». Глагол *tollere* передавал и такой процесс, как «поднимать», «возвышать», и такой противоположный процесс, как «устранять», «уничтожать». Проблема антонимических значений получает здесь межъязыковое осмысление. А вот и ее внутриязыковое выражение. Энантиосемия также бывает между двумя языками. Например, по-русски красота – по-польски – *uroda*. На русском «запах, аромат», на польском – *woń*, магазин – *sklep*. Польское слово *zapominać* на русский переводится как «забывать». В чешском языке: продукты – *potravinu*, свежий – *čerstvý*, восхитительный – *úžasný*, внимание – *pozor*, фрукты – *ovoce* и т.д. [9]



Энантисемия свойственна лексическим, а также фразеологическим единицам. Не вызывает сомнений то, что энантисемию невозможно исследовать в отрыве от культурно-исторического фона, на котором она развивалась. Думается, само возникновение энантисемии стало возможным благодаря присущему человеческому мышлению дуализму в рассмотрении предметов и явлений. Для понимания причин совмещения в семантической структуре слова конверсивных значений необходимо также обратиться к культурно-историческому аспекту развития языков.

В устной речи модификация оценочного знака достигается особой интонацией – интонацией восхищения или интонацией сарказма. В условиях непринужденного неофициального общения практически любое слово языка может при соответствующем употреблении стать энантисемичным – приобрести противоположную оценку.

Например, психологическим основанием употребления бранных слов в ласкательном значении могут быть остатки страха перед «дурным глазом». Похвалить в лицо – значит «сглазить». Поэтому тот, кто желает добра человеку, непременно бранит его.

Ё. Одилов в своей статье “Enantiosemic opposition and its anthropocentric research” («Антропоцентрическое исследование энантисемии») выделяет несколько факторов возникновения энантисемии в узбекском языке: 1) значение слова или фразеологизма менялось со временем, т.е. историческое развитие значения слова, 2) диалекты, 3) заимствования.

Например, рассмотрим узбекское слово *опоқи*. В Фергане так называют дедушку, тогда как в Ташкенте так называют пожилую женщину. В толковом словаре узбекского языка дается такое толкование: *опоқи* или *опогойи* – слово, которое используется для обращения к пожилым женщинам [7, с. 539].

Слово *тоғ* переводится *гора*, ер сиртининг теккисликка, баландликка нисбатан кўтарилган қисми – возвышенная часть земли. В толковании есть энантисемичные значения в переносном смысле: 1) оғир юк, машаққатли иш, ташвиш, ғов. Тяжкое бремя, тяжелая работа, беспокойство, проблема; 2) тоғ этмоқ – жуда хам кўтармоқ (поднять настроение). Вақтим чоғ этган – Ватан севгиси, кўксим тоғ этган – Ватан севгиси! Любовь к Родине – не знал я ненастий! Любовь к Родине – полон в груди счастья! Рассматривая толкования к слову *гора*, можно прийти к выводу, что при переводе энантисемия сохранилась: *идти под гору* (также перен.: об ухудшающемся положении дел), *идти в гору* (также перен.: об улучшающемся положении дел) [6]. Данные примеры прекрасно иллюстрируют метафорическую энантисемию.

Прилагательное *огир* (тяжелый) тоже имеет некоторые особенности в значениях. Например, оғир – 1) означает спокойный, уравновешенный (босиқ, вазмин, сипо) [7, с. 562]. *Камган, огир ўзини тута биладиган қиз.* (Немногословная девушка, которая знает как себя вести.) 2) Оғир хулқли – трудный, проблемный, трудный характер.

Также есть слова, которые могут переводиться положительные в отрицательные и наоборот.

- Good – Неплохо.
- Хорошо – Not bad.
- were often filled with awe at⁷ – не раз содрогались от страха

⁷ His only resource on such occasions, either to drown thought or drive away evil spirits, was to sing psalm tunes and the good people of Sleepy Hollow, as they sat by their doors of an evening, were often filled with awe at hearing his nasal melody, ‘in linked sweetness long drawn out,’ floating from the distant hill, or along the dusky road. Единственное средство, к которому он прибегал в таких случаях, – то ли чтобы освободиться от мучительных мыслей, то ли чтобы отогнать злые силы, – состояло в распевании псалмов, и простодушные обитатели Сонной Ложины, сидя вечерами у порога домов, не раз содрогались от страха, слушая его гнусавые мелодии, непрерывные и бесконечные, доносившиеся



- was always greeted with satisfaction⁸ – встречали не без известного удовольствия
- *камган* (узб.) – немногословный (при переводе с частицей не-).

Мы считаем целесообразным выдвинуть основные типы энантиосемии: *лексическая и концептуальная*. Мы предлагаем ввести данный вид энантиосемии – *концептуальная*. Как известно, концепт – это не только визуальное значение слова, зафиксированное в словаре, но также и вся информация об этом слове. Каждый человек мыслит **концептами**. В **когницию** человека входит восприятие, мышление, осознание, речь. В когниции одного человека концепт слова, например, *очки*, может быть совершенно разным по сравнению с когницией другого человека. Процесс озвучивания этого слова может повлиять на восприятие этого слова по-разному у каждого человека. Любое слово вызывает разное восприятие в силу какой-либо ситуации, связанной с этим словом. Например, у кого-то очки напоминают учительницу или как обзывали очкариков и т.д. То есть слово и интонация подчеркивают, как человек воспримет данное слово по отношению к себе. Например, в узбекских семьях роль невестки и свекрови большая. Каждое слово играет большую роль в отношениях. Многие слова и фразы носят противоположный характер. Нужно тщательно понимать, что и как говорят, так как обычно имеется ввиду совсем отрицательное значение сказанного. Не только в таком случае, во всех отношениях

между людьми иногда существует укор и противоположное значение в диалоге. Делая вывод, можем сказать, что энантиосемия чаще всего проявляется в устной речи. В устной речи модификация оценочного знака достигается особой интонацией – интонацией восхищения или интонацией сарказма. В условиях непринужденного неофициального общения *практически любое слово языка может при соответствующем употреблении* стать энантиосемичным – приобрести противоположную оценку.

с далекого холма или со стороны окутанной мглой дороги. The Legend of Sleepy Hollow, W. Irving, p:4-6; 2007 <http://www.planetpdf.com/>

⁸ From his half-itinerant life, also, he was a kind of traveling gazette, carrying the whole budget of local gossip from house to house, so that his appearance was *always greeted with satisfaction*. Благодаря полубродячему образу жизни он являлся к тому же своеобразной "странствующей газетой" и переносил из дома в дом полные короба местных сплетен, так что его всегда *встречали не без известного удовольствия*. The Legend of Sleepy Hollow, W. Irving, p:4-6; 2007 <http://www.planetpdf.com/>



Литература:

1. Будагов Р.А. Введение в науку о языке: Учебное пособие. — М.: Доб-росвет-2000, 2003. — 73 с.
2. Ганеев, Булат Талгатович, *Противоречия в языке и речи*, автореферат диссертации по филологии, специальность ВАК РФ 10.02.19 <http://cheloveknauka.com/protivorechiya-v-yazyke-i-rechi#ixzz5CZatWTM1>
3. Зализняк А. 3. Семантическая деривация в синхронии и диахронии: проект создания «Каталога семантических переходов»//Вопросы языкознания, № 2, 2001. С. 13–25.
4. Никитин М. В. Основы теории понятия. Основы лингвистической теории значения. М.: Высшая школа, 1988.
5. Одилов Ё. Р. «Энантиосемия в узбекском языке», 10.00.01 – Узбекский язык. Узбекская литература (филологические науки), Автореферат докторской диссертации, Ташкент – 2016.
6. Толковый словарь русского языка (С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведова)
<http://ozhegov.info/slovar/?ex=Y&q=ГОРА>
7. Толковый словарь узбекского языка, С.: 539.
<http://n.ziyouz.com/kutubxona>
8. The Legend of Sleepy Hollow, W. Irving, p:4-6; 2007
<http://www.planetpdf.com/>
9. <http://www.bolshoyvopros.ru/questions/367188-что-такое-энантиосемия-сможете-привести-primery.html>
10. https://ru.wikipedia.org/wiki/Семантический_сдвиг

Джумабаева Ж., Муродова Н. Когнитивные признаки энантиосемии в разносистемных языках. В данной статье рассматривается явление энантиосемии, а также представлены основные типы энантиосемии. Основное внимание уделяется рассмотрению когнитивных признаков энантиосемии в английском, русском и узбекском языках.

Djumabaeva J., Murodova N. Cognitive aspects of enantiosemy in heterogeneous system languages. This article deals with the enantiosemy phenomenon, as well as the main types of enantiosemy are presented. The focus is given to cognitive signs of enantiosemy in English, Russian and Uzbek languages.



ИЛМИЙ МАТНЛАРДА ДЕЙКТИК ҲАВОЛАЛАРНИНГ ПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

*Шерматов Акрам Абдуҳакимович,
СамДЧТИ доцент в.в.б.*

Калит сўзлар: матн, илмий матн, дейксис, дейктик, ҳавола, ахборот, китобхон, адабиётлар, дейктик марказ, мазмун, контекст, прагматик, интензив сўз, ишора, катафорик, анафорик.

Илмий матн бадиий матн моҳиятидан фаркли ўлароқ, аниқ мақсадга йўналтирилган ва прагматик кўрсатмага эга бўлиши билан фарқ қилади. Илмий матннинг мақсади китобхонга интеллектуал маълумотларни тақдим этиш, китобхоннинг диққат-эътиборини муҳокама қилинаётган илмий муаммо ёки масалага тортиш ва уни ушбу мавзу атрофидаги кейинги маълумотларнинг моҳиятига қараб йўналтиришдан иборат.

Дейксисни кенг кўламли ҳодиса сифатида талқин қилинишида нутқ вазиятида объектларни таснифлайдиган мўлжал маркази маълум даражада умумий меъёр бўла олиши мумкин. Илмий муаммоларни тадқиқ қилиш илмий изланишлар натижаларини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолашнинг намоён бўлиши билан боғлиқдир.

Матн тузилишида унинг ташкилий қисмларида билдириладиган хабарнинг мантикий боғлиқлиги муҳим ўрин эгаллайди. Алоҳида мантикий бўлақларни ягона «фикрлаш занжирида бирлаштиришнинг муҳим тамойили олдинги билдирилган ахборотдан янгисига ўтишдир» [2; 216]. Матн мантикий бутунликни ташкил этиши учун унда керакли миқдорда илгаридан «ишлов» берилган материал ҳақида маълумотлар келтирилиши лозим [1; 53], акс ҳолда, матнга янги ахборотнинг киритилиши қийинлашади ва унинг китобхон томонидан қабул қилиниш имкониятлари доираси қисқаради. Албатта, «эски» ва «янги» ахборот боғлиқлигини ва матн бўлақлари алоқасини таъминлаш услублари хилма-хилдир. Илмий матн

учун хос бўлган шу йўсиндаги услублардан бири тадқиқот соҳасига ёки мавзусига оид адабиётларга ҳаволалар беришдир.

Илмий услубнинг хусусиятларидан бири дейктик вазифасини бажарувчи воситаларнинг ўзига хос қўлланилишида намоён бўлади. Илмий моҳиятга эга бўлган ҳар қандай адабиётда тадқиқот қилинаётган соҳада илгари бажарилган ишларга ишора ёки мурожаат мавжуд. Адабиётлар рўйхати кўпчилик илмий нашрларнинг албатта келтирилиши зарур бўлган иловаси ҳисобланади. Адабиётлар рўйхати, матн мазмунига қўшимча киритиладиган барча маълумотлар сингари, илмий иш ҳақида умумий маълумотлар беради. Бунга тадқиқот мавзуси, йўналиши, муаммонинг ўрганилиш даражаси ҳам киради. Адабиётлар рўйхати муаммо тарихи ҳақида ахборот беради, фойдаланилган адабиётлар соҳага оид тадқиқотлар қаторида бажариладиган илмий ишнинг ўрнини белгилашга имконият яратади. Замонавий илмий услубда қабул қилинган далил ва ҳаволалар тизимининг асосий мақсади манбаларга ёки эслатиладиган маълумотларга китобхон диққат-эътиборини жалб қилиш вазифасидан иборат. Адабиётлар рўйхатида келтирилган нашрларнинг номлари илмий иш матнида қўлланиладиган ҳаволаларнинг рақамларига мувофиқ антецедентлар бўлиб хизмат қилади. Демак, илмий матннинг ички ҳавола белгилари ўз функциясига биноан катафорик ҳолатдаги барча дейктик воситаларга (М; this/that дейктикларига)



ўхшайди. Бундаги асосий мақсад махсус белги орқали китобхон диққатини матн охирида илова қилинаётган адабиётлар рўйхатига жалб қилишдир.

The dynamics of the strongly nonlinear oscillator with quasiperiodic forcing was studied for example, in Refs. [14,15].

The systems with an original saddle point are amenable to a theoretical treatment by using a global perturbation technique developed by Melnikov [11],...

Also, a strong correlation between the background intensity and the quantity of OH groups was observed by Klossen et.al.¹¹

Юқорида келтирилган мисоллардаги [14,15], [11], Klossen et.al.¹¹ каби ҳаволаларнинг берилиши тадқиқотчи диққатини адабиётлар иловасига қарашини ифодаламоқда. Бу борада ҳаволалар рақамларининг кўрсатиш ёки ишора вазифасини илмий матндаги бошқа кўрсатиш воситалари хусусияти билан қиёсласак бўлади. Масалан: *in.fig.1., in.eq. (3)* ва ҳоказо. Бу бирикмалар матн ичида кўрсатма вазифасини бажариб, китобхоннинг диққат-эътиборини олдинга, матннинг навбатдаги бўлимига (катафорага) ёки орқага (анафорага) йўналтиради. Бу вазиятда ушбу бирикмалар тегишли новербал маълумотни ифода қилади. Аммо бу билан илмий матндаги ҳаволалар рақамларининг вазифаси тугамайди. Рўйхат ёки эслатмада келтирилган тадқиқот ишининг устуворлигини қайд қилиш ҳам қўлланилган усулнинг вазифасига киради. Юқорида келтирилган бирикмалар билан бир қаторда ҳаволалар рақамларини сатр устига қўйиш усули ҳам мавжуд:

In previous investigations^{17,18} we found that the background in Raman spectra of two different structural modifications of antimony pentaoxide.

Previously, similar studies were performed for o- nitrophenol [2] and some ortho-Mannich bases molecules [4-6].

Бу мисолларда ҳаволалар белгиларининг сатр устида жойлашиши, уларни қавс ичига олиниши каби воситалар мазкур мавзуга оид тадқиқот ишларининг аввал ҳам тадқиқ

қилинганлигини кўрсатиб, дейктик вазифани бажаради. Ҳаволалар белгиларининг дейктик сифатида қўлланилишида муаллиф ўқувчининг тажрибасига суянади, зеро, бундай илмий матндаги белгиларнинг мазмуни ҳар қандай мутахассисга маълум бўлади. Бундай кўрсатиш, кўриб чиқиладиган матндан ташқари ходисалар билан боғланади.

Ҳаволага киритиладиган адабиётларни танлашда ва ҳаволалар тартибини аниқлаш, уларни рақамлар билан белгилашда муаллиф ўз шахсий билими ва тушунчалари доирасидан келиб чиқади ёки, бошқача айтганда, у дейктик марказ ролини бажаради.

Кўрсатиш ҳолатининг ушбу усулнинг дейктиклик мазмундорлиги унда ҳамма дейктик муносабатларга хос хусусиятларнинг мавжуд эканлигида кўринади:

- кўрсатиш воситалари маъноларининг контекст билан боғлиқлиги, яъни уларнинг маъноси айнан келтирилган матн моҳиятига мувофиқ шаклланади, зеро фақат шу мақолада ҳаволаларнинг берилган рақами билдириладиган мулоҳазага боғлиқ бўлади;

- маънонинг матн таркибида фаоллашуви ва маънонинг бир мақоладан бошқасида ўзгариб туриш ҳолатида ҳаволаларнинг тартиб рақами, ҳаттоки муаллифнинг номи ҳам ўзгариб туради. Баъзи бир мақолаларда бу ҳаволаларнинг рақами бошқа илмий ишга боғлиқ бўлиши ҳам мумкин;

- нутқ субъектига боғлиқлиги, яъни ҳаволаларнинг танлаш у ёки бу тартибда бериш бутунлай матн муаллифига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, рақамлар воситасида бериладиган ҳаволаларни, миқдорий-баҳо дейксис турлари билан бир қаторда, мулоқот шахс-субъектини имплицит кўрсатиш воситалари қаторига киритиш мақсадга мувофиқдир. Миқдорий-баҳо дейксисининг ифода воситаси (интенсив ва таянч сўз бирикмаси ҳамда миқдор эргаш гапли қўшма гаплар) ҳар доим энг камида битта гапнинг прагматик мазмунига таъсир



ўтказадиган бўлакка эга бўлади. Бунда таянч сўз сифатдош ёки сифат билан ифодаланиб, ортиқча баҳолаш хусусиятига эга бўлмайди [3; 164]. Бошқача айтганда, бу тузилмалар ўз мазмунида сўз бирикмаси маъносининг объектив қисмини камраб олиб, воқеа ёки предметнинг ҳақиқий объектив маъносига суянади. Бу ҳолатда муаллифнинг бевосита фикр билдиришига ҳожат қолмайди ва мазмуннинг субъектив қисмидаги ҳақиқат объектив баҳолаш билан тўғридан-тўғри бирикиб кетади. Бу миқдорий-баҳо дейксисини шахс дейксисининг бир тури сифатида талқин қилиш учун асос бўлади, ва бунда дейктик марказ шахснинг тасвирланаётган ҳодисага нисбатан бўлган муносабатига қадар кенгайди.

Матнларда келган интенсив сўзлар, кўрсаткичлар вазифасида келиб, адресант ва адресатнинг умумий тажрибасига, яъни уларнинг белгининг маълум меъёрини билишига ишора қилади. Шунинг билан биргаликда, ҳодисани аниқ баён қилиш асосий хусусияти бўлган илмий матнлар учун кўпинча белгининг ўзгариши даражасининг аниқ миқдорини кўрсатиш хосдир. Илмий-техник матнларда кенг қўлланиладиган интенсив сўзлар худди шундай ўзгаришни кўрсатишда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Интенсивлар

дейктик бирликлар сифатида маълум бир белгининг даражасини кўрсата туриб, ушбу даражанинг меъёрдан кўтарилиши ёки сусайишининг барча миқдорий кўринишларини амалда тасвирлаш имконини беради. Илмий моҳиятга эга бўлган ҳар қандай адабиётда тадқиқот қилинаётган соҳада илгари бажарилган ишларга ишора ёки мурожаат мавжуд.

Юқоридигилардан хулоса қилиш мумкинки, илмий матнларда ҳаволаларнинг дейктик ишора ҳолатлари матн мазмун-моҳиятини ойдинлашишига имкон яратиш билан бирга китобхон диққат-марказида матннинг асосий мавзусини марказлаштирилган ҳолда мулоҳаза қилишига кўмак беради. Аниқроғи, дейксиснинг бу турини субъектив ва объектив кўрсатма сифатида қараш мумкин. Нутқ субъекти, интенсив сўзлардан фойдаланиб, предмет белгисининг нафақат умумий, ҳамма қабул қилган меъёрларини тасвирлаб қолмасдан, балки шу пайтнинг ўзидаёқ пайдо бўладиган шахсий тасаввурни ҳам ифодалайди. Демак, субъектив кўрсатма воситаси тизимига интенсивларни киритиш лозим. Улар объектив мавжуд меъёрлар доирасида, белги даражаларининг субъектив ўзгаришларини ифодалайди.

Адабиётлар:

1. Шайкенова Л.М. Ментальные перформативы как средство распределения информации в научном тексте // Вестник Казахского национального университета. Серия филологическая, –№37, 2000. – С.52-54.
2. Ehlich K. Scientific Texts and Deictic Structures // The Pragmatics And Comprehension Of Written Texts. – Berlin.: Mouton de Gruyter, 1992. –P.201-229.
3. Head Brian F. Respect Degrees in Pronominal Reference // Universals of Human Language. Vol.3. – Stanford: Stanford University Press, 1979. – P. 151-211.

Шерматов А. О прагматических свойствах дейктических ссылок в научных текстах. В данной статье приведены сведения о роли и функциях, о прагматических свойствах ссылок в научных текстах, а также о более выраженном смысле и сути дейктических ссылок присутствующих в научных текстах.

Shermatov A. The pragmatic properties of deictic footnotes in scientific texts. This article presents the tasks, role and pragmatic features of deictic point positions of footnotes in scientific texts and the participation of deictic footnotes in scientific texts give a chance to clarify the meaning and content of the text.



ЛЕКСИЧЕСКИЕ ЭЛЕМЕНТЫ КАК СРЕДСТВО СВЯЗИ В СОСТАВЕ БЕССОЮЗНОГО СЛОЖНОГО ПРЕДЛОЖЕНИЯ

Ким Светлана Федоровна,

старший преподаватель Самаркандского государственного университета

Ключевые слова: *типизированные лексемы, информационные лексемы, анафорические элементы, десемантизированные слова, лексемы ограничительной и обобщенной семантики, структурный параллелизм, логические, структурные и дискурсивные слова, релятивы, слова с нереферентным значением, общий второстепенный член в структуре БСП, коннекторы.*

На признание важной роли лексического фактора в формировании БСП обращали внимание многие исследователи (В.В. Виноградов, Н.С. Поспелов, В.К. Покусаенко, Е.Н. Ширяев, Д.И. Изаренков, В.А. Белошапкина, С.И. Дорошенко, Н.В. Кирпичникова, А.Ф. Прияткина, А.А. Сумеркина).

Отсутствие союзных средств связи не упрощает, а, наоборот, усложняет требования, предъявляемые к лексическому наполнению частей. Суть такого требования состоит в том, «чтобы создать такое содержание предикативных конструкций, из которого слушатель легко выведет нужные смысловые отношения» [1, 59]. В таком случае логично предположить, что содержание одной части включает особые лексические элементы, которые закономерным образом прогнозируют другую часть, либо взаимосвязь содержания частей обеспечивается общими представлениями говорящих о логических связях между явлениями, событиями.

Говоря о средствах выражения связи в БСП, мы принимаем во внимание как формальный, так и семантический критерий. Формальная и / или семантическая незавершенность одной из частей является показателем того, что связь между первой и второй частью обязательная, предсказующая. При формальной и семантической завершенности связь между частями носит факультативный, непредсказующий характер.

В предлагаемой статье мы остановимся на средствах выражения

связи в БСП с семантически и / или формально незавершенной частью, поскольку в таких конструкциях в одной из частей обязательно существует какой-либо очевидный формальный показатель, лексический сигнал-элемент, который и обеспечивает семантическое объединение частей.

Общеизвестно, что первичная функция лексических элементов – наименование событий реального мира, явлений, ситуаций. Однако в контексте БСП лексические элементы развивают вторичную функцию. Они при поддержке других средств (в частности, интонации) становятся связующими элементами между частями бессоюзного строения.

На фоне широкого спектра лексических единиц в составе БСП с семантически и /или формально незавершенной частью с уверенностью можно выделить лексемы определённой типовой семантики — так называемые «типизированные лексемы» (С.Е. Крючков, Л.Ю. Максимов, В.А. Белошапкина, В.К. Покусаенко) [2, 35]. Типизированная лексема всегда семантически неполноценна и предполагает не только развитие дальнейшей информации, но и соответствующий способ оперирования ею в определённой речевой ситуации. Типизированная лексема обязательно требует раскрытия своего внутреннего потенциала, зависящего от коммуникативной установки того или иного БСП. В бессоюзных структурах с типизированными лексемами первая предикативная часть не может



употребляться в качестве самостоятельной коммуникативной единицы, так как типизированный элемент прогнозирует второй, поясняющий компонент, который структурно и семантически обязателен (А.А. Бронская, В.К. Покусаенко).

Следует отметить, что до сих пор нет единой классификации типизированных лексем, являющихся не только компонентами лексического содержания БСП, но и выполняющих функцию связи между частями БСП. Для нас важно выделение двух основных групп типизированных лексем: 1. *анафорические элементы* и 2. *информационные лексем*.

1. *Анафорические элементы* – слова, отсылающие к одной словоформе или к предикативной единице в составе сложного целого. Среди анафорических элементов следует выделить несколько разновидностей:

а) первую разновидность составляют *т-слова*: *так, таков, такой* – *десемантизированные* слова, требующие раскрытия своей семантики в каком-либо аспекте [3, 15 – 28];

б) вторую разновидность анафорических элементов составляют лексем *ограничительной семантики*: *один, единственный, соответствующий* (Н.Н. Сергеева, Л.Д. Беднарская, Д.И. Изаренков). Эти лексем обладают предельной энтропией, то есть имеют высокую степень неопределённости [4, 84];

в) следующую разновидность анафорических элементов представляют лексем *обобщённого характера*: *признак, факт, принцип, итог, вывод и т.д.* В работах Н.Н. Сергеевой этому понятию синонимично понятие «лексем сигнификативного значения» [4, 84 – 92]. Такие лексем с достаточно общей семантикой конкретизируются путём ограничения их значения последующей частью;

г) лексем *с нереперентным значением*, которые содержат возможность актуализации своей семантики за счёт последующей части бессоюзного предложения [5, 111].

д) лексем *с общим семантическим компонентом*. В БСП с подобными лексемами взаимосвязь частей осуществляется за счёт обнаружения общего семантического компонента у соответствующих лексем (представленных, соответственно, в разных частях).

2. *Информационные лексем* – слова, содержащие в значении информационную сему, выявляемую через их синтаксическую сочетаемость [6, 75 – 86]. Информационные лексем являются условием существования БСП с *изъяснительными отношениями*. Среди таких БСП в зависимости от наличия и особенностей функционирования информационных лексем можно выделить два класса:

а) первый класс составляют конструкции, в начальной части которых оказывается *незамещённая синтаксическая позиция обязательного объекта*. Объединение частей в БСП подобного рода вызвано необходимостью «заместить» позицию обязательного объекта, что реализуется во второй предикативной части;

б) второй класс – класс БСП с *изъяснительными отношениями* составляют конструкции с «*пропущенной информационной лексемой*» [6, 80]. Это так называемые эллиптические БСП, в которых связь предикативных частей опосредована, то есть может быть выявлена через третью, формально невыраженную часть.

В БСП с семантически и формально завершёнными частями компоненты характеризует коммуникативная немотивированность. Контекстные или ситуативные условия препятствуют полноценному функционированию одной из частей. Для того чтобы эта часть была принята как мотивированное обстоятельством высказывание, необходимо сообщить эти обстоятельства, «дополнив, развернув, включив в неё новые сведения» [5, 54]. Мотивация обеспечивается посредством использования таких языковых средств



связи, как 1) *общий второстепенный член* и 2) *синтаксический параллелизм*.

Общий второстепенный член в структуре БСП выполняет роль своего рода тематического координатора, квалификатора сообщаемого.

Структурный параллелизм при сопутствующих явлениях, таких как: *наличие повторов, слов-антонимов*, — обеспечивает грамматико-семантическое равновесие сосуществующих частей БСП.

Особняком среди элементов, объединяющих части бессоюзной конструкции, стоят *коннекторы*. Источником термина «коннектор» можно считать теорию семантических типов (или семантических категорий), точнее, одну из её версий, которая была разработана в тридцатые годы XX века логиками Варшавской школы [7, 113 – 182]. Современная лингвистика относит к коннекторам единицы, которые устанавливают отношения между единствами «фразового типа».

Общепринято определение, согласно которому *коннектор* — это «языковая единица, функция которой состоит в выражении типа отношений — логико-семантических, структурных, — существующих между двумя соединёнными с её помощью компонентами» [8, 17].

В русской лингвистике для обозначения показателя семантических отношений в сложном предложении используются и другие термины: «логические слова» [9, 5], «структурные слова» [10, 422], «дискурсивные слова» [11, 45 – 67], «релятивы» [12, 576]. Эти понятия полностью не совпадают, но имеют общее основание: так или иначе эти слова выполняют функцию сигнала семантической недостаточности предложения и программируют дальнейшее направление следования мысли.

К *коннекторам* относятся как слова, чей морфологический статус очевиден: *частицы* (только), *наречия* (всё-таки, причём, вдобавок), так и слова, морфологическую принадлежность

которых трудно определить однозначно. В число-коннекторов попадают слова: *однако, зато, ведь, тем не менее*, — которые являются так называемыми «гибридными словами», совмещающими значения союзов со значениями других морфологических категорий — наречий, частиц [13, 543].

Выявить и тем более классифицировать весь инвентарь коннекторов, действующих в рамках бессоюзного сложного предложения, не всегда удаётся. Эта трудность связана главным образом со статусом тех предложений, которые включают языковые единицы, рассматриваемые как коннекторы (*далее, затем, теперь, тогда, целые комплексы: во-первых, во-вторых, наконец*). Такие коннекторы отражают структуру повествования и принадлежат к композиционно-семантической организации повествования, то есть действуют на стыках частей текста [14, 18].

Подытожив сказанное о коннекторах, отметим, что теория коннекторов как особого рода языковых элементов, устанавливающих различные типы семантических отношений между частями бессоюзного предложения, только начинает развиваться. Многие вопросы, касающиеся прежде всего набора коннекторов, а также их семантики, роли коннекторов в создании единого БСП, в организации модального плана БСП и ряд других, остаются до настоящего времени неизученными.

Итак, средства выражения связи в БСП с семантически и / или формально незавершённой частью и БСП с семантически и формально завершёнными частями мы рассматриваем, исходя из их дифференциации. К средствам выражения связи в БСП первого типа мы относим: анафорические элементы (т-слова, лексемы ограничительной семантики, лексемы обобщённого характера, лексемы с нереферентным значением, лексемы с общим семантическим компонентом) и информационные лексемы (слова с незамещённой синтаксической позицией,



пропущенная информационная лексема). В БСП второго типа основными средствами выражения связи частей становятся: общий второстепенный член, синтаксический параллелизм. Как особое средство выражения семантических отношений (но не средство связи!) между

частями БСП мы рассматриваем коннекторы. Интонация, порядок следования частей, соотношение видо-временных форм сказуемых являются дополнительными, попутными средствами выражения, связи частей БСП.

Литература и примечание:

1. Ширяев Е.Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке – М., 1986.
2. Термин «*типизированная лексема*» синонимичен термину «опорное слово» (Е.Н. Ширяев, Н.Н. Чайковская, А.А. Бронская) и термину «*поясняемая лексема*» (Н.Н. Сергеева); типизированная лексема реализуют свою семантику только в последующей предикативной части БСП. – С. Горбачевич. Словарь современного русского литературного языка. В 20 т. – М., 1993. – Т. 14.
3. Сумеркина А.А. Структурные особенности бессоюзных сложных предложений пояснительного типа // Учёные записки КГПИ: 1957, вып. 22.
4. Сергеева Н.Н. Об одной структурной разновидности истинных бессоюзных сложных предложений. – Иркутск, 1990.
5. Изаренков Д.И. Бессоюзное сложное предложение: Система языка и обучение иностранцев русской речи. – М., 1990.
6. Павловская М.А. Об истинных бессоюзных и квазибессоюзных сложных предложениях// Сложное предложение в системе других синтаксических категорий: межвуз. сб. науч. тр. – Л., ЛГПИ, 1984.
7. Левицкий Ю.А. О маркёрах и коннекторах // Семантика служебных слов: межвуз. сб. науч. тр. – Пермь, 1982.
8. Инькова-Манзотти О.Ю. Коннекторы противопоставления во французском и русском языках (сопоставительное исследование). – М., МГУ, 2001.
9. Термином «*логические слова*» обозначены слова (как правило, служебного характера), выражающие значения, близкие к значениям элементов языка логики – связок, кванторов, операторов, а также слова, в значении которых эти элементы играют центральную роль (*не, и, если, то, все, всякий, много, немного, никакой, только* и др.). / Богуславский И.М. Сфера действия логических единиц. – М., 1996.
10. *Структурные слова* – это слова, которые формируют реляционную, синтаксическую и модальную структуру текста. Каркас структурных слов составляют служебные слова, междометия, вводные слова, местоимения, числительные, связочные и полусвязочные глаголы. Объяснительный словарь русского языка: структурные слова, предлоги, союзы, частицы, междометия, вводные слова, местоимения, числительные, связочные глаголы / Гос. ин-т русского языка им. А.С. Пушкина.
11. *Дискурсивные слова* – это слова, устанавливающие отношения между элементами структуры дискурса, понимаемого как коммуникативная ситуация, включающая сознание коммуникантов и создающийся в процессе общения текст. У дискурсивных слов есть определённые морфологические и синтаксические признаки: неизменяемость (ср.: один и единственный в значении «только»); неспособность быть ядром синтаксической группы (в отличие от существительных, глаголов, прилагательных и наречий); синтаксическая функция союза или адъюнкта; возможность синтаксически связываться как с именной, так и с глагольной группой (в отличие от абсолютного большинства прилагательных и наречий). Кобозева И. М. Мультимедийный словарь дискурсивных слов русского языка: проблемы и решения// Труды Международного конгресса «Русский язык: исторические судьбы и современность». – М., 2004.



12. *Реятивы*– это слова или устойчивые словосочетания, которые использованы в качестве части реплик (или реплик целиком) в диалоге и являют собой реакцию на реплику собеседника или на ситуацию. Объяснительный словарь русского языка: структурные слова, предлоги, союзы, частицы, междометия, вводные слова, местоимения, числительные, связочные глаголы / Гос. ин-т русского языка им. А.С. Пушкина.

13. Виноградов. В.В. Русский язык: (Грамматическое учение о слове). – М., Рус. яз., 2001.

14. Данилевская Т.А. Соединительные и противительные отношения в русском сложном предложении. – Воронеж, 2008.

Kim S. Leksikelementlar - bog'lovchisiz bog'langan murakkab gaplar tarkibidagi aloqa vositasi. Ushbu maqolada e'tibor markazida bog'lovchisiz murakkab gaplarning predikativ qismlar tarkibidagi leksikelementlari turibti. Ko'rsatilgan leksemalarning izohi va ularning murakkab gaplar tarkibidagi funktsiyasi berilgan.

Kim S. Lexical elements as means of communication on the construction of complex sentences. In the center of article's attention are lexical elements, which are means of communication of predicative parts of asyndetic complex sentences. There are comments of these lexemes and their function in the construction of complex sentences.



REKLAMA MATNLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

*Mamirova Dilnoza Shirinboyevna,
SamDCHTI o'qituvchisi*

Kalit so'zlar: matn, reklama, axborot, adabiy til, slogan, vizual, kopireyter.

Har qanday reklama axborot matnini tinglovchiga yetkazish uchun xizmat qiluvchi vosita sanaladi. Demak, reklamaning birlamchi va asosiy elementi bu tildir. Reklamalar matni ko'cha tilining boshqa turlari (peshlavha, shior, afishalar) matnlariga nisbatan o'ziga xos bir qator xususiyatlarga ega. Quyida ana shunday matnlar haqida so'z yuritamiz.

Ma'lumki, har qanday matndan anglashilayotgan fikrlar undagi til birliklari orqali ifodalanadi. Matnning o'ziga xos xususiyati undagi til birliklarining o'zaro bog'liqligi, mosligi va yaxlitligidir. Semiotikada matn tushunchasi ostida kommunikatsiyaning har qanday shakli, ya'ni ma'no anglashishi tushuniladi. Matnni to'g'ri qabul qilishni ta'minlovchi vosita faqat til birliklari va ularning o'zaro birikuvini emas, uni tushunish va kommunikativ fon hamdir.

Ko'cha reklama matnlari tuzilishiga ko'ra alohida ahamiyatga ega. Ularda aks etuvchi yozuvlar, rasmlar, shartli belgilar, simvollar reklama matni semantikasiga bog'liq bo'ladi. Masalan,

HYDROLIFE *tabiatan musaffo*
Tog'suvi beg'ubor
gazlangan 1 l



Bu reklamada ko'm-ko'k osmon, shaffof suv tasviri ifodalanishi bilan birga, suv solingan idish va uning yorlig'i berilgan. Bu misolda manzara va rasm yozuvlar bilan birgalikda yaxlit holatda reklama matnini tashkil qiladi. Bu reklamada lingvistik birliklar bilan nolingvistik vositalar o'zaro yaxlitlikda reklama matnini tashkil qilgan. Ushbu matnni tashkil qiluvchi rasm yoki yorliq bo'lmaganda edi, alohida so'z yoki so'z birikmasi orqali berilgan kommunikativ ma'lumotlar mantiqsiz va mavhum bo'lar edi. Demak, reklamalar matnida nolingvistik vositalar til birliklari bilan birgalikda reklama matnlarini tashkil etuvchi vositalar sifatida qaralishi kerak.

Lekin dunyoning mashhur kopireyterlaridan biri (reklama matni yaratuvchi) D.Ogilvi "Tayni reklamnogo dvora" nomli o'quv qo'llanmasida - reklama uchun grammatikaning ahamiyati yo'q [1; 24] - deb hisoblasa-da, ammo biz bu xulosalarni inkor qilgan holda, quyida fikrimizni dalillab beramiz.

Tilning ifodali vositalari reklama qilinayotgan mahsulotning muhim qirralarini ochishda zaruriy vosita hisoblanadi. Masalan, vizual(ko'ruv) reklama matnlarida lingvistik vosita sifatida asosan yuqori emotsional - ekspressivlikka ega bo'lgan sifat turkumiga oid so'zlar qo'llaniladi. Chunki reklama qilinayotgan xizmatlar, tovarlarning o'ziga xos xususiyatlari, afzalliklarini alohida ta'kidlab, bo'rttirib ko'rsatish, asosan, sifat so'z turkumi orqaligina amalga oshiriladi. Masalan, **xushbo'y, nozik, shaffof, sof, asl, toza, haqiqiy, tabiiy, chin, arzon, ommabop, hammabop, yoqimli, ko'rkam, yorqin, porloq, xushbichim, orasta, zebo** kabi.

Shuningdek, reklama matnlarida buyruq tarzidagi da'vat fe'llari ham ko'p qo'llanilishi ma'lum. Masalan, **his eting, tashrif buyuring, marhamat qiling, tanishib chiqing, tanlang, kuting, ishtirok eting, ega bo'ling, shoshiling, lazzatlaning, quvoning** va hokazo. Shuni ham ta'kidlab o'tish kerakki, vizual reklamalar turiga kiruvchi ko'cha reklama tilining muhim va jonli



bo`lishi hamda ta`sirchan shaklda o`quvchiga yetkazilishi uchun uning matni mazmunli, siqiq shaklda va tasviriy san`at bilan omuxta bo`lishi, ya`ni reklamalarda til birliklari va tasviriy san`at uyg`unligi ta`minlanishi kerak. Vizual reklamalarni til birliklarining qo`llanish yoki qo`llanmasligiga ko`ra shartli ravishda lingvistik matnli va lingvistik matnsiz reklamalarga bo`lish mumkin. Lingvistik matnli reklamalar lingvistik matnsiz reklamalarga qaraganda ko`proq axborot tashiydi. Lingvistik matnli reklamalarda ko`zlangan maqsadga erishish reklama mazmunini ifodalovchi asosiy so`zlarning tanlanishiga, ularning qisqaligiga, yozilish shakli, rangi va boshqa xususiyatlariga ham bog`liq.

Lingvistik matnsiz reklamalarda til birliklari deyarli qo`llanmaydi. Bunday reklamalarning asosini turli ramzlar, rasmlar va nolingvistik vositalar tashkil etadi.

Axborot berish uchun xizmat qiluvchi lingvistik va nolingvistik vositalarning barchasi reklama matnini hosil qiladi. Ya`ni adresatga ma`lum bir narsa, jarayon haqida axborot berishga xizmat qiluvchi barcha vositalar matnning ajralmas qismi hisoblanadi. Ammo matnsiz reklamalarda adresat mahsulot haqida qisman xabardor bo`lmasa, reklamada nima namoyish qilinayotganini anglamay qolishi mumkin. Masalan, mana bunday shaklda bo`lsa:



Agar adresat bu haqida qisman ma`lumotga ega bo`lsa, bu ko`rgazmaga ucell va beliene uyali aloqa kompaniyasi belgisi sifatida qaraydi, aksincha bo`lsa bunday reklama matnlari adresatga hech qanday axborot berolmaydi va o`z mohiyatini yo`qotadi.

Ko`ruv reklamalari matnlarining o`ziga xos xususiyatlaridan biri ular matnlarining qisqa shaklda, mazmunli va jonli tarzda bo`lishi hamdir. Bunday reklama matnlarida gaplar asosan sodda gaplardan tashkil topib, ko`pincha so`z-gaplar, to`liqsiz gaplardan iborat bo`ladi. Masalan,

Sogliqni o`yla - Nestle Sutim tanla!

Mutlaqo sof va tabiiy!

*Mahsulot sertifikatlangan
(Nestle suti reklamasi)*



Umuman olganda, ko`ruv reklamalari matni tuzilishi, lingvistik birliklarning qo`llanish darajasi va doirasiga ko`ra boshqa matnlardan keskin farq qiladi. Reklama matnini tuzishda shu tilning tabiatidan kelib chiqib, reklama matnlarini tuzish maqsadga muvofiq bo`ladi. Boshqa tilda yaratilgan reklama matnlarini aynan tarjima qilish har doim ham ko`zlangan samarani bermaydi. Bu mavzuga keyingi

tadqiqotlarimizda to`xtalamiz.

Ijtimoiy hayotda reklamaning asosiy vazifasi sotish ekan, bu jarayon, albatta, asosli matnlar bilan amalga oshirilishi, shubhasiz. Shu ma`noda fikrimizni davom ettirib aytish mumkinki, lingvistik birliklar sifatida reklama matnlaridagi shiorlar ham iqtisodda muhim o`rinni egallaydi. Asosiysi, reklama matni axborot berishi va ishontirishi kerak [2; 13]. E.D.Farbi ning fikriga qo`shilgan holda axborot beruvchi reklama matnini quyidagi qismlarga ajratish mumkin:

1. Ktematonim (gr. kteto «mulk» + otta «ism») - savdo belgisining so`z orqali ifodalanishi.

2. Slogan (ingl. slogan «shior») - tovar reklamasini ifodalovchi qisqa shior. Lo`nda, aniq va yodda oson qoladigan ifoda.

Ktematonim so`ziga rus kopireyteri Maksimova V.I. shunday ta`rif beradi - reklama qilinayotgan tovarning jamiyatdagi vazifasi g`oyani - mazmunni qisqa-lo`nda va tasviriy shaklda ifodalashdir. Bu ma`lumotlar bir yoki ikki jumla bilan berilishi mumkin [3; 57]. Haqiqatdan ham, bu mulohazalarni asosli deyishimiz mumkin. Buning isbotini kundalik hayotimizda uchraydigan quyidagi reklamalar orqali ko`rib o`tamiz:



Shior beeline – Hayotning yorqin tarafida bo'li!

ktematonim (evo)

(tavsiflovchi jumla)- Evo bilan butun olamingni o'zgartir!

Reklama shiori reklama e'lonining eng asosiy elementi bo'lib, telegrammaga o'xshaydi. Jamiyat a'zolari shior orqali reklama matnining davomini o'qish yoki o'qimaslikni hal qiladilar. Chunki Hayotbaxsh ta'm! shiorni o'qishi bilan bugungi kunda insonlar uni Coco Cola ekanligini bilishadi va matnni to'laligicha o'qib o'tirishmaydi. Reklama bo'yicha maxsus shug'ullangan mutaxassis

R.Rivzning fikricha, iste'molchi reklama matnidan faqat birgina aniq isbot yoki yagona aniq fikrni esda saqlab qoladi [4;27]. Rivzning o'zi «M&M's» shokoladi uchun: «Qo'lda emas, og'izda eriydi» («Tayut vortu, a ne v rukax») shaklidagi reklama shiorini yaratishda reklama qilinayotgan shokoladning eng muhim xususiyatlaridan birini, ya'ni unda shokoladning ustidan qiyom quyilganligini, shuning uchun u qo'lda erimasligini shioriga asos sifatida tanlaganligini keltirgan iqtibosimizning isboti deyishimiz mumkin. Qisqacha aytganda, shior bu qisqa ifodali tasviriy vositadir. Shiorlardan barcha reklama turlarida foydalaniladi. Shiorning asosi - uning inson ruhiyatiga doimiy ravishda ta'sir ko'rsatadigan so'zlardan iboratligidir. Masalan: *yangi, bepul, samarali, tabiiy, arzon...*

Reklama shiorlarida odatda baxt, farovon hayot, orzularning ushalihi va'da qilinadi. Shior reklama g'oyasining asosi sifatida o'zida quyidagilarni mujassamlashtiradi:

Harakatga undash: *Uzmobayl kompaniyasiga a'zo bo'ling! Prem'er-taksiga a'zo bo'li! Chegirmalar mavsumi boshlandi! Aloqani mustaqil boshqar! «Darakchi»ga obuna bo'ling va yuting!*

Reklama qilinayotgan savdo korxonasi baho berish: *«Aziza Ziyoy» orzular ro'yobi (o'quv markazi haqida). Bu yerda hamma narsa bor (supermarket haqida). «Infomed» yagona tibbiy ma'lumotlar xizmati.*

Tuzilishiga ko'ra reklama shiorlarini uch guruhga ajratish mumkin:

1. Bog'langan shior. Bog'langan shiorda tovar nomi ishtirok etadi: *Har doim Coca-Cola!*

2. Uyg'unlashgan shior. Unda shior tovar nomi bilan ritmik va fonetik uyg'unlikda bo'ladi: *Alyumag - oshqozonga ko'mak; Ermak - bu foydali, mazali va toza demak; Muza bilan siz, betakror pazandasiz.*

3. Erkin shior. Erkin shiorda tovar markasi alohida qo'llaniladi:

Nescafe. Hammasi yaxshilikka.

Nestle. Musaffo hayot davri keldi! Shaffof. Birinchi buloq suvi!

Coca-Cola. Hayot lazzi.

Reklama matn mazmunini ochib berishga xizmat qiluvchi bu vositalarning har biri o'z qonuniyatlariga asosan tayyorlansagina niyatimizga munosib tarzda yetgan bo'lamiz. Maqolamizning xulosasi sifatida reklama matni quyidagi shakllarda namoyish etilsa, maqsadga muvofiq bo'lishini yuqorida misollar asosida isbotlashga harakat qildik.

Demak, reklama matnlari quyidagicha bo'lishi lozim:

- qisqa so'z, qisqa gap, qisqa abzaslardan foydalanib mazmunli matn tuzish;
- reklama qilinayotgan taklifni bevosita sarlavhaning o'zida isbotlash;
- “qulay” so'ziga asosiy e'tibor qaratish;
- sarlavha osti qismida matnni takroran eslatish;
- reklama matnini mahsulot yoki xizmatni harakatda tasvirlovchi sur'atlar bilan berish;
- taklifning qat'iyligi to'g'risidagi iborani kiritish;
- so'z yoki iborani katta harflarda yozish.

Reklama shunday jarayonki, unga har kuni, har yerda har bir kishi duch keladi. Reklama ommaviy kommunikatsiyaning barcha sohalariga kirib bormoqda.



Lekin o`zbek tilshunosligida uning qonun-qoidalari hali o`rganilganicha yo`q. Biz bu maqola orqali reklama matnlarining tuzilishi va xususiyatlari haqida ayrim mulohazalarni keltirishga harakat qildik, xolos.

Adabiyotlar:

1. Огилви Д. Тайны рекламного двора. 2009. -145 с. www.koob.ru.
2. Фарби Э.Д. Как создать усрешную рекламу. СПб., 2004.–123 с.
3. Стилистика и литиратурное редактирование. Под.ред.проф. Максимова В.И. – Москва, 2004. –С.158.
4. Медведева Е.В. Рекламная пропаганда, или “почем опиум для народа”//Вестник МГУ. Сер.19.№1. 2003. -С.27.

Мамирова Д. Некоторые размышления об особенностях рекламных текстов. При изучении реклам появляется возможность формировать культуру речи, а также различать стили литературного языка. Рекламы в узбекском языке способствуют проявлению возможностей и потенциала нашего языка. В данной статье особое внимание уделяется научным основам рекламы, её языку и тексту

Mamirova D. Some important features about the text of advertisement. This article emphasizes the scientific basis, text and language of advertising. Formation of speech of advertising depends on cultural feature and distinguishing literary texts. Advertising in the Uzbek language serves to demonstrate the capabilities and cultural features of the language.



ГАДОЙ ИЖОДИДА ҚОФИЯ ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИФОДАЛАНИШИ

*Асланова Ҳафиза Абдурахимовна,
СамДЧТИ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: *бадий санъат, маънавий санъат, лафзий санъат, қофия, вазн, бошқофия, мукаррар, тақрир, зулфиқофиятайн, ҳожиб, радиф.*

Маълумки, бадий санъатнинг таркибий қисми маънавий ва лафзий гуруҳланишни ташкил этади. Улар ҳам ўз навбатида кичик таснифланишга эга. Маънавий санъатлар – лирик мероснинг мазмуний моҳиятини, лисоний бирликларнинг тасвир объектига образли ички маънони ифодаласа, лафзий санъатда эса, шеъриятнинг зоҳирий шакллар жимжимадорлиги билан аҳамиятлидир. Гадоий ижодида илми баденинг нафис намуналарини учратамиз. Улар шоир меросининг бадий санъатларда анъанавий ва шу билан бир қаторда бетакрор услубини намоён қилади. Айниқса, маънавий санъат намуналарида шоирнинг ижодий-поэтик истеъдоди тўлақонли очилади. Биргина лаффу-нашр ифодаланишида ижодкор ошиқ қалб туйғуларини образли баён этишлигини кўрсатади. Ўз ўрнида маҳбубанинг ташқи портрети ички олами билан уйғунлигини таърифлайди. Қолаверса, лингвистик нуқтаи назардан семантик синонимия, тасвирий ифоданинг индивидуал шакллари ўқишимиз мумкин.

Гадоий шеъриятида анъанавийликка индивидуал ёндашишлик маҳорати илмий асосни талаб этади. Унинг ҳар бир ғазалида илми баденинг кўплаб намуналари даврий анъанага мос ва шу билан бир қаторда индивидуал услуб касб этади. Шу боис ҳам Гадоий ўз шеъриятида ижодий ўзига хослик хусусиятлари, ижтимоий масалалар талқини, бадий санъатлар ва тимсол яратиш маҳоратлари, вазн, қофия, бадий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланган. Диний ва дунёвий ишқнинг бадииятда қўлланилиши, унинг учун эса, қофия ва вазн тизимининг мувофиқлиги, шеърий санъатларнинг

қўлланилиш доираси чуқур таҳлилларни келтириб чиқаради.

Шеърнинг бошида келадиган сўзларнинг оҳангдош бўлиб келиши эса, **бошқофия** деб айтилади. Гадоий ижодида бу санъат ҳам бир хил ҳижоланишга эгадир.

Санингдек шоҳнинг остонасинда,
Манингдек бир Гадо бўлмаса бўлмас.
[4, 126].

Ёки:

Сийратинда, дилрабо давлат нишони
кўрнадур,

Суратингда дағи анвоъи маъний
кўрнадур. [4, 145].

Мумтоз адабиётимизда ҳар бир мисра сўнгида иккитадан сўзнинг қофияланиб келишига - **зулфиқофиятайн** дейилади. “Байт мисраларида иккитадан сўзни қофиядош қилиб келтириш усули зулқофиятайн (кўш қофия келтириш) санъати дейилади. Ҳар қайси байтдаги қофиядош икки сўз мисралар охирида кетма-кет ёхуд мисраларнинг турли ўрнида келтирилиши мумкин.

Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги

Кўнглига хаёлидин тафаккур,
Жониға висолидин тахайюр
...Дардимға хаёлини табиб эт,
Жонимға висолини насиб эт,
Ҳам ҳужраи хилқатим бузулди,
Ҳам риштаи токатим узилди.

каби кўплаб байтлардаги кўш қофиялар мутақаррин қофия саналади.

Қофиядош икки сўз мисраларда ёнма-ён эмас, балки икки ўринда келса, улар маҳжуб қофия дейилади. Бу хил қофияларда қофиядош сўзлар мисраларнинг боши ва охирида келиши мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонидаги



Авж тутуб шуълаи жабборлик,
Мавж уруб лужжаи қаҳҳорлик
«Сабъаи сайёра» дostonидаги
Ҳайратда вухуш ваҳшатимдин,

Меҳнатда туюр меҳнатимдин
байтларидаги қофиялар шу хилдадир [6,
26].

Гадоий лафзий санъатининг
аҳамиятли жиҳати шундаки, ижодкор сўз
бўғинларини тенг миқдорда қўллаши
билан ажралиб туради.

Чун гашт учун отландинг, аё сарви
равоним.

Етти ети гардунға манинг оҳу
фиғоним [4, 229].

Ёки:

Эй наъими нози оламдин манга
дилдор умид,

Дилраболарнинг ичинда жонума
дийдор умид [4, 147].

Шеърнинг ҳар бир мисраси охиридаги
оҳангдош сўзларнинг қўлланилиши -
қофия саналади. “Қофия ва унинг турлари,
таркибий тузилиши шарқ поэтикасида
алоҳида фан - «Илми қофия»да
ўрганилган. Бу назария қофия таркибини
фонетик жиҳатдан тўлароқ текширишда
катта имкониятларга эга. Унга кўра *қофия*
равий (луғавий маъноси туяга юк
боғлайдиган арқон, истилоҳий маъноси эса,
қофияни ташкил этув-чи асосий унсур)
харфидан- товушидан иборат. Масалан,
«вафо» ва «жафо» сўзларидаги **о** товуши,
«вафодор» ва «жафодор» сўзларида эса, **р**
товуши равийдир. Қофия назариясига
кўра, қофияда равийдан ташқари яна
саккизта унсур бўлиб, булардан тўрттаси-
ридф, қайд, таъсис ва дахил равийдан
олдин, тўрттаси- васл, хуруж, мазид ва
нойира равийдан кейин келади.

Мумтоз поэтикага кўра, қофия иккита
асосий гуруҳга - *муқаййад* (ўзакнинг
оҳангдошлигига асосланган) ва *вамутшқ*
(қўшимчали сўзлар оҳангдошлиги)
қофияларга ажратилади.

Муқаййад *қофия равий*, *таъсис*, *ридф*,
қайд, *дахил* каби унсурлардан, мутлак
қофия эса *васл*, *хуруж*, *мазид*, *нойира*
сингари узвларни ўз ичига олади. Ушбу
унсурларнинг қўлланишига нисбатан

муқаййад қофия етти (*муқаййади*
мужаррад, *муқаййа-ди муассас*, *таъсисли*
ва дахилли муқаййад, *ридфи аслийли*
муқаййад, *ридфи муфрадли муқаййад*,
ридфи мураккабли муқаййад, *қайдли*
муқаййад) турга, мутлак қофия эса 25 хил
(*мужаррад*, *таъсисли*, *таъсисли ва*
дахилли, *ридфи аслий*, *ридфи муфрадли*,
ридфи мураккаб, *қайд*, *хуружли*, *таъсис*
ва хуружли, *таъсис*, *дахил ва хуружли*, *ридфи*
аслий ва хуружли, *ридфи мураккаб ва*
хуружли, *қайдвахуружли*, *мазидли*, *таъсис*
ва мазидли, *таъсис*, *дахил ва мазидли*,
ридфи аслий ва мазидли, *қайд ва мазидли*,
ридфи мураккаб ва мазидли, *нойирали*,
таъсисли ва нойирали, *таъ-сис*, *дахил ва*
нойирали, *қайд ва нойирали*, *ридфи аслий*
ва нойирали, *ридфи мураккаб ва нойирали*)
тасниф қилинади.

Кўриниб турибдики, Шарқ мумтоз
қофия назарияси ўз характери жиҳатдан
жуда ҳам мукамал фонетик тизимдир.
Бинобарин, замонавий шеърятдаги қофия
ҳам мазкур назария асосида тадқиқ
қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди [5,
317-318]. Гадоий услубида ғазалларининг
аксарияти тўлиқ қофияланиш тизимига
эгадир.

Ул малаксиймо санам, гар хур
эмастур ё парий,

Пас недур бу насли одамдин
анинг юз ё барий? [4, 163].

Қофия шеър интонациясида, ритмик
таркибида, синтактик бирлигида, банд
тузилишида муҳим вазифа бажаради, у
шеъринг нутқни оҳангдор ва таъсирли
қилишга хизмат этади, мисраларнинг
ёдланишини осонлаштиради.

Ҳар нечаки сентек менга **дилдор**
топилмас.

Мендек сенга ҳам ёри **вафодор**
топилмас [4, 134].

“Мумтоз шеърятимиздаги қофия
анчагина ҳолатларда радиф билан
биргаликда қўлланиб келган. Радиф “изма-
из келувчи” маъносини ифодаловчи сўз
бўлиб, адабиётшуносликда қофиядан сўнг
келиб айнан такрорланувчи сўз ёки сўзлар
бирикмасини англатади. Радифлар шеърда
ифодаланаётган етакчи фикрни таъкидлаш,
ўқувчи эътиборини асосий ғояга жалб этиб



шоир ғоявий ниятини ўқувчи қалбига тўларок, чуқурроқ етказиш мақсадига хизмат қилади” [6, 84]. Гадоийнинг юзлаб ғазаллари рафид билан ёзилгандир.

Ёз фасли боғ агарчи равзайи ризвон **эрур**.

Сенсиз, эй хури парийпайкар, манга зиндон **эрур** [4, 126].

Ёки:

Ҳар нечаки сентек менга дилдор **топилмас**.

Мендек сенга ҳам ёри вафодор **топилмас** [4, 155].

Шеър таркибидаги бир қаторда бир сўзнинг бир неча марта санаш оҳанги билан такрорланишига - **такрир** деб айтилади. “Такрорлаш воситасида сўз маъносини, унинг моҳиятини таъкидлаб кўрсатиш ушбу санъатнинг асосий хусусияти саналади” [6, 125]. Гадоий тақрирларида ҳолатларни ифодалаш, ошиқнинг аҳволоти тасвири етакчилик қилади.

Чун гашт учун отландинг, аё сарви равоним,

Етти, етти гардунга манинг оху фиғоним [4, 129].

Ёки:

Ҳосид айтур: Ул эшикта хорсен тупроқтек,

Оғзиға, оғзиға урунг, сўзласун иззат била [4, 143].

“Такрорлаш воситасида сўз маъносини, унинг моҳиятини таъкидлаб кўрсатиш ушбу санъатнинг асосий хусусияти саналади. Чунончи, Алишер Навоий ғазалидаги

Дема, ишқим найладиким,
рўзгорингдур каро,

Ўртади, эй қотили номехрибоним,
ўртади

байтининг иккинчи мисраси бошидаги «ўртади» сўзини байт охирида яна бир

такрорлар экан, шоир шу сўз англатаётган маънони таъкидлаш мақсадини кўзлагани кўриниб турибди [6, 125].

Гадоий ғазалларида Шарқ поэтикасининг фикрни равон ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, бадиий санъатларнинг турлари ҳамда хусусиятлари каби муҳим масалаларни ўз ичига олувчи соҳаси бўлмиш илми бадеъ ҳам ўзининг чиройли ифодасини топган. Шоир илми баденинг мазмуннинг таъсири ва ҳаяжонлилигини оширадиган, фикрни бўрттириб, оҳангдорликни кучайтирадиган *тазод, талмеҳ, ташибеҳ, таносиб, итфоқ, ҳусни таълил, ирсолул масал, тажохул-ул-ориф, лаф ва наир, тарсеъ, тарди акс, тажнис, ийҳом* каби қатор поэтик шакллари билан маҳорат билан фойдаланган.

Тақрир санъати билар бир қаторда мукаррар санъати ҳам борки, бунда шеър таркибидаги бир қаторда бир сўзнинг такрор тарзда қўлланишига айтилади. **Мукаррар** – сўзи “қайта-қайта, уст-устига” деган маъноларни ифодалайди. Тақрирда бир хил сўзнинг санаш оҳанги билан ифодалаш етакчилик қилиб, унга вергул тиниш белгисидан фойдаланишлик талаб этилса, мукаррарда бир хил сўз такрорланишда қўлланилиб, чизиқча имловий белгиси асосида ёзилиши кўрсатилади.

Мен Гадоий хастани боре соғингин **кеч-кеч**,

Гар муяссар бўлмаса сўрмак, азизим, **бот-бот** [4, 178].

Гадоийнинг ижодий маҳсуллари бадиий санъатларнинг сержилолиги билан ҳам ўқувчининг дилидан жой олади. Мавлоно Гадоий айни туркий шеърятнинг гуллаб яшнаган пайтида ижодий баркамоллик касб этди.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. “Мажолисун-нафоис”, Илмий-танқидий матн, - Т., 1961.
2. Аҳмадхўжаев Э. Гадоий (Ҳаёти ва ижодий мероси) - Т., 1978.
3. «Девони Гадо» (ديوان گدا) Париждаги «Biblaticque Nationale» («Миллий кутубхона»)нинг «Departament des. Manuscrits Suppl turc» («Турк қўлёзмалари бўлими»)да 981-рақамли инвентарь остида сақланиб келинаётган қўлёзма.
4. Рустамов М. Гадоий девонининг луғати ва матни. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат музейи таҳрир бўлими. - Т., 2007.



5. Салаев Ф., Курбонниёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изохли сўзлиги. – Т., 2010.
6. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати, “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008 й.

Aslanova H. In the work of Gadoi, the peculiar expression of rhymes' form. The article deals with the expression of lafziy arts in Gadoi's activity. It presents the analysis of Gadoi's word using as a literary skill. Moreover, the article describes the comparisons of individual approach of Gadoi's rhyme forms.

Асланова Х. В работе Гадои рифмы - это форма самоидентификации. В статье рассматривается искусство «лафзи» как выражения формы стиха в работе Гадои. Представлен анализ использования слов в творческого мастерства Гадои. А также представлены сравнения индивидуального подхода Гадои к рифмованным формам.



MORPHOLOGICAL ANALYSIS BY FINITE STATE TRANSDUCER FOR UZBEK-ENGLISH MACHINE TRANSLATION

Abdurakhmonova Nilufar,

Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi

Tuliyev Ulugbek,

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Key words: *morphological rules, morphophonological rules, automatic morphological analyser, machine translation.*

I. Introduction

Machine translation is the process of interaction between human and computer. It depends on not only computational technology but also interdisciplinary of sciences which belonging to for understanding text. Therefore, if the translation is for English and Uzbek, there are different structures and peculiarities make to study morphological aspects before translation stage.

Over the last 30 years, numerous researches have been carried out to create technologies for computational morphology. Morphological analyzer for Turkic languages proceeded in the beginning of 60s-years in 20th century [1]. Morphoanalyzer is necessary for machine translation to divide components of the words and identify the grammatical paradigms of target language. Uzbek language is one of agglutinative languages and English is inflection one. Therefore, there are a lot of morphemes like these languages. A morpheme is small meaningful unit of lexeme. It has two components as stem and affix. Stem gives main sense for lexeme and affix add grammatical or semantical meaning to the word. There are many ways to combine morphemes to create words. Four of these methods are common and play important roles in speech and language processing: **inflection, derivation, compounding, and cliticization** [2]. In Uzbek the number of possible inflectional affixes is rather big than other non-Turkic languages. Because nearly all parts of speech could be in inflected form in context:

Noun: bola+jon+lar+im+dagi+lar+niki+mas+mi+ka
n+a; Simple verb: o'qi+t + tir + ma + yot +

gan + lig + I + ni, Compound verb: mashq qil+dir+ish+ayot+gan+lar, verbal compound: ber+dir+tir+ib
yubor+ma+yot+gan+dan+mi+kan+a and so on.

I.I. Morphotactic opportunity in Uzbek language.

Here morphotactics also plays main role for morphological parsing. After morphological parsing, the components of text are analyzed semantical approach. Consequently all legal and illegal positions morphemes are considered in spotlight. In Uzbek morphotactics of words are such as order position: (1) **prefix** (2) **root** + (3) **derivative affix** + (4) **lexical affix**+ (5) **grammatical affix** ((1)ham(2)qishloq (3)lik(4)lar(5)imiz(5)dan). In English (1) **Prefix**+ (2) **root** + (3) **lexical suffix** + (4) **grammatical suffix** ((1)co(2)work(3)er(4)s). However the model is like each other Uzbek grammatical affixes match preposition and adverb in English.

The most sub-problem of morphological recognition emerged in Turkic languages for machine translation. Because a morphological dictionary is a database, in which linguistic information could be stored.

Some times to identify model of morphotactic knowledge of words is a bit problematic task if morphemes are compoundable: *yog'ingarchilik* and *zargarchilk, paxtachilik*. First word cannot be broken into parts, because there is not *yog'in+garchilik*, but as a job there is *zar+gar* used separately from *+chilik, paxta+chi+lik*. As a result, it is three forms of morphemes: *garchilik, gar+chilik, chi+lik*. Therefore we length of string as morpheme in Uzbek. We assume that there is nine letter of




longest morpheme like g+a+r+c+h+i+l+i+k. Linguistic database of Uzbek input software in morphological parsing.

Additionally, orthographic rules has important role for all agglutinative languages for morphological analysis. Because there are, so many phonetical changes in the words

make usually a large number of rules. From right to left the first vowel is removed when it analyzes for deleting some possessive cases. So we can see this situation like this chart:

burun+im=>burnim-deleting
shahar+im=>shahrim-deleting




Other possibilities are epenthesis of a segment under phonological conditions. Take for example possessive case or dative case in Uzbek:

obro'+im=>obro'yim (my reputation);
u+ga=> unga (he=> him)

Word error rate (WER) is the sum of insertions, deletions, and substitutions normalized by the length of the reference sentence. A slight variant (WERg) normalizes this value by the length of the Levenshtein path, i.e., the sum of insertions, deletions, substitutions, and matches: this ensures that the measure is between zero (when the produced sentence is identical to the reference) and one (when the candidate must be entirely deleted, and all words in the reference must be inserted) [3].

In a parser, morphological analysis of words is an important prerequisite for syntactic analysis. Properties of a word the parser needs to know are its part-of-speech category and the morphosyntactic information encoded in the particular word form. Another important task is lemmatization, i.e. finding the corresponding dictionary form for a given input word, because for many applications a lemma lexicon is used to provide more detailed syntactic (e.g, valency) and semantic information for deep analysis.

Alternation and adjacency of morphemes is important to analyze automatically for finite state transducers. Following scheme shows morphotactic order of the verb in Uzbek.





II. Derivative possibility of Uzbek

Hitherto owing to lack of resources of Uzbek language in database, we may see some problems like verbal categories in morphology. In order to analyze correctly morphemes in the context it should be construct classification and structure of verbs. Derivation is also productive in Uzbek:

Stem (Noun)	Derivative affixes	Part of speech
Gul (Flower)	-chi (florist)	Noun
	-dor	Adj.
	-li (floral)	Adj.
	-siz (without flower)	Adj.
	-chilik	Noun
	-la (blossom)	Verb
	-don (flowerpot)	Noun

There are some issues on the types of affixes in the approach of inflection and derivation. For instance in derivational diversity of we can see the models of morphotactics in the verbs:

Noun+	-a =>sana, -an =>kuchan, -i=>ranji, -ik=>ko'zik, -ir=>gapir, -y=>kuchay, -ka=>iska, -la=>gulla, -lan=>faxrlan, -lash=>ommalash, -lashtir =>sahnalashtir, -sit=>aybsit, -sira=>suvsira, -iq => yo'liq, -g'ar=>jamg'ar, -qar =>boshqar
Adjective+	-a=>qiyina, -i=>tinchi, -ay=>toray, -la =>maydala, -lan=>shodlan, -lash =>osonlash, -lat=> -lashtir=>soxtalashtir, -r=>qisqar, -ar =>oqar, -si =>garangsi, -sin =>yotsin, -sira=>begonasira, -t=>to'lat, -it=>berkit, -iq=>namiq
Numeral+	-ik=>birik, -lan=>ikkilan, -lash=>birlash
Pronoun+	-la =>sizla, -si =>mensi, -sira=>sensira
Adverb+	-ik=>kechik, -ir=>ko'pir, -ay=>ko'pay, -la=>tezla, -lash=>birgalash, -sit=>kamsit, -chi=>ko'pchi
Imitative words +	-a=>shildira, -illa =>guvilla, -ur=>tupur, -ira=>yaltira, -la=>gumburla, -ra=>ma'ra, -shi=>g'ingshi, qir=>hayqir
Modal words+	-la=>yo'qla, -ol =>yo'qol, -ot=>yo'qot
+modal affixes+	-imsira=>kulimsiramoq, -inqira=>oqarinqiramoq, -kila=>tepkilamoq, -qila=>chopqilamoq, -gila=>yugurgilamoq, -g'ila=>ezg'ilamoq, -ish=>to'lishmoq, -q=>tutaqmoq, -iq=>toliqmoq, -k=>junjikmoq, -ik=>ko'nikmoq, -la=>savalamoq, -ala=>quvalamoq, -qi=>yulqimoq, -g'i=>to'zg'imoq, -a=>buramoq

Overall 56 types of lexical affixes that made by other parts of speech. In our lexicon includes 50 000 entries and their subdivision of categorical parameters.

Some multifunctional affixes of them come as homonyms. They make other parts of speech like noun, adjective, adverb and so on. In most cases, the words may be ambiguous apart from discourse. Therefore, to point out the certain places in syntactic position is also

crucial for computational analysis. For example, the word *och* has different senses: *och rang* –light colour, *qorin och* – be hungry. Besides the word “och” comes as a component of idioms or compound verbs.

Ishtahani **och** +**ib** {ber, bo'l, chiq, ket, ko'r, qo'y, tashla}

+**a** {bil, boshla, ol}

Ko'gilni **och+ib** { ber, ko'r, o'tir, qo'y, tashla, yubor}

+**a** {ol}



Finite state transducers read their input symbol by symbol and each time they read a symbol, they give a corresponding output and move to a new state. This improves the processing speed fundamentally. Practically, the processing speed is independent of the size of the rules [5]. A lexicon compiler is a program that reads sets of morphemes and their morphotactic combinations in order to create a finite-state transducer of a lexicon [6].

Sirni och (divulge)

Yo'l och (open the way)

Fol och (guess)

Gul och (flourish)

III. Approaches to morphological analysis

An inflectional form is a combination of a stem with an inflectional affix. According to Cerstin Mahlow, Michael Piotrowski showed four approaches to restrict combination of affixes [7]: naive, affix, stem, indirection approaches.

Morphological analysis for machine translation includes morphonological rules as well. For instance English and Uzbek languages have own rules: big=>bigger; quloq (ear)=>quloq'im (my ear)

In the early of 90s years there were three types of morphological analizators based on three models: generative model, paradigmatic model, the two-level morphological model for Tatar language [8].

IV. Algorithm for morphological

The earliest algorithms for automatically assigning part-of-speech were based on a two stage architecture (Harris, 1962; Klein and Simmons, 1963; Greene and Rubin, 1971). The first stage used a dictionary to assign each word a list of potential parts-of-speech. The second stage used large lists of hand-written disambiguation rules to winnow down this list to a single part-of-speech for each word.

It is known that machine translation is a huge problem for any language if there is lack of resources. But it can be considered as a very large problem for Uzbek language than others. Because as other Turkic languages Uzbek is very non structured language and applying some strike method to it is very

difficult. Some of its difficulties has been mentioned above. According to these issues, it can be useful that if we will create a method or program for this language which analyze its parts. That, it should identify type and meanings of words in sentences. For this, we should analyze only words very first. It is called **morphoanalyzer**. Using this analyzer we can make a decision about words and their meanings, morphological or other changings in it as well.

So, creating this analyzer also can be divided several steps:

- Identifying a stem of lexemes;
- Identifying parts of speech type of stem;
- Parsing all affixes added to the word according to stem as token;
- Identifying types of all parsed affixes and noticing them.

These processes also does not go easily. Because there are also many problems we can face according to linguistical approach. For example, to identify a base of word we need the database of all simple words, which are not include any affixes, in Uzbek language. Then we should compare almost all words in database with the word. There are some idea to apply our work. Firstly, we take a letter from the end of word every time and compare with all words in database. So, we can get base cutting all affixes in the ending of word. For example: bolalarim (is not be found) -> bolalari (is not be found)-> bolalar (is not be found)-> bolala (is not be found)-> bolal (is not be found) -> bola (is found and finishes). Until we get "bola" six times we compare all words, which has less length than nine (because "bolalarim" has nine letters, and every step we can decrease for one the number of variants of words), in database. But, if the word has prefix, such as "serg'ayratlar", "noodatiylik", "beg'amliging", this method does not work: serg'ayrat (is not be found) -> serg'ayra (is not be found) -> serg'ayr (is not be found) -> serg'ay (is not be found) -> serg'a (is not be found) -> serg' (is not be found) -> ser (is not be found) -> se (is not be found) -> s (is not be found)



and finishes unsuccessfully). Because until the end of the word we cannot find a word in database similar the word which we cut. If we start cutting a letters from the beginning of the word, the same problem can be faced anyway.

Next, another idea is using *contains* method of the programming. To do this: we identify a length of the word; select words from the database that have less length than the words'; search all words in the component of the word; if not found then decreasing the length of selected words and repeating the process until getting to success. However, in this case we have more and more combinations.

Despite these problems above if we get a base using some methods, we can identify a type part of speech of the base. But, parsing all appendixes is also not easy. As our approach to morphological analyzing from left to right is appropriate for Uzbek language. Firstly, stem is taken according to parts of speech database, then identifying Taking example of some lexeme and wordforms we obtained like this algorithm by python.

```
k=1
for i in range(0, len(word)):
    if(otlar.__contains__(word[0: i+1])):
        k=i+1
print(word[0: k])
word=word[k:]
k=10
while(len(word)>0):

if(qoshOtYas.__contains__(word[0:k]))
:
```

```
print(word[0:k])
word=word[k:]
if(len(word)>10):
    k=10
else:
    k=len(word)

elif(qoshimchalarOt.__contains__(word[0:k])):
    print(word[0:k])
    word = word[k:]
    if (len(word) > 10):
        k = 10
    else:
        k = len(word)
```

RESULT: BOLAJONLARIMGAMI
(to my dear children?)

bola
jon
lar
im
ga
mi

Conclusion

As we showed above the model of morphotactic of Uzbek is crucial for analysis. Uzbek verbs have grammatical categories which are should be clarified stage of segmentation each of them. Segmentation of morphological parsing is multilevel process, so there are a number of notable approaches in the world. Each grammatical and orthographical rules are important for finite state transducer. The current article presents some ways to resolve morphoanalyzer issue for machine translation.

References:

1. Jurafskiy D. Speech and language processing. 2007. – P. 4.
2. Mitkov R. The Oxford handbook of computational linguistics. -P. 62.
3. Cyril Goutte, Nicola Cancedda, Marc Dymetman, and George Foster Learning Machine Translation Cambridge, Massachusetts, London, England, 2009. - P.6.
4. Raül Canals, Anna Esteve, Alicia Garrido et.al., interNOSTRUM: A Spanish Catalan Machine Translation System, Machine Translation Review, Issue No. 11, December (2000) –PP. 21-25.
5. Krister Lindén, Miikka Silfverberg, and Tommi Pirinen HFST Tools for Morphology – An Efficient Open-Source.



6. Package for Construction of Morphological Analyzers / – Computational Morphology in the Framework of the SLIM Theory of Language / State of the Art in Computational Morphology. – Zurich, 2009 P. 30.

7. Cerstin Mahlow, Michael Piotrowski (eds.). JSLIM – Computational Morphology in the Framework of the SLIM Theory of Language / State of the Art in Computational Morphology. – Zurich, 2009. –P. 15.

8. D. Suleymanov, R. Gilmullin, R. Gataullin Morphological analysis system of the Tatar language based on the two-level morphological model / Turklang 2017. Kazan, 2017. pp. 6-26.

Abdurakhmonova N., Tuliyeu U. Morphological analysis by finite state transducer for uzbek-english machine translation. This article describes brief results of the stages of an automatic morphological analyzer for Uzbek language, which used for machine translation system. The paper analyzes ordering of segment and the rules of the Uzbek wordforms generation in the frame of morphological aspect.

Abduraxmonova N., Тулиев У. Инглизча-ўзбекча машина таржимасида морфоанализатор таҳлили. Ushbu maqolada mashina tarjimasida foydalaniladigan avtomatik morfoanalizatorning bosqichlari amalga oshirish natijalarini qisqacha yoritib o'tilgan. Shuningdek, o'zbek tilidagi so'zlarining segment birliklari tartibi va qoidasi morfologik aspektida tahlilga tortilgan.



К ВОПРОСУ О ТИПОЛОГИИ ФРАЗЕОСОЧЕТАНИЙ

*Мавлонова Наргиза Алишеровна,
докторант (PhD) СамГИИЯ*

Ключевые слова: фразеологическая единица, анализ, семема, денотат, коннотат, граммема, лексема.

Типы фразеосочетаний (далее ФС) различаются в зависимости от типов семем, которые выражаются лексемами, входящими в их состав. Опираясь на учение академика В.В. Виноградова о семантическом содержании лексем [1], М.М.Копыленко и З.Д.Попова разработали излагаемую ниже типологию семем [2: 40-54].

Различаются пять разновидностей семем, которые могут выражаться лексемой:

1. Д1 – первичная денотативная семема, отражающая экстралингвистическую сущность непосредственно; она соответствует «номинативному значению» в концепции В.В. Виноградова. Такая семема узнается вне контекста, по прямому соответствию с денотатом: рукав (часть одежды), нос (часть лица), кошка (домашнее животное); оғиз (рот), оёқ (нога); hand (рука), head (голова).

2. Д2 – вторичная денотативная семема, обозначающая денотат по сходству с другим денотатом и соответствующая «производно-номинативному значению» в концепции В.В. Виноградова. Та или иная лексема может выразить и Д1 и Д2. Однако заменить эту лексему для выражения смысла Д2 нечем, другой лексемы для выражения данного означаемого в языке не существует: ср.: рукав реки, нос корабля, железные кошки (орудие посредством которого взбираются на столбы); сандиқ оёғи (ножка сундука), академический час, белый хлеб; brown bread (хлеб из непросеянной муки), clear head (светлая голова). Для познания семемы Д2 нужен контекст, ситуация, направленность мысли, известная область реалий.

Коннотативные семемы не отражают экстралингвистической сущности, а создаются только во фразеосочетании и подразделяются на:

К1 – мотивированную коннотативную семему, имеющую логическую связь с денотативной семемой той же лексемы: волчий аппетит (хороший аппетит, аппетит как у волка), смотреть бирюком (смотреть зверем, злым взглядом), уймоқ оғиз (маленький рот); қийшиқ оёғ (кривые ноги, ноги хомутом); from memory (по памяти), out of memory (забытый);

К2 – немотивированную коннотативную семему, не имеющую логической связи с денотативной семемой той же лексемы: иметь зуб, на роду написано, быть не в своей тарелке, жить на широкую ногу; live like a fighting cock (или like a prince) (кататься как сыр в масле) = пичоғи мой устида бўлмоқ, entertain a feeling against somebody (иметь зуб против кого-л.) = бировга тиш қайраб олмоқ.

К3 – немотивированную коннотативную, принадлежащую лексеме, не имеющей денотативных семем: дать стрекача, трескучий мороз, закадычный друг- а bosom friend (закадычный друг) = қалин дўст.

Отмеченные типы фразеосочетаний характеризуются разной степенью идиоматичности. От сочетаний, включающих первичные денотативные семемы, до сочетаний, в которых появляется семема К2, идиоматичность неуклонно растет. О степени же идиоматичности ФС с семемой К3 по сравнению с предшествующими типами судить нельзя ввиду особого статуса данной семемы.



Денотативные и коннотативные семемы, соединяясь в различных комбинациях, образуют 15 двухлексемных ФС (если не принимать во внимание, считать нерелевантным порядок расположения компонентов); Д1Д1[3] – зарубежные гости=хорижий мехмонлар, закон природы =табиат қонуни; Д1Д2 – научный аппарат =илмий кенгаш, революционное движение =илмий кенгаш; Д2Д2 –зеленая улица, железная дорога, олтин қор, а hard heart (жестокосердие, бесчувствие) =бағри тош, оқ олтин; Д1К1 – живой вес, изучать язык, историческое событие =тарихий воқеа, журналлар дунёси, а man of weight (влиятельный человек) =обрўли одам; Д2К1 – научный руководитель =илмий раҳбар, сердце упало =юраги (ичи) орқага тортиб кетди, стоять над душой = бировнинг бошида (тепасида) ҳикиллаб турмоқ, а free heart (легко на душе), feature film (художественный фильм); К1К1 – зайти (хватить) далеко =чегарадан чиқмоқ, золотые слова =ширин сўзлар, steady hand (твердое руководство)=пихини ёрган; Д1К1 – на скорую руку =шоша-пиша, ни одна собака, ни один черт =ҳеч зоғ йўқ, арвоҳ ҳам йўқ; Д2К2-авторский лист = оқ кўнгил, аттическая соль =хазил, на широкую ногу =ўзига тўқ яшамоқ, емагани кетида бўлмоқ; Д1К3 –закадычный друг =чин дўст, кромешная тьма= қоп-қоронғи; Д2К3 – обетованная земля, филькина грамота =кераксиз хужжат; К2К2 – и карты в руки =аросат; ни к селу ни к городу =на у ёқлик эмас, на бу ёқлик; куда ни шло =дарди бедаво; море по колено =парвойи фалак; К1К3 – дать маху =ўзини кўрсатмоқ, бить баклуши = бекорчиларга бек бўлмоқ; К1К2 –рукой подать =бурнини остида (или тагида), как на ладони =кафдек намоён, К2К3 – без сучка, без задоринки = хамирдан қил суғургандек, у черта на куличках =дунёнинг нариги бурчагида; К3К3 – денно и ношно = туну-кун, шерочка с машерочкой =кўз ошна бўлиб.

Денотативные и коннотативные семемы, соединяясь в различных комбинациях, образуют 35 трехлексемных

ФС: Д1Д1Д1- жить своей жизнью = ўзи билан ўзи, любовь с первого взгляда = бир кўришдаёқ севги; Д1Д1Д2 – в самое последнее время =энг охирги сонияда, переговоры на высшем уровне =юқори даражали мулоқот; халқаро хотин-қизлар куни; Д1Д1К1 – бросить свои дела=ишларини ташлаб кетмоқ, повышать активность масс-жамоанинг руҳини кўтармоқ; Д1Д1К2 – моя хата с краю =менинг ишим йўқ, спутать все карты =йўлдан озмоқ; Д1К1К1 – принять в свои ряды =ўзига олмақ, начало всех начал =барча воқеаларнинг бошида; К1Д1Д2 – работать в одной системе =бир соҳада ишламоқ; Д1К1Е2 – плясать под чужую дудку = бировнинг ноғорасида ўйнамоқ, первым блин комом =бошида қийин бўлади; Д1К2К2 как (только) земля носит =қандай қилиб ер кўтариб турибди, каким ветром занесло? = қайси шамол ўчирди?; К1К1К1 – встать с левой ноги =чап ён билан турмоқ, иметь длинные руки = have long hands (быть влиятельным, могущественным человеком) =қўли узун бўлмоқ, нет живого места =биронта соғ жойи йўқ; have clean hands (быть невиновным, иметь незапятнанную репутацию); К1К1К2 – жизнь идет под гору, иметь голову на плечах =ақл билан иш тутмоқ; К1К2К2 – как в воду глядел =кўзи мошдек очилди, как рукой сняло =асар ҳам қолмади; К2К2К1 – принимать за чистую монету =ёлғон-яшиқ гапларга чиппа-чин ишонмоқ, попасть под горячую руку =бемаврид ҳалакит қилмоқ; и т.д.

В семантической типологии определенное место занимает так называемые лексико-грамматические ФС, предложно-падежные комплексы, в которых семемы лексем сочетаются с граммемой (грамматическими семемами) [4: 95-96]. Граммемы также как и лексем, могут быть денотативными и коннотативными; на века К2гр. К1лекс., на взгляд К2гр. К1лекс., на деле К1 г.К1лекс., на днях К2гр.,К1лекс., на заре К2гр.К1лекс.

В русском языке предлог в сочетании с существительным в предложном падеже в пространственном



значении имеет грамему Д1; в поле, в комнате. Это значение сохраняется в некоторых выражениях с существительными, употребленными в значении места производно-номинативном статусе или коннотативным. Ср.: в головах – “место, куда, ложась кладут голову”; в ногах – “место, куда кладут или ставят ноги” (Д1гр.+К1лекс.); в душе – “про себя”, про себя, не проявляя внешне”; в уме – “про себя”, “не высказывая, не записывая” (Д1гр.+Д2лекс.), где душа – психическая деятельность, желания, чувства, находящиеся внутри человека; ум-логическая деятельность, заключенная в мозгу, внутри человека. Ср.: в кавычках – “иронически”, в скобках – “между прочим”, “не главное” (Д2гр.+К1лекс.), где грамматическая форма имеет специализированное значение способа оформления, а существительные несут семемы К1(ирония второстепенность). Другие примеры этого типа: в

паре(Д2гр.+Д1лекс.) – “вдвоем”; в миниатюре (Д2гр.+Д1лекс.) – “в уменьшенном размере”; в лицах (Д2гр.+Д2лекс.) подражая изображаем лицам”.

Статус К1 предлог в имеет, когда он имеет значение пребывания в каком –либо состоянии: в беде, в нетерпении, в отчаянии и др. Ср.: в соку – в поре зрелости, тип К1гр.+К1лекс.; в сердцах – в гневе, тип К1гр.+Д2лекс. Временные значения пространственных форм квалифицируются как К2 (немотивированные коннотативные значения). Ср.: в пеленках – в раннем детстве, тип К1гр.+К1лекс. Различные сочетания грамматических и лексических семем порождают лексико-семантические ФС: за глаза (К1гр.+К1лекс.), к слову (К1гр.К1лекс.), на руку (К1гр.Д2лекс.), на случай (К2гр.К1лекс.), на стороне (К1гр.К1лекс.) на счету (К2 гр. К1лекс.).

Литература:

1. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова. – Вопросы языкознания, 1953. - № 5.-С.30-31
2. Копыленко М.М., Попова З.Д. Очерки по общей фразеологии. Учебное пособие для филологов. Воронеж, 1972. – С. 40-54.
3. Копыленко М.М. Попова З.Д. Очерки по общей фразеологии. Проблемы, методы, опыты. – Воронеж, 1978. – С. 95-96.

Mavlonova N. Typological problems of phrasal units. The present article investigates different types of phraseological expressions of the English and Uzbek languages. Author analyzes phraseological units due to sememes which actualize their meanings. Theoretical part of the article is proved by numerous examples, of English and Uzbek phraseological units.

Мавлонова Н. Фразеологик бирикмаларнинг типологик масалалари. Мақолада инглиз ва ўзбек тиллардаги фразеологик бирикмаларнинг типларини турларини хақида курсатиб берган. Муаллиф фразеологик бирикмаларнинг маъносини очиб берадиган семемалар бўйича таҳлил қилган. Мақоланинг назарий томони бир қатор инглиз ва ўзбек фразеологизмларнинг мисоллари билан исботланган.



ХIII-XV АСР ФОРС-ТОЖИК ВА ЎЗБЕК АРУЗШУНОСЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ШАМС ҚАЙС РОЗИЙНИНГ МАВҚЕИ

*Мирзоев Хайём Тошқулович,
СамДУ таянч докторанти*

Таянч сўз ва иборалар: арузшунослик, форс-тожик арузи, Қайс Розий, “Ал-мўъжам”, ажам, араб, Халил ибн Аҳмад, доира, баҳр, рукн, зиҳоф, жузв, рубоий вазни.

Шарқ мумтоз олимлари “илми адаб” таркибидаги шеършуносликка хос соҳалар борасида кўпинча назарий мулоҳаза юритиб, уларни бир-бири билан боғлиқ тарзда шарҳлаганлар. Шеър қонуниятлари, унинг маънавий қиймати ва шоирлик санъатининг сир-синоатлари ҳақидаги фикрлар турли илмлар ҳақида баҳс юритилган асарларда ҳам баён қилинган. Мисол тариқасида IX-XI асрларда фаолият кўрсатган комусий олимлар Абу Наср Муҳаммад ал-Форобийнинг “Эҳсо ул-улум”, “Китоб ул-Фусул ул-Маданий” ҳамда “Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола” асарларини, Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, “Сайдана”, “Осор ул-боқия мин қурун ул-ҳолия” ва бошқа бир қатор асарларини, Абу Али ибн Синонинг “Китоб уш-шифо”сини кўрсатиш мумкин. Бу асарларда шеърят назариясига доир билдирилган чуқур ва баҳсли фикр-қарашлар кейинги давр назариятчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Бу ҳақда адабиётшунос олим академик Ботирхон Валихўжаев шундай хулосали мулоҳаза юритганлар: “Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илми адабга бағишланган асарлар майдонга келиши билан бирга, XI асрдан бошлаб унинг турли бўлимлари алоҳида-алоҳида тарзда ҳам давом эта бошлади. Шунинг натижасида аруз, қофия ва шеърый санъатларга бағишланган рисолалар ҳам яратилаверди. Натижада, уларнинг ҳар бири шеърят назариясининг мустақил илми даражасига кўтарилиб, бу соҳада форс-тожик ва ўзбек тилида кўпгина асарлар майдонга келди” [5.18-б].

Дарҳақиқат, кейинги асрларда шеърят назариясига доир рисолалар алоҳида соҳа сифатида майдонга келиб, унинг кўпгина намуналари яратилди. XII

асрда яшаган Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоиқ ус-сеҳр фи дақоиқ уш-шеър” (“Сеҳр боғлари, шеър нозикликлари ҳақида”), XIII аср олими Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойири ашъор ул-Ажам” (“Ажам шеърятини ўлчовлари луғати”), шу асрда ўтган Носириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” (“Шеърлар ўлчови”) асарлари машҳур бўлди ва кейинчалик форс-тожик ҳамда ўзбек адабиётшунослигида улкан илмий мактаб вазифасини ўтади. Этиборлиси шундаки, бу даврда ҳар учала илм – аруз, қофия ва саноеъ (бадий санъатлар) ҳақида яхлит асарлар ҳам вужудга келган ва адабиётшуносликда бу уч илмнинг мавқеи ниҳоятда ошган. Шулар орасида забардаст назариятчи олим Шамс Қайс Розийнинг машҳур “Ал-мўъжам фи маъойири ашъор ул-Ажам” номли асари алоҳида ўринга эга.

Қайс Розий мазкур асарда шеърый илмлар учлиги – аруз, қофия ва бадий санъатлар ҳақида баҳслашиб, шеърнинг мезони ва унинг вазифалари, қофия ва унинг турлари, бадий санъатлар ва уларнинг тусланиши, хиллари ҳақида чуқур илмий-назарий мулоҳазалар юритган. Устоз олим Б.Валихўжаев бу асарнинг ўз замонида ва ундан кейинги даврдаги илмий аҳамияти ҳақида фикр юритиб, жумладан шундай ёзадилар: “Шамсиддин Қайс Розийнинг “Китоб ул-мўъжам” (Ал-мўъжам” асари назарда тутилган – Х.М.) асари узоқ йиллар давомида шеър ва шоирлик билан шуғулланувчиларнинг дастуриламалига айланган эди. Бунинг асосий сабаби шундаки, Қайс Розий ўзигача мавжуд бўлган шеърят тажрибаси асосида майдонга келган назарий фикрларни умумлаштириб берган эди. Шунинг



натижасида, муаллифнинг аруз, қофия ва шеърий санъатлар соҳасидаги мулоҳазалари, адабий жанрлар ҳақидаги фикрлари ўша замон шароитига нисбатан мукамаллиги билан ажралиб турарди” [5.32-б].

Шамс Қайс Розий 1233 йили «Ал-Мўъжам фи маъойири ашъор ул-ажам» («Ажам шеърияти ўлчовлари луғати») асарини ёзган. Олимнинг барча асарлари араб тилида бўлгани учун у замондошларининг илтимоси билан машҳур асари «Ал-Мўъжам фи маъойири ашъор ул-ажам»ни араб тилидан форс тилига ўгирган ва янада тўлдирган [7.6-7-б].

“Ал-мўъжам” асари муқаддима, икки қисм ва хулосадан иборат бўлиб, аввалги қисми “аруз фани ҳақида”, иккинчиси “шеър илми ва қофия маърифати”га бағишланган. Муаллиф биринчи, яъни аруз илмига бағишлаган қисмини куйидаги 4 бобга ажратган:

- “Боби аввал, дар маънии арўз ва шарҳи аркону зикри асомию алқобе, ки дар ин фанн мусталаҳи аҳли илм аст” (Аруз (истилоҳи)нинг маъноси ва рукнлар шарҳи ҳамда ушбу фанга дахлдор бўлган илм аҳли орасида амалда бўлган номлар (истилоҳлар) ва лақаблар ҳақида аввалги боб);

- “Боби дуввум, дар зикри ажзоъ ва авзоне, ки аз таркиби аркони арўзи ҳосил шавад” (Аруз рукнлари таркибидан ҳосил бўладиган ритмик бўлақлар ва вазнлар зикрида иккинчи боб);

- “Боби саввум, дар зикри тағйироте, ки бад-он ажзоъ лоҳақ гардад ва фуруъи афозил, ки аз он муншаъиб шавад” (Ритмик бўлақлардаги ўзгаришлардан ҳосил бўлувчи фуруъларнинг афоили ҳақида учинчи боб);

- Боби чаҳорум, дар зикри бухури қадиму ҳадис ва нақши давоир ва тақтеъи абёт ва факки ажзоъи бухур аз якдигар” (Қадимий ва янги баҳрлар зикри, доиралар нақши, байтларнинг тақтеъи ва баҳр қисмларининг бир-биридан фарқланиши тўғрисида тўртинчи боб) [7.31-б].

“Ал-мўъжам”нинг бу бобларида дастлаб арузнинг луғавий ва истилоҳий

маънолари тушунтирилади, сўнгра рукнлар ва аруз илми доирасидаги фаол истилоҳларга шарҳ келтирилади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи боб олимнинг аруз илмига доир фикрлари ибтидоси саналади. Иккинчи бобда аруз рукнларининг таркибидан (ўзаро қўшилувидан) ҳосил бўлган ритмик бўлақлар ва вазнлар зикр этилади. Учинчи бобда рукнларнинг тармоқларидаги афойилларнинг ўзгариши ҳақида фикр юритилса, тўртинчи бобда эски (дастлабки) ва янги (замонавий) баҳрларнинг яратилиши, аруз доираларининг вазифалари ҳамда тақтеъ қоидалари, баҳр қисмларини бир-биридан фарқлашда амал қилинадиган қонуниятлар борасидаги олимнинг назарий мушоҳадалари, кузатишлари, таҳлиллари ўрин олган.

Асар мундарижасидан ҳам кўриниб турибдики, Шамс Қайс адабиётшунослик илмлари ичидан аруз илмини долзарб ва биринчи даражали илм сифатида этироф этади. Зеро, икки қисмдан иборат шундай йирик асарнинг биринчи қисмини бу соҳага бағишлагани бежиз эмас.

Форс-тожик арузшунослиги асосан, араб арузи таъсирида шаклланган бўлса ҳам “Ал-мўъжам” асарини ўқиган ҳар бир зукко ўқувчи унинг тараккий этиши нафақат мумтоз форс-тожик шеъриятининг ривожи, балки Шамс Қайс Розий каби арузшуносларнинг беқиёс кашфиётлари ва улкан хизматлари билан боғлиқлигини яхши англай олади. XX аср тожик ва ўзбек арузшунослари айнан Шамс Қайс ва унинг издошлари саъй-ҳаракатлари негизида форс-тожик ва ўзбек арузининг шундай бир муайян тизимли ҳолга келганлигини кўп бора эътироф этганлар. Жумладан, машҳур арузшунос олим Баҳром Сирус ўзининг “Арузи тожик” номли асарида араб ва ажам арузининг ўзаро муносабати, шунингдек, узвий боғлиқлиги ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: “Олимон ва шоирони он давраи форсу тожик барои навиштани шеър дар забони худ ягон қонуни шеър надоштанд, ки аз давраи пеш аз истилои араб боки монда бошад. Аз ин сабаб онҳо хоҳу нохоҳ мажбур буданд,



арўзи арабро, ки дар адабиёти онрўзаи табақаҳои болои маъмул, марсум ва матбўъ буд, аз нав, мувофиқи фонетикаи забони худ кор карда бароянд. Онҳо ба арўзи араби дигаргуниҳои бисёреро дароварда, арўзи ҳозираи дар ашъори мо маъмулро ба вужуд оварданд, ки онро дар чунин ҳолат на арўзи араби, балки арўзи форсу тожики номиданамон дурусттар мебошад” [4.16-17-б]. (У давр (араб истилосидан кейинги давр - М.Х.) форс-тожик олим ва шоирлари араб истилосидан олдинги шеърят қонунлари сақланиб қолмаганлиги сабаб ўз тилларида шеър ёзиш учун бирор бир поэтик қонуниятлар тизимиға эға эмасдилар. Шу сабабдан улар истаса-истамаса ўша давр юқори табақа вакиллари адабиётида амалда бўлган, марсум (расмийлашган) ва матбўъ (таъбга яқин) бўлган араб арузини янгидан, ўз тилларининг фонетик хусусиятларига мувофиқлаштирган ҳолда, қайта ишлаб чиқишга мажбур эдилар. Улар араб арузига кўп ўзгартиришлар киритиб, ҳозирги шеърятимизга мос арузни вужудга келтирдиларки, уни бу ҳолатда араб арузи эмас, балки форс-тожик арузи деб номлаш тўғрироқ бўлади).

Ўзбек арузшуноси Абдурауф Фитрат Баҳром Сирусдан тахминан 30 йиллар олдин Шамс Қайс Розий ва унинг арузшунослик мактаби форс-тожик шеърятига ўзига хос мустақил аруз метрикасини сингдиришда катта ҳисса қўшганини таъкидлаганди: “Эронлилар араблардан нима олган бўлса, айнан олмади, ўзгартириб, унга ўз хусусиятларини тақиб олди ёки олиб тақди...араб арузининг нисбатан умумий қоидаларини, назарий томонларини қабул қилишига қарамасдан форси(й) шеър вазнларининг муҳим хусусиятларини ҳам унга сингдира бошлади. Шундай қилиб, айрим бир форси(й) аруз майдонга қўйулди”[6.25-26-б].

Фитрат форс-тожик арузини араб арузидан фарқли баъзи жиҳатларини Шамс Қайснинг “Ал-мўъжам” асарига таянган ҳолда кўрсатиб ўтади ва бу фарқлар асосида Шамс Қайс биринчилардан бўлиб ўзидан олдин “араб ва аҷам арузи” деб

атаб келаётган иборадан мустақил равишда “аҷам (форс-тожик) арузи” атамасини ажратиб адабиётшуносликда жорий этганини эътироф этади ва туркий адабиётда айнан мана шу эроний (форс)лар арузи қабул қилинганини эслатиб ўтади: “Ўрта Осиё турки(й) адабиёти учун қабул этилган аруз мана шу эрон адабиётида ишланган ва Шамс Қайс каби арузчилар томонидан “аруз(и) форси(й) аталган аруздир”[6.27-б].

“Ал-мўъжам”да муаллиф форс-тожик арузининг араб арузидан фарқли жиҳатларини чуқур назарий тадқиқ ва таҳлил асосида кенг тарзда кўрсатган. Масалан, Шамс Қайс форс-тожик арузини муайян системаға солиш учун доиралар устида ишлайди ва араб арузи асосчиси Халил ибн Аҳмад томонидан яратилган бешта доираларнинг баъзилари форс-тожик шеърятига мос ва хос бўлмаганлиги учун, уларни қисқартириб (жумладан, араб арузига хос тавил, мадид, комил ва вофир баҳрларидан тузилган доираларни) форс-тожик арузидан истисно қилади. Унинг фикрича, форс-тожик шеърятини муайян системаға солиш учун тўртта аруз доираси етарлидир. У шу аснода ўзига фаолият кўрсатган арузшуносларнинг ишларини, яъни араб арузидаги баъзи бир доира ва баҳрларни аҷам шеърятига сунъий тарзда татбиқ этганликларини шу оҳангда инкор этади:

“Ва чун бад-ин муқаддимот бар баъзе аз тасарруфоти фосиди ин жамоат дар тақрири (баёни) бухур ва сабти давоир вуқуф афтод ва тафсили хабту (кўр-кўрона) ғалати эшон дар ин фанн маълум шуд, савоб он аст, ки дар ин абвоб ба тақсимоти ботилу татвилоти (дурударози) беҳосили эшон илтифот нанамоем ва жумла бухури ашъори аҷамро дар чаҳор доира ниҳем”[7. 80-б]. (Баҳрлар ва доиралар зикрида олдингиларнинг баъзи бир меъёр жиҳатдан бузилган фикрларига гувоҳ бўлиб, бу фан (аруз)да уларнинг хато ва кўр-кўрона тавсифлари маълум бўлганлиги учун, бу бобда уларнинг фойдасиз узундан-узоқ таснифларига илтифот қилмаслик ва барча аҷам шеърятининг баҳрларини тўрт доираға



жойлаштиришни савоб (фойдали) деб билдик).

Шамс Қайс Халил ибн Аҳмад томонидан яратилган Муштабиҳа доирасининг ўрнига форс-тожик баҳрларидан иборат бўлган икки доира – Мухталифа ва Мунтазиани яратади ва ўзи таъкидлаган 4 доирага 14 баҳрни жойлаштиради. Доираларда баҳрлар таснифи шундай келтирилган: Мухталифа доираси – мунсарих, музореъ, муқтазаб, мужтасс; Мўталифа доираси – ҳазаж, ражаз ва рамал; Муттафиқа доираси – мутақориб ва мутадорик; Мунтазиа доираси – сареъ, ғариб, қариб, хафиф, мушокил.

Маълумки, зиҳоф аруз илмининг муҳим хусусиятларидан саналиб, унинг сонини аниқлашда турли фикру карашлар мавжуд. Шамс Қайс биринчилардан бўлиб араб арузининг зиҳофотини ўрганиб, аҷам арузида 35 зиҳофнинг мавжудлигини исботлади. Арузшунос олимнинг фикрича, бу зиҳофларнинг 22 таси араб арузига хос бўлиб, аҷам шеъриятида фойдаланилади, қолган 13 таси эса аҷам арузига хосдир. Зиҳофларнинг ҳар бири алоҳида номланиб, Шамс Қайс уларнинг вужудга келиш сабаб ва ҳолатларини аниқлаган. Бундан ташқари, у алоҳида фаслда бошқа 16 зиҳофни кўрсатиб шарҳлайдики, бу зиҳофлар, муаллифнинг таъкидлашича, “Ал-мўъжам”дан олдинги китобларга киритилмаган: “Ва чанд лақаби дигар ҳаст, ки дар фусули мутақаддим (гузашта) зикр ва шарҳи он нарафтааст, дар ин мавзеъ баён кунем ва он шонздаҳ аст: хазму муоқабату садру ажзу турфону барию муоқабату солиму саҳеху тому мавфуру вофию мўътадилу муаррою мажзўу маштуру манҳук” [7.60-6]. (Ва яна бир неча исм (атама) борким, олдинги фаслда уларнинг зикри ва шарҳи келтирилмаган эди, бу ерда шарҳини келтирайлик. Улар ўн олтидир: хазм, муоқабат, садр, ажз, турфон, барий, муоқабат, солим, саҳех, том, мавфур, вофий, мўътадил, муарро, мажзуъ, маштур ва манҳук).

Шамс Қайснинг яна бир кашфиёти шундаки, у форс-тожик шеършунослигида биринчи бўлиб рубоий вазнлари ва унинг

турлари ҳақида маълумот бериб, унинг келиб чиқиш таъриhini шундай изоҳлайди: “Ва яке аз мутақаддимони шуарои аҷам ба пиндорам Рўдакий аз навъи аҳраму аҳраби баҳр (яъне баҳри Ҳазаж) вазне таҳриж кардааст, ки онро вазни рубоий хонанд” [7.95-6]. (Қадимги аҷам шоирларидан бири, фикримча, Рўдакий ҳазаж баҳрининг аҳрам ва аҳраб тармоқларидан бир вазни яратганки, уни рубоий вазни деб атайдилар).

Муаллиф ўз асарида Аҷам шеъриятининг дурдоналаридан саналган рубоий жанрининг пайдо бўлиши ҳақидаги таърихий воқеани ҳикоя қилиб беради. Мазкур ҳикояда Шамс Қайс рубоий вазни дастлаб форс-тожик халқининг оғзаки ижоди назмида вужудга келиб, классик адабиётда биринчилардан бўлиб мумтоз шеъриятимиз сарбони Абуабдуллоҳ Рўдакий назмида кузатилишини айтиб ўтади. Кейинги давр адабиётшунослари рубоий жанрининг келиб чиқиш таърихи ҳақида сўзлаганда Шамс Қайс малумотиға асос сифатида ёндашганлар.

Шундай қилиб, форс-тожик арузнинг назарий ва амалий жиҳатдан шаклланиши ва изчил ривожланиб боришида Шамс Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам» асари алоҳида аҳамият касб этиб, кейинги давр арузшуносларига форс-тожик ва туркий шеъриятнинг вазн хусусиятларини тадқиқ ва таҳлил қилиш учун кенг йўл очиб берди. Етук назариётчи олим аруз қоидаларини, хилма-хил баҳр ҳамда вазнларини форс-тожик тилига сингдириш ва батафсил шарҳлаш билан чекланиб қолмай, аҷам халқлари оғзаки ижоди вазнлари билан аруз мезонларнинг ҳамоҳанглигини ҳам исботлади ҳамда форс-тожик лирикасига хос ва кенг қўлланилиши мумкин бўлган кўплаб вазнларни кўрсатиб, асослаб берди. Олим асар бобларининг ҳар бирида аруз илмига доир алоҳида масалаларни ўртага ташлаб, уларни назарий жиҳатдан тавсифлади, форс-тожик шеъриятининг дурдоналари мисолида ҳал қилди ва қимматли хулосалар ясади.

Шамс Қайсгача аруз илми истилоҳларининг маънолари турли хил



шарҳланган бўлса, ундан кейинги, яъни XIII-XV аср арузшунослари, жумладан, Носириддин Тусий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Сайфий Бухорий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар “Ал-мўъжам”да келтирилган шарҳни тўлиқ ва мукамал деб қабул қилганлар. Шамс Қайс Розий “Ал-мўъжам” асарини ёзиб ўзидан кейинги авлодлар учун форс-тожик арузшунослигида ўзига хос мактаб

яратди. XV аср форс-тожик ва туркий арузшунослигининг юқори даражада тараққий этишига, Шайх Аҳмад Тарозий, Абдурахмон Жомий, Сайфий Бухорий, Алишер Навоий, Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайний, Ваҳиди Табрзий каби машҳур арузшуносларнинг аруз илмига бағишлаб алоҳида рисоалар битишларига айнан ана шу мактаб замин яратгани ўзгармас ҳақиқатдир.

Адабиётлар:

1. Абдурахмони Жомӣ. Осор. Жилди 8. “Рисолаи арӯз”. – Душанбе: Адиб, 1990.
2. Алишер Навоий. “Мезон ул-авзон”. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Иззат Султон. - Тошкент, 1949.
3. Арӯзи Сайфӣ ва Қофияи Жомӣ. Чопи Маҳмуди Фишорикӣ. - Теърон, 1372.
4. Баҳром Сирус. “Арӯзиточикӣ”. Душанбе-1963.
5. Ботирхон Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
6. Фитрат. Аруз ҳақида (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳамидулла Болтабоев). –Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
7. Шамси Қайси Розӣ. “Ал-мўъжам”.- Душанбе: Адиб, 1991.
8. Урватулло Тоиров. Фарҳанги истилоҳоти арӯзи аҷам. –Душанбе: Маориф, 1991.

Mirzoyev X. The role of Shams KaysRoziy in the development of XIII-XV centuries Persian-Tajik and Uzbek ruz study. This scientific article explores the importance of the masterpiece “Al-mujam” and its impact on the development of aruzpoetecmetheo of persian,tajik and uzbek languages. It detail describes the comparatwenanalysis of persian,tajik and uzbek languages and the conditions of these language the con sequent period of time.

Мирзаев Х. Место Шамс Кайс Розии в процессе развития персидско-таджикской и узбекских арузоведений XIII-XV веков. В данной статье рассматривается важность «Аль-Муджам» в формировании и развитии аруз в персидско-таджикской, узбекской литературе. На основе сравнительного анализа выясняется влияние этой произведения на последующий период развития персидско-таджикских и тюркских арузоведений.



ШАМОН ЙЎҚЛОВЛАРИ ФОЛЬКЛОР ЖАНРИ СИФАТИДА

Қаюмов Олим Садриддинович,

Навоий давлат педагогика институти доценти

Калит сўзлар: фольклор, миф, шамон, тумор, қўл бериш, қайтарма, чил ёсун, ўқиш.

Манбалардан аниқланишича, туркий қавмлар орасида шамонлик касбини қўлга киритган, ўз қавми орасида буюк шамон сифатида танилган кишилар дастлаб эркак кишилар бўлишган⁹. Шамонлик касбини эркак жинсига мансуб кишилар томонидан қўлга киритилиши Сибирда истиқомат қилувчи туркийлар орасида қайд этилган. Ўзбекистонда яшовчи туркий қавмлар орасида шамонлик касбини асосан аёллар эгаллаши кузатилмоқда. Фақат профессор М.Жўраевнинг шахсий архивида сақланаётган «Бойсун баҳори» халқаро фестивалининг видео тасвирида шамон чолнинг зикрга тушганлиги, тилига киздирилган капкирни босиб томошо кўрсатганлиги қайд этилган. Қизиғи шундаки, томоша кўрсатаётган кишининг қўлида бобосидан мерос қолган қамчи, тумор, пичоқ каби предметлар мавжуд. Холбуки, шамонларнинг зикрга тушиши, рухларни чорлаш, уларни муайян мақсад сари йўллаш жараёнидаги экстаз ҳолат бўлиб, маросимда иштирок этаётган барча қатнашчиларни руҳан ўзига эргаштиради. Шамонлик эътиқодида зикр - ўтганлар руҳини ёд этиш мақсадида амалга оширилади. Қадимги шамонларнинг зикр тушиш ҳолати кейинчалик миллий санъатимизда рақс санъатининг майдонга келишига асос солган. Ҳатто ислом мифологиясида куй ва рақс оллоҳ томонидан берилган неъмат сифатида талқин қилинади. Куй ва рақснинг исломий талқини ўзбек ёзма адабиёти намуналарида ҳам қайд этилган. Ҳатто, Бобораҳим Машраб куйни «суннати Жаббордан»,- деб талқин қилади. Куйни

ғайб оламидан инъом қилинган неъмат сифатида тасаввур қилиш шамонлик эътиқодига ҳам хос. Чунки шамонлар чилдирма (бубна) воситасида куй чалиб рухларни чорлайдилар. 1996 йил биз томонимиздан Навоий вилояти Хатирчи тумани А.Ёрлақабов ширкат хўжалиги Жалойир қишлоғида истиқомат қилувчи кушноч Тўлғаной Мирзаевдан ёзиб олинган маълумотларда кушночнинг париларни чилдирма чалиб чақириши қайд этилган эди.¹⁰

Шамонликнинг эркак кишилар томонидан қабул қилиниши Ўзбекистонда яшовчи аҳоли ўртасида кам учровчи ҳодиса. Бироқ, афсунгарлик- дуохонлик, азайимхонлик касби борки мазкур касб эгаларининг беморларни даволаши, кишиларнинг мушкулларини осонлаштириши мақсадида афсунлардан фойдаланишлари кузатилади. Навоий вилояти Нурота шаҳарчасида эшонлар номи билан элга танилган Саид Аҳмаджон, Саид Шарофиддин, Саид Истамхон ва Саид Мансурхон эшонларнинг «Қўл бериш», «Ўқиш», «Қайтарма», «Чил ёсин» каби маросимларида ислом динининг муқаддас китоби «Қуръони карим» оятларидан афсун сифатида фойдаланганликлари кузатилди. Эшонлар томонидан ўтказиладиган ретуаль жараёнида араб тилидаги «Қаҳри кул», «Кимёи саодат» каби қасидалардан, соф ўзбекча шамон чорловларидан фойдаланганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, беморларни сўз сеҳри воситасида даволаш, йўқолган нарсаларни топиш ва мушкул ишларни осонлаштириш мақсадида магик айтимлар айтиш анъанаси нафақат Марказий Осиёда яшовчи туркий қавмлар,

⁹ Новик Е.С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. Москва, 1984. С. 237; Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у тулеутов // Сборник музея антропологии и этнографии. Т. X. Москва 1949; Булатов А.О. Релекты шаманства у народов Дагестана // СЭ, 1991, № 6. С.117.

¹⁰ Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси) Номзодлик дисс. Авт. Реф. Тошкент, 1999.



балки Сибирь ҳамда Кавказ туркий халқлари орасида ҳам кенг тарқалган. А.О.Булатовнинг ёзишича, табиблар даволай олмаган беморларни қўмиқ ва аварлар «алим»(олим. О.Қ.)ларга кўрсатадилар. Олимлар эса, уларнинг танасига жойлашиб олган жинларни кудратли афсунлар ёрдамида хайдайдилар.¹¹ Омма эхтиромига сазовор бўлган олимлар эркак кишилар эканлиги ўзбек халқи орасидаги азайимхон ва эшонлар каби афсунгарларнинг эркак кишилар эканлиги билан муштараклик касб этади.

Н.П.Диренкова телеут шамонлик эътиқодини кузатар экан, олтойликлар орасида қадимдан шамонликни эркаклар қабул қилганлиги, улуснинг энг эътиборли кишиси ҳам шамон саналганлиги, бу анъана XX аср бошларида ҳам қайд этилганлигини маълум қилади.¹² К.Д.Уткиннинг фикрича, якутларда шамонизм ота уруғи ҳукмронлигининг майдонга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиши неолит ва палеолит даври одамларининг ғоялари ва анъаналари билан йўғрилгандир.¹³ Шунингдек, тадқиқотчи Байкал қояларидаги суратларда акс эттирилган эркак шамон, аждодлар руҳи ва руҳ ниқобини кийган кишиларнинг тасвирларига таяниш Сибирь туркий халқларида шамонлик эътиқодининг қачон майдонга келганлиги борасида аниқроқ хулосага келишимизга асос бўлади, деб ҳисоблайди. Худди шундай мулоҳазаларни А.П.Окладников тадқиқотларида ҳам учратамиз. А.П.Окладниковнинг фикрича, «шамонлик тасаввурлари мажмуи жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, палеолит

ғояларига бориб тақалади»¹⁴. Биз томонимиздан 2003, 2004 йилларда Навоий вилояти Навбахор тумани ҳудудидаги Сармишсой дарасида олиб борилган экспедиция кузатишлари нажтижасида Сармишсой қояларига ўрта палеолит даврида ўйиб туширилган расмлар орасида ҳам йиғилишиб зикрга тушаётган қадимги одамлар тасвири мавжудлиги аниқланган эди.¹⁵ Биз мазкур ёдгорликларни қадимги амалий санъат намунаси сифатида эмас, балки ибтидоий давр шамонларининг ёзувлари сифатида ўрганиш лозимлигини қайд этган эдик¹⁶.

А.П.Окладников ва Н.П.Дыренковалар шимолий ҳудудларда истиқомат қилувчи туркий қавмлар шамонлик эътиқодига доир материаллар асосида хулоса чиқарганликлари кўриниб турибди. Бироқ биз томонимиздан 1996-1998 йилларда Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан ёзиб олинган этно-фольклорий материаллардан аниқланишича, ўзбек шамонларининг асосий ҳомийлари парилар саналади. Пари ҳақидаги халқ қарашлари мазкур образ борасидаги тасаввурларнинг адабий тафаккурда милоддан аввалги VII-IV асрларда шаклланганлигини кўрсатади.¹⁷ Бизнингча, шамон Марказий Осиёда яшовчи туркий қавмлар орасида дастлаб аёллар томонидан сайланган она боши бўлган. Чунки шамон аёлларнинг ҳозирга қадар фақат аёлларга қўл бериши анъанаси сақланиб қолган. Ўзбеклар орасида эркак шамонлар ота уруғининг ҳукмронлиги даврида майдонга келиб, ислом динининг кириб келиши билан деярли кам учрайдиган ҳолатга айланиб қолган.

¹⁴ Окладников А.П. Прошлое Якутии до соединения к Русскому государству. Якутск, 1949. С. 32.

¹⁵ Бу ҳақда қаранг: Қаюмов О. Сармишсой пиктографларини ўқишга доир // «Давлат тили ва умуминсоний қадриятлар» мавзудидаги республика илмий анжумани материаллари. Навоий. 2004. 16-18-бетлар.

¹⁶ Қаюмов О. Қояга битилган мактуб // Фольклоршунослик. Илмий мақолалар тўплами. 1-китоб. Навоий, 2004.

¹⁷ Бу ҳақда қаранг: Қаюмов О. Пари билан боғлиқ халқ қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, № 1, 45-47-бетлар.

¹¹ Булатов А.О. Реликты шаманства у народов Дагестана... С. 218.

¹² Дыренкова Н.П. Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у тулеутов... С. 107.

¹³ Уткин К. Д. Якутский шаманизм в его древней первооснове// Истоки якутского шаманизма. Якутск, 1994. С. 11. (Материал Интернет тизимининг www. Ruthenia.ru/folklor. сайтидан олинди).



Туркий халқларда, хусусан, Сибирь туркий халқларида ҳозир ҳам эркакларнинг шамонлик касбини эгаллаш ҳолатлари кузатилади. Ўзбекистонда эса, биз Навоий вилояти Хатирчи тумани А.Ҳалимов фермерлар уюшмасига қарашли қишлоқлардан бирида истиқомат қилаётган Аслиддин қушноч, гарчи, эркак киши бўлса-да, шамонлик касбини эгаллаган. Аслиддин қушноч устози Жангил бахшидан қўл олган. Шунингдек, Самарқанд вилояти Нуробод тумани Остонабобо қишлоғида яшовчи Довуд бобо ҳам бахшилик қилади. Айтишларича, Довуд бобо XIV асрда яшаб ўтган машҳур Илёс Шайхнинг авлоди саналади. Шамонликнинг ислом мифологик тасаввурлари билан бойитилган вариантлари номлари юқорида зикр этилган шамонлар амалиётида учрайди. Шунинг учун ҳам афсунлардан фойдаланиш анъанасини ислом дини пешволари саналмиш эшонлар, азайимхонлар ҳам амалга ошириб келадилар.

Эшонлар томонидан амалга ошириладиган қайтарма маросимида ҳам айнан шамон чорловлари, шамон йўқловлари ижро қилинади. 2005 йил ноябрь ойида Биз томонимиздан ёзиб олинган Навоий вилояти Нурота шаҳрида истиқомат қилувчи Мансурхон эшон Шарафиддинхон ўғли томонидан ўтказилган қайтарма маросими матнида «Ёсин» сурасидан сўнг «Ё Оллох, ё Оллох, ё Оллох. Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, ё Муҳаммад. Саййид Аҳмаджон эшон, Саййид Истамхон эшон, падари бузрукворим – Саййид Шарафуддинхон эшонларнинг руҳлари кўлласин. Мени кўлим эмас, Саййид Аҳмаджон эшон, Саййид Истамхон эшон, падари бузрукворим- Саййид Шарафуддинхон эшонларнинг кўли»-, деб «Омин. Парвардигоро шу кишининг мушкулларини осон қилгайсан. Дардларига ўзинг шифо бериб, бало-казолардан асрагайсан. Суф, суф, суф»,- деб олқиш айтиб дам урганлиги кузатилди. Шу ерда бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ислом дини вакили ва

тарғиботчилари саналмиш эшонлар амалиётида руҳларга сиғиниш, улардан мадад сўраш шамонийлик ва исломий эътиқодлар диффузияси сифатида тавсифланмоғи лозим.

Юқорида зикр этилган марҳумлар руҳини ёд этиш шамонликка хос анъана бўлиб, шамон маросимлари фольклорининг йўқлов жанрига мансуб матнлардир. Шамон йўқловлари борасида кўйида алоҳида мулоҳаза юритамиз.

Бизнинг кейинги йилларда олиб борган кузатишларимиз шуни кўрсатадики, шамон маросимларининг мазмун-моҳиятига кўра, *қўл олиш, суқ чиқариш, алас, қонлаш, боқим, қоқим, қайтарма, кўчириқ, боғлаш, ёйиш, иссиқ-совуқ* каби кўплаб кўринишлари мавжуд. Шундан келиб чиқиб ўзбек шамон маросимлари фольклорининг асосий жанрлар таркибини аниқлашда ретуларнинг вербал жиҳатини ташкил этувчи айтимларни синчиклаб ўрганиш ва уларнинг маросим жараёнида тугган ўрни, поэтикаси, ижро ўрни ва ижро усулига кўра гуруҳлаштириш лозим деб ҳисобладик.

Шамон маросимларини ўтказишда маросимларнинг биринчи босқичи **шамон йўқловларининг** ижроси билан бошланади. 2004 йил Навоий вилояти Хатирчи тумани Мирзо Улуғбек ширкат хўжалиги Жалойир қишлоғида истиқомат қилувчи 41 ёшли Нозибуви бахшининг маълумот беришича, бахши боқим, қайтарма, суқ чиқариш, қоқим маросимларини ўтказишда аввало ишни «авлиё териш»дан бошлар экан. Ўтган улуғ авлиёларни ёд олиш, уларнинг руҳидан мадад олиш мақсадида шамонлар авлиёлар ва ўзларининг марҳум қариндошлари номини тилга олиб қўшиқ куйлайди:

Сўзим боши бисмилло,
Ишим боши бисмилло,
Алҳам боши бисмилло,
«Қуръон» боши бисмилло,
Руҳиятлар султони,
Мен сизларга сиғиндим.
Чодир чиммат тугганлар,
Чор томондан келганлар,



Қирқ бир чироқ берганлар,
Рухиятлар султони-яй,
Мен сизларга сиғиндим.
Етмиш икки пирларим,
Мен сизларга сиғиндим.
Беш вақт номоз ўқиган,
Ўн икки имонларимга сиғиндим.
Олти юзи етмишта авлиёларга
сиғиндим.

Етмиш икки пирлардан сўнг
Йигирма уч пайғамбарларга
сиғиндим.

Рухиятлар султони,
Мен сизларга сиғиндим.
Авлиёлар султони,
Мен сизларга сиғиндим.
Бахауддин болажон,
Нурли ота, Ҳасан-Ҳусан,
Қорахоний, Қалқон ота,
Хўжакул ота, Чилла ота,
Ғойиб ота, Гадоё Селкин ота,
Лангар ота, Афтош ота,
Имом Бухорий ота,
Шоҳи Зинда ота,
Ҳазрати Довуд ота,
Қўйлуқ ота, Чўпон ота,
Занги ота- авлиёлар султони,
Мен сизларга сиғиндим.
Ҳур қиз авлиё оналар,
Қирқ қиз авлиё оналар,
Етмиш икки парилар,
Ҳар қайсиси ҳар ишда
Етти пари оналар,
Мен сизларга сиғиндим.
Сариқ пари оналар,
Йўлим сариқ қилинглари,
Юзим сариқ қилинглари.
Қизил қўйлак кийиб келган
Қонхўр она,
Мен сизларга сиғиндим.
Бир ўнгири олдида,
Бир ўнгири орқасида
Марту она,
Мен сизларга сиғиндим.
Она бўлиб келганлар,
Чодир чиммат тутганлар,
Қирқ бир чироқ берганлар
Қирқ бир чилтонларимга сиғиндим.
Қамбар онам, Амбар онам,
Мен сизларга сиғиндим.

Етти пуштимдан ўтганларима
сиғиндим.

Устозим Гулчеҳранинг пирларига
сиғиндим,

Пирим Шарафиддину,
Тоғу тошни яратган
Одам ота, Момо ҳавони яратган,
Оллоҳимга сиғиндим.

Навоий вилоятининг Қизилтепа
туманида истиқомат қилаётган 38 яшар
қушноч Нигора опадан 2004 йилда Навоий
давлат педагогика институти Ўзбек
филологияси факультети талабаси
Қаҳҳорова Гавҳар томонидан ёзиб олинган
материаллар орасида қушночнинг
қисқагина йўқлови келтирилган:

Қалъаи азизон, Хўжаи Ҳасан,
Хўжаи Ҳусан, Хўжаи Бўстон,
Хўжаи Жаҳон, Хўжаи Ғалғалдон
Авлиёлар, ёр бўлинглари.

Авлиёлар ёки марҳум бўлган
қариндошлари, аждодлари руҳини ёд
олиш, уларнинг номларини зикр этиш,
улардан мадад кутиш шамон
йўқловларининг характерли жиҳатларидан
саналади. Сибирь шамонлари амалиётида
мавжуд шамон афсоналари поэтикасини
тадқиқ этган фольклоршунос Е.С.Новик
ҳам шамонларнинг марҳум қариндошлари
руҳига мурожаат қилишларини қайд
этади.¹⁸ Новик томонидан эълон қилинган
материаллар орасида шамонларнинг узок
ўтмишда яшаб ўтган пирларининг
руҳларидан мадад олиши ҳам
таъкидланган.

Шамон йўқловлари беморларни инс-
жинслар хуружидан *халос этиши, суқ
чиқариши, қонлаш, қоқиши, боқим, алас ва
қайтарма* маросимларида маросимнинг
асосий олиб борувчиси-шамон (қушноч,
парихон, қора қушноч, бахши) томонидан
ижро қилинади. Шамон йўқловлари шамон
чорловларидан, шамон қасидаларидан
фарқ қилувчи мустақил фольклор
жанридир. Шамон чорловларида
шамоннинг ҳомий руҳларни чақириши
етақчилик қилса, шамон қасидаларида
руҳларнинг қудрати, сифатлари мадҳ

¹⁸ Новик Е.С. Поэтика шаманских легенд // Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. Москва 1984.С.239.



этилади, Шамон йўқловларида эса, сиғиниш изҳори етакчилик қилади. Шамон йўқловларининг бошланғич қисми бисмиллодан бошланиш ҳолларини ҳам учратамиз. Йўқловлар авлиёларнинг номларини тилга олишдан олдин шамоннинг исломий «бисмилло» ақидасига амал қилиши албатта, бу ҳудудда узоқ муддатдан буён ҳукм суриб келаётган ислом дини таъсиридир. Шамон маросимлари ва айтимлари таркибида ислом дини таъсирида у ёки бу элементларнинг тушиб қолиши исломий атрибутларнинг ўринлашуви доғистонлик шамонлар репертуарида ҳам учраши А.О.Булатов тадқиқотларида қайд қилинган эди.¹⁹ Ислום эътиқодида марҳумларнинг руҳини безовта қилиш мумкин эмас. Шамонликда эса, марҳумларнинг руҳи шамоннинг мадакори, хомийси сифатида талқин қилинади.²⁰ Хусусан, Ислום оламнинг улуғ алломалари номининг шамон йўқловлари матнида учраши, инсон руҳининг барҳаётлиги борасидаги анимистик тасаввурлар маҳсулидир.

Шамон йўқловларида номлари зикр этиладиган авлиёларнинг барчаси ҳам тарихий шахслар бўлавермайди. Масалан, Нозибуви бахшининг маълумотида қайд этилган Шоҳи Зинда ота, Лангар ота, Афшот ота кабилар афсонавий образлардир. Қизилтепалик Нигора кушночнинг йўқловида қайд этилган «Қалъаи азизон»- ўз мазмуни билан азизлар, улуғлар қалъаси маъносини ифодалаб турибди. Аммо шамоннинг йўқловда бу қалъани тилга олиши ҳам бежиз эмас. Чунки, қалъаи азизонда кўплаб азизларнинг руҳлари мавжуд деган мифологик тасаввур мавжуд. Шамон ўз

мақсадига эришишда ана ўша қалъада мавжуд марҳумлар руҳидан ҳам хомий сифатида фойдаланади. Бундан кўринадики, шамон йўқловларида магик моҳият касб этувчи қабр, тарихий обидалар, илоҳийлашган шахслар билан параллель равишда зикр этилади.

Шамон йўқловларининг образлар тизимида тарихан пайғамбар саналган Довуд алайҳиссалом- Довуд ота, оналар пири -Амбар она, буюк муҳаддис олим Имом ал-Бухорий- Имом Бухорий ота, халқ тасаввурларига кўра, кишиларга ёвузлик келтирувчи руҳ сифатида талқин қилинадиган демонологик персонаж Морту-Морту она тилга олиниб, шамон уларга сиғиниши, итоат қилиши таъкидланади. Телеут шамонлик эътиқодининг таниқли тадқиқотчиларидан бири Н.П.Дыренкова томонидан эълон қилинган шамон маросимлари матнида илоҳий оналарга сиғиниш мотиви сув онаси Сулайхан, ўттиз бошли олов она, халқ онаси -Енкей-хан (телеутларда Енкей-хан ернинг киндиги ёки ернинг ёриғида истиқомат қиладиган илоҳий мифологик аёл), Кан ада- Хон ота, Ерлик ота, уч тишли Бурул ота²¹ кабиларга сиғиниш телеут шамонлари репертуарида ҳам учрайди. Шамон йўқловларида муқаддас она ва оталар образининг учраши шамонлик эътиқодини сақлаб қолган барча туркий халқлар учун муштарак ҳодисадир. Ўзбек мифологиясида ёвуз куч ва эзгу кучлар сифатида талқин қилинувчи персонажларнинг шамон йўқловларида ўринлашуви қадимги оламнинг яратилиши билан боғлиқ дуалистик тасаввурлар маҳсули сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Шамон йўқловларида зикр этиладиган асосий образлар таркибида қирқ бир чилтон, қирқ қиз, етти ёки етмиш икки париларнинг тилга олиниши бу жанрдаги асарларнинг ўзига хос магик моҳиятини белгилаб беради. Асосийси, тилга олинadиган персонажларнинг поэтик хоссаларида уларнинг ғайб олами вакили

¹⁹ Булатов А. О. Релекты Шаманства у народов Дагестана // СЭ, 1991. С.124.

²⁰ Рапопорт Ю.А. Релегия Древнего Хорезма // Этнографические обозрение. 1996, № 6; Кнозоров Ю.В. Шаманский зикр в подмелле Мазлумхан-сулу // Этнографические обозрение. 1994, №6; Басилов В.Н. Символика суфизма и народные верования (дополнение к статье И.И.Меликовой) // Этнографические обозрение. 1994, №6; Гусейнов М.М. Поклонение «высохшейголове» в Аварии // Этнографические обозрение. 1995, №3.

²¹ Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у тулеутов // Сборник музея антропологии и этнографии. Т.Х. Москва, 1949. С. 136-138.



эканлигини эслатиб турувчи бадий ташбеҳлар (*бир унгири олдида, бир унгири орқасида МОРТУ она ёки қизил кўйлак кийиб келган қонхўр она, қирқ бир чироқ берганлар, она бўлиб келганлар, чодир-чиммат тутганлар* каби), шунингдек, ҳаммага маълум бўлган марҳумларнинг номларини келтириш кўзга ташланади.

Халқ карашларига кўра, МОРТУ бир кўкраги олдида, бир кўкраги орқасига жойлашган, одам зотига фақат ёмонлик келтирувчи демонологик образ. Кушноч МОРТУнинг ўзбек мифологиясидаги ташқи белгиларини қайд этиш билан бирга уни ўзининг ҳомийси сифатида талқин қилади. Шунингдек, кушночга ғойибдан чироқ берувчи *чилтонлар* ёки *она бўлиб* ғайб олаmidан *келганлар* тингловчи кўз ўнгида илоҳий тасаввурларни ҳосил қилиш учун муҳим поэтик вазифани адо этади. Матндаги *қонхўр она* эса ёвуз руҳларга ишорадир. Руҳларнинг йўқлов матнида *чодир-чиммат тутганлар* сифатида тасвирланиши ҳам фақат шамон тасаввурларига хос тасвир усулидир. Шамонликларнинг тасаввурларига караганда, шамонга чодир тутишни, чодир ичида чиллада ўтиришни фақат ҳомий руҳларигина буюради. Ўзбек шамонлари

амалиётида учровчи чодир тутиб чиллада ўтириш анъанаси тувалик шамонлар амалиётида ҳам учраши М.Б.Кенин-Лопсан томонидан қайд этилган эди.

Хуллас, шамон йўқловларининг ўзига хосликлари кўйидагиларда кўринади:

1. Авлиёлар ва марҳум қариндошларининг номларини зикр этилиши ва уларнинг ёдга олиниши мотивининг етакчилик қилишида;

2. Шамон маросимларининг бошланғич қисмида ижро этилишида;

3. Матнда руҳлар ва арвоҳларга сиғиниш мотивининг устуворлигида;

4. Йўқлов матнида ғайб олами вакиллари: парилар, қирқ бир чилтон, қирқ қиз, морту, ажина каби мифологик персонажлардан мадад кутиш, уларни шамоннинг мифологик ҳомийси сифатидаги талқин этилишининг етакчилик қилиши;

5. Асосийси шамон йўқловлари шамонлар томонидан шамон маросимлари (момооши, сурпа ёйди, кўчирик, қайтарма каби)ни ўтказиш жараёнида ижро этилади.

Адабиётлар:

1. Булатов А.О. Релекты шаманства у народов Дагестана... С. 218.
2. Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у тулеутов // Сборник музея антропологии и этнографии. Т.Х. - Москва, 1949. С. 136-138.
3. Новик Е.С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. - Москва, 1984. С. 237; Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у тулеутов // Сборник музея антропологии.
4. Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси) Номзодлик дисс. Авт. Реф. - Тошкент, 1999.
5. Қаюмов О. Сармишсой пиктографларини ўқишга доир // «Давлат тили ва умуминсоний кадриятлар» мавзуидаги республика илмий анжумани материаллари. - Навоий. 2004. 16-18-бетлар.
6. Қаюмов О. Қояга битилган мактуб // Фольклоршунослик. Илмий мақолалар тўплами. 1- китоб. - Навоий, 2004.
7. Қаюмов О. Пари билан боғлиқ халқ карашлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, № 1, 45-47-бетлар.
8. Уткин К. Д. Якутский шаманизм в его древней первооснове// Истоки якутского шаманизма. - Якутск, 1994. С. 11. (Материал Интернет тизимининг [www. Ruthenia.ru/folklor](http://www.Ruthenia.ru/folklor) сайтидан олинди).
9. Окладников А.П. Прошлое Якутии до соединения к Русскому государству. - Якутск, 1949. С. 32



10. Рапопорт Ю.А. Релегия Древнего Хорезма // Этнографические обозрение. 1996, № 6; Кнозоров Ю.В. Шаманский зикр в подмелъе Мазлумхан-сулу // Этнографические обозрение. 1994, №6; Басилов В.Н. Символика суфизма и народные верования (дополнение к статье И.И.Меликовой) // Этнографические обозрение. 1994, №6; Гусейнов ММ. Поклонение «высохшейголове» в Аварии // Этнографические обозрение. 1995, №3.

11. М.Б.Кенин-Лопсан. Шаманские ритуалы. - М., Наука, 1987.(Материал Интернет тизимининг Кенинг-Лопсан сайтидан олинди).

Каюмов О. Шамонские завоевания - фольклорный жанр. В этой статье рассматривается вера шаманизма связанная с ритуалами шаманского фольклорного жанра, которая раскрывает натуру, поэтику и его характерность.

Kayumov O. The Shamon conquests are the folklore genre. This article deals with events disclosing nature, poetics and typical peculiarities of folk songs related to the genre of sonshamanism belief.



ГАП КОММУНИКАТИВ СТРУКТУРАСИНИ АНИҚЛАШ СТРУКТУРАСИ МЕЗОНЛАРИ

*Гафарова Зумрад Зохираевна,
ТИҚХММИ Бухоро филиали ўқитувчиси*

Калит сўзлар: эротематик, стилистик, коммуникатив-индивидуал, монорема.

Маълумки, контекст гапнинг коммуникатив структураси учун жуда муҳим роль уйнайди, унинг таъсирини ўрганиш махсус текширишни талаб қилади. Гап коммуникатив структурасини аниқлашнинг синтактик мезони қуйидаги актуализаторларни ўз ичига олади: сўз тартиби, артикль, шунингдек, айрим синтактик конструкциялар. Бу ерда тема-рематик ифодалар материаллари асосида синтактик актуализаторларнинг гапнинг коммуникатив перспективасига нисбатан роли кўрсатиб берилган. Интонация ва биринчи навбатда акцентуализацияга фикр актуал структурасининг ташқи ифодаланиши воситаси сифатида келиши устида Т.М.Николаева концепциясига асосланамиз.

Стилистик мезон хақида П.Адамец яхши фикр-мулоҳазалар билдирган. П.Адамецнинг фикрича, стилистик актуализаторлар - бу кучайтирилган ажратилган юкламалар, алмаштириладиган сўзлар, умумий ва алоҳида инкор сўзлардир. Бу хилдаги стилистик усуллар муҳим идентификациялашган ролини тил материалининг кейинги таҳлилларида кўрсатиб ўтиш мумкин. Тема ва ремани аниқлашнинг стилистик омили айниқса экспрессив ифодалар учун долзарб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, яна бир муҳим мезонни айтиб ўтиш лозим, бу мезон коммуникатив синтаксисга оид адабиётларда етарлича ташкил қилинмаган. Бу - семантик мезондир. Унинг зарурлигини таъкидлаб ўтиш керак, чунки гапнинг коммуникатив таркиби кўп ҳолларда унинг ташқилий қисмлари семантикаси билан аниқланади. Масалан, феълнинг семантикасига қараб унинг гапдаги коммуникатив ролини аниқлаш мумкин. В.А.Матвеевко айнан феълдан

ясалган сўзлар мажмуи рематик ва рематик бўлмаган феълларни ажратиб кўрсатиш мумкинлигини айтиб ўтади. Г.А.Золотова ҳам феълларнинг коммуникатив маъноларини аниқлашда уларнинг семантикасига таянади.

Гапнинг коммуникатив перспективаси амалий таҳлилида ифодага қўйилиши мумкин бўлган савол (Ф. Данец фикрича диагностик рема-савол-h-question) қўлланиши мумкин. Саволларнинг турларига мос равишда П. Адамец ифоданинг турларини улар мавжуд бўлган долзарб хабарларнинг характерига қараб фарқлашни таклиф этади. Бунда у умуминформатив, умумверификатив ва қисман верификатив гапларни ажратиб кўрсатади. Юқорида тасвирланган метод (баъзан уни эротематик метод деб ҳам аташади) оммага маълум бўлганлигига қарамадан унинг мунозарали томонлари ҳам намоён бўлади. В. Дреселер эротематик методнинг ишончли эмаслигини кўрсатиб ўтади, у тест ўтказишни таклиф қилади. Таклиф қилинаётган тестнинг мазмуни шундан иборатки, тестнинг жавобида албатта саволда талаб қилинаётган ахборотни ифодаладиган қисм бўлиши лозим. Бу редуцияга учрамаган қисм ремани ҳосил қилади. В. Дреселернинг мисолини таққослайлик: *Wen hat Hans gesehen? Maria (hat Hans gesehen).* Maria бу ерда рема, чунки бу сўзни жавобда тушириб қолдириш мумкин эмас.

Н.Д.Арутюнова рус тилида ҳаётий (қундалик қўлланадиган) гапларни таҳлил қилиб, таъкидлайдики, жавобда урғу дарак гапдагидек маиший феълни предмет номи билан бирлаштирмайди, урғу фақат феълга тушади, от эса урғусиз бўлади. Н.Д.Арутюнованинг бу қайдасини қуйидаги мисол тасдиқлаши мумкин:



Земляника здесь есть?- Да, земляника здесь есть. Мыши в доме есть?- Нет, мышей в доме нет; Собака у тебя есть?- Нет, собака у меня нет, бу ерда Н.Д.Арутюнованинг фикрича урғу факат "нет" сўзига тушади, отлар (земляника, мышей, собака) урғусиз қоладилар. Н.Д.Арутюнованинг таъкидлашича, отлар жавобда дарак гаплардагига караганда камроқ интенсив бўладилар.

Эротематик методни қабул қилган баъзи муаллифлар ушбу метод гапни тема ва рема бўлинишининг бошқа омиллари билан тўлдирилиши лозимлигини айтишади.

Масалан, чех лингвистлари гуруҳи ўзларининг "Тропик, фокус ва ҳосил килувчи семантика" номли монографиясида таъкидлайдики, савол-жавоб тести контекст ёндашув (contextual boundness) билан бирга қўлланиши лозим. Муаллифлар тема ва ремани контекстуал боғланган (contextual bound) ва контекстуал боғланмаган- (contextually non-bound) элементлари билан боғликлигини аниқлайдилар. М.И.Откупщикова тема ва ремани контекстуал боғланишнинг турли йўналишларидан келиб чиқиб аниқлайди. Унинг сўзларига кўра, тема "гапнинг шундай элементки, унинг асосий вазифаси олдинги контекст (ёки конситуация) билан алоқани амалга ошириш ҳисобланади, рема эса – шундай элементки, унда кейинги контекст билан боғланиш потенцияси мавжуд бўлади". Бу ерда теманинг олдинги контекстда берилмаслик ҳолатлари, шунингдек, вазиятнинг нутқ актига мос келиши "программалаштирилмаслиги" ҳолатлари ҳисобга олинмаган. Ҳар қандай нутқ акти-индивидумнинг ижод маҳсули экан, тема турли ассоциациялар асосида нутқий англаш акти жараёни ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин.

Гапнинг коммуникатив элементларга бўлинишида қўлланидиган мезон- бу "пресуппозитив мезон" ҳисобланади, ушбу мезон Г.Филлмор ва Н.Д.Арутюновалар томонидан таклиф қилинган. Бу мезон асосан темани ажратиб

кўрсатиш учун қўлланади, чунки пресуппозиция тушунчаси функционал тема тушунчаси билан қиёсланади.

О.А.Крылованинг позицияси ўзига хос ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, ремани юқорида кўрсатилган мезонга эътибор қаратмасдан ажратиш мумкин. Бу айни гапда тасдиқланиш ёки инкор қилиниши - мумкин. Ушбу тасдиқланадиган ёки инкор қилинадиган қисм рема бўлиб келади. О.А.Крылова шу муносабат билан қуйидагича ёзади: "Ҳақиқатан ҳам "берилган (бор бўлган маълумот)" ва "янгилик" гапни ифоданинг асоси ва ядроси бўлишига ёрдам бермайди, балки нимага "қўшимча қилиниши"ни аниқлаб келади". Шундай қилиб, О.А.Крылова гапнинг актуал бўлакларга бўлинишини предикативлик асосида содир бўлишини таъкидлайди.

О.А.Крылованинг фикрича, "бу предикативлик конструктив-синтактик сатҳдаги предикативликдан фарқ қилади". Коммуникатив предикативлик-бу нутқда актуал бўлинишнинг икки компоненти, яъни тема ва реманинг бирикишидир.

В.Г.Адмони ҳам предикатив алоқанинг ўзига хос тури ҳақида сўз юритади. Коммуникатив предикативлик (у буни коммуникатив-индивидуал предикативлик деб атайти) ҳақида В.Г.Адмони шундай дейди: "Коммуникатив-индивидуал предикативлик грамматик предикатив алоқага ўхшайди, шу билан бирга маълум жиҳатлари билан фарқ қилади, грамматик предикатив алоқа грамматик жиҳатдан умумлаштирилади, вазият ҳамда контекст шароитлари мослашади, индивидуал-предикатив алоқа эса бутунлай бу шароитларда яшайди".

Илмий адабиётларда предикатив алоқа моҳияти ҳақида бошқа фикр-мулоҳазалар ҳам учрайди. И.П.Распопов факат актуал бўлиниш компонентлари ўртасидаги муносабатни предикатив алоқа сифатида тан олади. Айнан шу нарса гапни коммуникатив бирлик сифатида шакллантиради, - деб ҳисоблайди. Бундай позиция кўпчилик тадқиқотчилар томонидан ҳақли равишда танқидга



учради. П.В.Чесноков сўзлар бирикмасини гапга айлантириш учун фақат актуал бўлиниш воситаларининг ўзи камлик қилишини таъкидлайди.

Шундай қилиб, тема ва реманинг гапда бирикиши-бу оддий бўлмаган ва ўзига хос жараён. Ифоданинг шаклланишида турли омиллар фикрлаш категорияси, психологик механизмлар ва "хаётий мантикий", контекст ва коммуникатив вазият, мақсад, тилнинг грамматик ва лексик имкониятлари, нуткий одат иштирок этади. Гап коммуникатив таркибининг тахлили умуман бу кўпинча турлича йўналтирилган кучлар мажмуини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим, ҳар бир конкрет ҳолатда гап зарур натижага эришиш учун керак бўлган мезонни танлаш ҳақида бўлиши лозим. Такрор айтиш лозимки, энг ишончлиси контекст мезони ҳисобланади. Айнан у кўп ҳолларда аниқ гапнинг коммуникатив таркиби ҳақидаги масаланинг ҳал этилишини таъминлайди. Айтиш жоизки, контекст мезон абсолют релевант ҳисобланмайди ва айнан "кўп ҳолларда" "қўлланади", ҳар доим эмас.

Тема ва ремага (оддий ёки комплекс) бинар бўлинишни асос қилган ҳолда шуни эсда сақлаш керакки, нутқда кўпинча "моноремалар" деб аталадиган коммуникатив бўлинмайдиган ифодалар

мавжуд. Бундай гапларнинг мавжудлиги ҳақида биринчи марта Л.В. Шчерба ўзининг "Фонетика французского языка" асарида айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича, ҳамма бир бўлакли гаплар ("фразалар") воқеликни маълум даражада оддий қайд қилишни ифодалайди, баъзан эса мураккаб бўлиши ҳам мумкин. Л.В. Шчербанинг бир бўлакли гаплар ҳақидаги таълимотини немис тили бўйича Л.З.Зиндер ва Т.В.Строевалар ривожлантирадилар, "Современный немецкий язык" китобида бир бўлакли гапларнинг қисқача тахлили берилади, бир бўлакли ва икки бўлакли гаплар ўртасидаги фарқлар аниқланади. Муаллифлар бир бўлакли гапларга ҳукм (мулохаза)га эга бўлмаган гаплар (шунингдек, бир таркибли гаплар)ни киритадилар. Бундай гапларнинг логик-мазмуний характеристикаси билан бир қаторда Л.Р.Зиндер ва Т.В.Строевалар уларнинг интонацион структураси-паузанинг йўқлиги, иккинчи сўздаги кучли урғу, шунингдек, тесқари сўз тартиби (рус тилида)ни ҳам кўрсатиб ўтадилар. Муаллифлар es нинг ролига алоҳида эътибор қаратадилар, es бундай гапларнинг бошида қўлланиб, бир бўлаклиликни формал ифодалаш функциясини бажариб келади. Шунинг учун ҳам бир бўлакли гапларнинг бундай турлари ҳикоя, эртақлар бошида учрайди.

Адабиётлар:

1. Адамец П. Порядок слов в современном русском языке. - Прага, 1966.
2. Адмони В.Г. Двучленные фразы в трактовке Л.В.Щербы и проблема предикативности.-Филологические науки, 1960,№1, с.35.
3. Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике. – Изв.АН.СССР серия лет.и яз.1973,т.32, №1, с.84-89.
4. Золотова Г.А. Роль ремы в организации и типологии текста. - В кн.: Синтаксис текста, М., 1979, с. 113.
5. Крылова О.А. Понятие многоярусности актуального членения и некоторые синтаксические категории. - Филологические науки, 1970, №5. с.87.
6. Матвеев В. А. Рема предложения-проводное от его семантики. - В кн.:Проблемы синтаксической, семантики. Материалы научной конференция. 1976, с.152-154.
7. Откупщикова М.И. Синтаксис связи текст. - Л.,1982, с.83.
8. Dressier W.Funktionelle Satzperspektive und Satztheorie- In: Papers in functional sentence perspective. Prague, 1974, p.98.



Гафарова З. Критерии определения коммуникативной структуры предложения.

Данная статья посвящена изучению коммуникативной структуры предложения. В ней рассматриваются типы критерий определения коммуникативной структуры предложения, как синтаксический, стилистический, также вопросы актуального членения предложения, тема-рематические отношения.

*Gafarova Z. **The Criteria of Communicative defining of Sentence Structure.** This article is focused on the study of communicative Structure of Sentence. It discusses the types of defining criterion of communicative Sentence Structure as the syntactic and stylistic issues. In addition, it considers actual articulation issues of the sentence and attitudes of theme and rheme.*



ИНГЛИЗ ТИЛИДА РЕЗУЛЬТАТИВ КАУЗАЛ ҚУРИЛМАЛАР

Давлатова Муҳайё Ҳасановна,
ТИҚХММИ Бухоро филиали ўқитувчиси

Калит сўзлар: *результативлик, каузативлик, объект, пациенс, семантика, тузулма.*

Феъллар тизимининг тадқиқи феълларнинг лексик-семантик ва грамматик жиҳатларини ёритиш ҳамда феълнинг синтагматик хусусиятларини ўрганиш билан уйғунликда олиб борилади. Тилшуносликда тилнинг функционал томони, унинг тузилиши ва ривожига таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан тан олинган, зеро тил нутқда яшайди ва ривожланади. Демак, тилнинг ривожланиши унинг функционал томони билан ҳам боғлиқ. Тил функционал намаён бўлишида муҳим ўрин тутган феъл бошқа сўз туркумларига нисбатан полисемиялиги, шакл ясашдаги турлилиги, семантик бойлиги, бирикмалар ҳосил қилиши ва улардаги маъноларни фарқлаши ҳамда маъно ўзгартира олиш хусусиятлари билан фарқ қилади.

Феъл маъноси тилда мавжуд бўлган барча воситалар билан синтактик-семантик муносабатда бўлади. Феълни атрофида турган барча сўзлар ва синтактик воситалар феъл лексемасининг реалликдаги маъноларини очиб беради. Алоҳида сўз табиий тилда бошқалардан айри ҳолда учрамайди. Албатта, ҳар бир лексик бирликнинг синтактик сатҳда грамматик категориал маънолари ўзгаради. Мазкур хусусият инглиз тилидаги каузатив феъллар туркумига хос жиҳат саналади. Каузатив феъллар маълум пациенс билан бириккан ҳолда результатив курилмаларни ташкил қилади.

Инглиз тили результатив курилмалари синтактик-семантик сатҳ доирасида кўплаб тилшунослар (Rosen, 1984; Rapraort Navov and B. Levin, 2005; Croft, 2009) эътиборида бўлиб келган. Улар диққатини VP NP синтактик бирикмаларини семантик хусусиятларига қаратишган. Синтактик-семантик сатҳни ўрганишнинг муҳим асоси сифатида “гап синтаксисиди предикатор маъноси

белгиловчи восита сифатида баҳоланиши” (Levin & Rapraort, 1996) саналади. Мазкур фикрга кўра, гапда иштирок этадиган от ёки отли ибора маъносининг тўлиқ амал қилиши феълнинг лексик маъносига боғлиқ бўлади. Бу борада Ч. Филмор ўтимли феълларга тегишли бўлган *hit, break* турли синтактик позицияда ҳар хил каузатив ўзгаришга учраши мумкинлигини таъкидлайди.

I hit his leg. ↔ *I hit him on the leg*

I broke his leg. ← *I broke him on the leg* □.

John broke the window. ↔ *The window broke.*

John hit the window. ← *The window hit* □.

Филморнинг таъкидлашича, бу каби синтактик алоқалардаги фарқланиш маълум индивидуал феълларга хос хусусият бўлиб қолмасдан, улар алоҳида гуруҳларни ташкил этади. Жумладан, *bend, shatter, fulfill* феъллари *break* феъли каби хусусиятга эга бўлса, *scribble, wipe, scrub* кабиларда *hit* феълидек синтактик ифода мавжудлиги айтилади ().

Гап таркибидаги отли аргументнинг семантик ифодасини амалга оширишида ва семантик-синтактик таркибни ҳосил қилишида феълнинг луғавий маъноси муҳим эканлиги кўзга ташланади. Бу эса каузатив маънога эга бўлган феълларнинг синтактик муносабатга кириша олиш имкониятига қараб таснифни амалга ошириш муҳимлигидан далолат беради. Аммо, мазкур таснифни амалга ошириш учун ушбу масалани маълум тиллар қиёсида кўриб чиқиш унинг моҳиятини тўлароқ ёритишга имкон беради. Хусусан, қиёсий таҳлил тасниф қилинаётган феълларнинг синтактик муносабатлари ёки феълнинг лексик-семантик маънодан қайси бири муҳим ўрин тутишига аниқлик киритади. Бу каби таҳлил ташқи сатҳ



(interface theory) назарияси доирасида амалга оширилади. Ташқи сатҳ назариясида феълнинг лексик маънолари, синтактик муносабатларига кўра, уч гуруҳга ажратиш мумкин: маъно нуқтаи назаридан ёндашув, аспектual маъно нуқтаи назаридан ёндашув ва ушбу иккала жиҳатларини ўзаро боғлаган тарздаги ёндашув. Маъно нуқтаи назаридаги ёндашувда феълнинг лексик маъноси отли аргумент иштирокини белгилашига эътибор қаратилади. Аспектual маъно ёндашувида феълнинг аспектual хусусияти отли бирикма таркибида аргумент ифодаланишини бошқаради. Иккала жиҳатни ҳам эътиборга оладиган ёндашувда феълнинг лексик маъноси ва аспектual хусусият отли аргумент маъносини белгиловчи омиллар сифатида талқин этилади. Бунда феъл ифодалаган маъно натижавий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, инглиз тилидаги мураккаб синтактик позицияга эга бўлган каузатив феълларини ўзбек тилидаги эквивалентлари билан чоғиштириш орқали уларнинг синтактик муносабатларига ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Кўплаб тилларда каузативлик махсус морфологик ва лексик бирликликларда намоён бўлади. Аммо, инглиз тилида каузатив маъно, қатор лексик бирликлардан ташқари, маълум тузилмалар ёрдамида ифодаланишини кузатиш мумкин.

Инглиз тилида каузал резултатив конструкцияларда ядро предикат (NP) томонидан ифодаланган ҳаракат объектга таъсир ўтказиш натижасида иккиламчи предикатдаги ўзгариш натижасини ифодалайди. Масалан:

Jack hammered the metal flat ↔ The metal became flat

The extra cargo made the ship sink ↔ The ship sank

His actions saddened his mother. → His mother was (made) sad.

Инглиз тилидаги резултатив тузилмалар ўзига хос синтактик ва семантик ифодага эга. Синтактик нуқтаи назардан резултатив қурилма объектга нисбатан

иккиламчи предикат вазифасида келади. Семантик жиҳатдан субъектнинг ҳаракати объектнинг ўзгариши, маълум натижага эришилиш маъноси юзага келтиради. Биринчи мисолда металнинг болғаланиши уни текис ҳолатга келиши натижасини кўрсатади. Кейинги мисолдаги кўшимча юк кеманинг чўкишига сабаб бўлган натижа сифатида баҳоланади.

Baldy emptied his glass to the ratification of his Warwick pose.(O'Henry, 86);

Tildy had thrown herself flat upon a table (O'Henry, 85).

Келтирилган биринчи гапда пациенсга таъсир натижасида резултатив (стаканнинг бўш ҳолатга келиши) ифодаси хосил бўлса, иккинчи мисолдаги резултатив ифода субъектнинг ҳолат ўзгариши билан боғлиқ. Иккала мисолда ҳам резултатив маъно каузация махсули саналади. Мазкур ҳолларда каузативлик ҳаракати субъект томонидан амалга оширилади ва феълнинг асосий маъноси сифатида объект ҳолатининг ўзгаришига таъсир этади.

Тилшунослар томонидан инглиз тили резултатив тузилмаларининг асосий хусусияти натижага эришилганлик, тугалланган маъносига эга бўлиши ҳамда асосий ва иккиламчи предикатлар мазкур маънони тўлалигича акс эттириши зарурлиги таъкидланади (Goldberg and Jackendoff, 2004).

Каузативли тузилмаларга хос мазмун- объектга таъсир ўтказишдир. Аммо, семантик жиҳатдан улар турлича маъно ифодалаши мумкин. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Terry wiped the crumbs off the table (contact verb)- Terry removed the crumbs from the table by wiping the table.

Kelly broke the dishes off the table (change of state). – Kelly removed the dishes from the table by breaking.

I jabbed each elbow in a fireman's face, kicked the bark off of one citizen's shin, and tripped the other one with a side hold.(O'Henry, 110) (change of state with the help of contact verb).- I removed the bark by kicking.



Келтирилган биринчи мисолда каузация феълнинг контактга киришиш маъноси билан боғлиқ бўлса, иккинчи мисолда объектнинг ҳолати ўзгаришига таъсир этиш маъноси юзага келган. Учинчи мисолда эса контактга кириши ва объект ҳолатининг ўзгариши маъноларининг иккаласи биргаликда ифодаланган. Аммо, биринчи мисолда резултативлик объектнинг макондан кўчиши натижасида юзага келган. Кейинги мисолларда резултативлик объект шаклининг ўзгариши билан боғлиқ.

Каузативли конструкциялар *каузатор + пациенс + резултативлик* таркибни ташкил этади. Мазкур таркибдаги резултативлик ҳаракатнинг охириги нуқтага етиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, инглиз тилидаги резултатив тузилмалар таҳлили икки сатҳ доирасида амалга оширилади ва булар аспектвал ҳамда лексик сатҳлардир. Аспектвал сатҳ предикатларнинг аспектвал маъносини белгилаш учун хизмат қилса, лексик хусусият предикат иштирокчиларининг лексик маъноси

ифодасини аниқлашга қаратилади. Аммо, иккала сатҳ бир-биридан мустақил тарзда амал қилмайди, балки улар пациенс маъносини ёритишда бир-бирига узвий боғланган ҳолда фаоллашади. Аспектвал сатҳ вақт ва макон доирасида ифодаланадиган ҳаракат ҳамда ҳолат кечимига аниқлик киритади. Хусусан, резултатив тузилмаларда аспектвал маъно каузатив таъсир натижасида юзага келган тугалланганликни англатади. Мазкур тугалланган ифода иккиламчи предикат вазифасидаги атрибутнинг каузация таъсирида юзага келганлиги билан изоҳланади. Бу жараёнда иккиламчи предикат вазифасида келган элементнинг лексик маъноси сақланади ва ушбу маъно каузациянинг натижаси сифатида қаралади.

Предикат таъсири натижасида пациенс шакли ёки ҳолати ўзгаради ва қуйидаги шаклларни олади:

а) Пациенснинг макондаги жойлашуви ўзгаради;

б) ташқи таъсир натижасида пациенс ҳолати янги кўринишга келади.

Адабиётлар:

1. Goldberg A and Jackendoff R. The English resultatives as a family of constructions // Language 80. 2004. –P 532-568.
2. Croft W. Aspectual and casual structure in event representations // Routes to language development. New Jersey, 2009. –P 66-139.
3. Rappaport Havov, M. and Levin B. Change-of-state verbs: implications for theories of argument projection // The syntax of aspect. Oxford University Press. 2005. –P 247-286.
4. Rosen C. The Interface between Semantic Roles and Initial Grammatical Relations // Studies in relational grammar 2., University of Chicago Press, USA. 1984. –P 38-77.

Давлатова М. Каузативно-результативные конструкции английского языка. В данной статье анализируется каузативно-результативные конструкции английского языка. В ходе анализа обосновывается что значение результатава происходит на основе каузативного значения глагола.

Davlatova M. Causal-resultative constructions of the English language. The article deals with the problem causal –resultative constructions in the English language. It is justified that the resultative meaning is based on the causative feature of the verb plays.



GEHEN ФЕЪЛИНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАСИ (немис ва ўзбек тиллари материаллари асосида)

Мўминова Азиза Одиловна,
СамДЧТИ 1- босқич (PhD) докторанти

Таянч сўзлар: аспект, акционал, аспект семантикаси; чегараланган, чегараланмаган ва лимитатив нейтрал феъллар; чегарага етганлик/етмаганлик, семантика.

Феълнинг аспект, акционал семантикаси деганда, бир томондан феълнинг чегараланганлиги/чегараланмаганлиги, иккинчи томондан, феъл ифодалаган ҳаракатнинг ушбу чегарага етганлиги ёки етмаганлиги, яъни ҳаракатнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлигини тушунамиз. Ушбу маъноларни фарқлаш учун биз, феълнинг чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини акционал семантика, чегарага етганлик/етмаганликни эса, аспект семантикаси деб атаймиз. Акционал ва аспект маъноларни юриш-ҳаракат феъллари доирасида олганимизда, акционал маъно деганда субъектнинг муайян объект ёки мўлжалга интилиши тушунилса, аспект маъно деганда субъектнинг ушбу нуқта ёки мўлжалга етганлиги/етмаганлиги тушунилади.

А.В.Бондарко, Ю.С.Маслов ва бир қатор олимлар феълнинг чегараланганлиги тўғрисида шундай фикр билдиради: “Чегараланганлик - феъл семантикасига тегишли бўлиб, берилган ҳаракатнинг ўз табиатида кўзланган ички чегарасига йўналма ҳисобланади. Чегараланмаганлик - эса ўша ички чегаранинг йўқлигидир (Ю.С.Маслов, 1984:111). Демак, чегараланганлик феълнинг лексик-семантик хусусияти бўлиб, унда феъл ички тугал чегарасининг мавжудлиги билан чегараланмаган феъллардан фарқ қилади. Феълларни акционал жиҳатдан уч гуруҳга, яъни чегараланган, чегараланмаган ва икки акционал хусусиятли (лимитатив нейтрал) гуруҳига бўлиш мумкин. Юриш-ҳаракат феълларини уч гуруҳга ажратиш таъминини аспектология соҳасида илмий изланишлар олиб борган Б.Х.Ризаев [1999: 57-58], Э.С.Раҳманқулова [2004: 3-14], Ғ.Қ.Мирсановларнинг [2009: 46] ишларида

кўришимиз мумкин. Мақоламиз объекти бўлган *gehen* феъли айрим олимлар томонидан чегараланган, бошқа тадқиқотчилар ишида нейтрал феъл сифатида эътироф этилади. Жумладан, Б.М.Балин ва унинг издошлари *gehen* феълни тилнинг семасиологик жиҳатидан келиб чиқиб, чегараланмаган феъл сифатида эътироф этадилар, бунда *gehen* феълнинг контекстдаги эмас, балки инфинитив шаклида ифодаланаётган маъноси назарда тутилади. С.Г.Андерссон ушбу феълни лексикатик нейтрал феъл деб эътироф этади, бунда у *gehen* феъли иштирок этадиган минимал фразаларни ҳисобга олади. Б.Х.Ризаев *gehen* феъли семантикасида ҳам чегараланганлик, ҳам чегараланмаганлик имконияти мавжудлиги сабабли уни лимитатив нейтрал феъллар қаторига киритади (Б.Х.Ризаев, 1999:57). Биз ҳам ўз таҳлилимизда *gehen* феълни лимитатив нейтрал феъл сифатида эътироф этамиз.

Gehen феълнинг акционал маъноларини аниқлаш учун немис тилининг изоҳли луғати (Langenscheidt, 2009:336) да ушбу феълнинг берилган асосий маъноларини таҳлил қиламиз:

gehen – 1. sich aufrecht auf den Füßen mit relativ langsamen Schritten bewegen (barfuss, gebückt, langsam, schnell gehen) – “Willst du im Auto mitfahren?” – “Nein, ich gehe lieber”.

Ушбу изоҳда *gehen* феъли субъектнинг оёқлар воситасида секин қадам билан мақсадсиз ҳаракатланиши маъносини ифодалаган.

2. irgendwohin gehen; gehen + Inf sich irgendwohin bewegen, um etw zu tun (*ins/zu Bett gehen; nach Hause gehen*); *Ich muss bald zum Arzt gehen. “Gehst du mit mir ins Kino?”*



Келтирилган изоҳда субъектнинг бирор мақсад билан муайян объект томон ҳаракатланиши маъноси берилган.

3. nicht bleiben, sondern einen Ort verlassen (weggehen) – “*Willst du schon wieder gehen? Du bist doch gerade erst gekommen.*”

Ушбу маънода субъектнинг бирор жойни тарк этиши (йўлга тушиши) ифодаланган.

4. irgendwohin gehen regelmäßig in einer Schule ~ etwas besuchen: *in den Kindergarten, zur/in die Schule, aufs/ ins Gymnasium, auf die Universität gehen.* Ушбу ҳолатда субъектнинг бирор манзилга доимий қатнаши (бориб-келиши), ҳаракатнинг такрорийлиги маъноси ифодаланган.

Акционал жиҳатдан *gehen* феъли (1) изоҳда ҳаракат усулини, субъектнинг мақсадсиз ҳаракатини ифодалаб, чегараланмаганлик хусусиятини билдирмоқда, (2) мақсадли, йўналишли, (3) объектдан узоқлашиш, (4) маълум нуктага яқинлашиш маъноларини ифодалаганлиги сабабли чегараланганлик хусусиятини кўрсатмоқда. Шунинг учун ушбу феъл икки акционал хусусиятли (лимитатив нейтрал) феъл сифатида эътироф этилади.

Ўзбекча-немисча луғатда *gehen* феъли ифодалаган маънолар ўзбек тилига *бормоқ, кетмоқ, юрмоқ, қатнамоқ, ҳаракат қилмоқ* каби феъллар ва феъл бирикмалари орқали берилган (З.Бутаев ва б., 2007: 62).

Қуйида ушбу феълларнинг маъноларини ўзбек тили изоҳли луғатидан кўриб чиқамиз.

Бормоқ 1. Сўзловчи ёки кузатувчининг турган жойидан, ёнидан узоқлашмоқ, нари кетмоқ, манзил томон ҳаракат қилмоқ; *Ҳозир вокзалга бораман – Нима бўлди сизга? – Қаёққа борасиз? – Маргилонга.* (А.Қодирий. *Ўтган кунлар*).

Бу ерда субъектнинг бир нуктадан иккинчи нукта томон ҳаракатланиши ифодаланган.

2. Бирор манзилга етмоқ; *Шу ердан Шайхонтохургача қанчада борасиз? – Кўз очиб юмгунча.* (Ойбек. *Қутлуг қон*).

Келтирилган изоҳда субъектнинг маълум бир нуктага етиб бориши ифодаланган.

3. Транспорт воситасида нари томон юрмоқ; *Поезд ... бепоеён саҳродан борар эди, эртасига эрталаб бирор соатга яқин тўхтаб қолди.* (А.Қаҳҳор). Ушбу мисолда субъектнинг муайян маконда мақсадсиз ҳаракатланиш маъноси ифодаланган.

4. Бирор жой, объект ёки шахс томон йўналмоқ, ўша жойда ёки шахс ҳузурда бўлмоқ; ташриф буюрмоқ. *Тўйга борсанг тўйиб бор. Мақол. Тагин бир марта Талъатнинг олдида боришига тўзри келади.* (Ў.Ҳошимов). Келтирилган мисолда субъектнинг маълум мўлжал ёки объект томон ҳаракатланиш маъноси берилган.

5. Бир йўналишда нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ; *Намангангача машинада борсангиз у ёғи яқин деди.* (А.Қаҳҳор. *Кўшчинор*). Ушбу изоҳда субъектнинг ўз турган нуктасидан узоқлашиш ҳамда муайян мўлжалга етиб бориш маъноси берилмоқда.

6. Доимо бир йўналишда юрмоқ, қатнамоқ. *Ишга бормоқ. Фиғим рўмол тўқийман, Мактаб бориб ўқийман* (Кўшиқдан). /ЎТИЛ, 2006; 1 ж. 316-317/.

Берилган изоҳдаги *бормоқ* феъли семантикасида субъектнинг (доимий), такрорий, чегараланган ҳаракати ифодаланган.

Кўриниб турибдики, келтирилган изоҳларда *бормоқ* феълнинг (1) маъносида субъект юриш-ҳаракатининг бир нуктадан иккинчисига яқинлашиш, (2) маълум нуктага интилиш, (3) мўлжалсиз юриш-ҳаракат, (4) маълум нукта томон ҳаракатланиш, (5) ўз турган нуктасидан узоқлашиш, шунингдек, (6) чегараланган такрорий ҳаракат маънолари берилган.

Шундай қилиб, (1), (2), (4), (5), (6) да чегараланганлик ва (3) да чегараланмаганлик маъноларини кўриш мумкин.

Демак, *бормоқ* феълида чегараланганлик /чегараланмаганлик хусусияти мавжуд бўлиб, бу феълни икки акционал хусусиятли феъллар гуруҳига



киритиш мумкин. *Бормоқ* феъли айрим ишларда ҳам икки акционал хусусиятли (лимитатив-нейтрал) феъл сифатида эътироф этилган (Ғ.Қ.Мирсанов, 2009: 56-57).

Немис тилидаги *gehen* феълига мос келиши мумкин бўлган яна бир феъл **юрмоқ** ҳисобланади. *Юрмоқ* феълининг акционал хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўзбек тилининг изоҳли луғатига муурожаат қиламиз:

1. Қадам ташлаб олға босмоқ, кадамлаб жилмоқ: *тез юрмоқ. Секин юрмоқ. Оқсаб юрмоқ. Кампир юрганда ҳеч қандай овоз чиқмасди. Оёғи худди пардек ерга беозор тегарди. (С.Аҳмад).*

Ушбу ҳолатда *юрмоқ* феъли субъектнинг муайян макондаги юриш тезлиги ҳамда усулини ифодаламоқда.

2. Юриш-ҳаракатни бажара олиш қобилиятига эга бўлмоқ. *Гўдак саккиз ойдаёқ юриб кетди;*

Бу мисолда, бизнинг фикримизча, субъект юриш-ҳаракатининг бошланиши ифодаланган. Чунки, мисол таркибида *юрмоқ* феъли *кетмоқ* кўмакчи феъли билан бириккан ҳолда юриш-ҳаракатнинг бошланишини билдирмоқда.

3. Маълум йўналишда ҳаракат қилмоқ, бир жойдан бошқа жойга жилмоқ, бормоқ, кетмоқ (асосан транспорт воситаси ҳақида) *Машина чап томонга юрди.*

Бу ерда *юрмоқ* феъли маънолари *жилмоқ, бормоқ, кетмоқ* феъллари орқали ифодаланиб, субъектнинг транспорт воситаси ёрдамида маълум томонга ҳаракатланиш маъноси берилган.

4. Умуман бир жойдан жилмоқ, силжимоқ (сузмоқ, судралмоқ). *Ҳовузчада ўнтача балиқ юрибди. Дастурхон устида чумоли юрибди.*

Ушбу мисолларда *юрмоқ* феъли субъектнинг мақсадсиз, йўналишсиз юриш-ҳаракатини билдиради. Аммо изоҳли луғатда *юрмоқ* феъли маънолари *жилмоқ, силжимоқ, сузмоқ, судралмоқ* феъллари орқали изоҳланган, лекин булар акционал жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Жумладан *силжимоқ, жилмоқ* субъектнинг муайян нуктадан узоқлашиш

маъносини ифодаласа, *судралмоқ* феъли субъектнинг юриш усулини, тарзини, ёки маълум бир сатҳда шунчаки мақсадсиз, йўналишсиз ҳаракатини ифодалайди, *сузмоқ* феъли семантикасида икки акционал хусусият мавжуд, чунки ушбу феъл контекст таъсирида баъзида чегараланган, баъзан чегараланмаган акционал маънони ифодалаши мумкин (Ғ.Мирсанов, 2009: 57).

5. Кўп кезмоқ, саёҳат қилмоқ. *Шаҳарма – шаҳар юрмоқ. Эшикма-эшик юрмоқ.*

Бу ерда субъектнинг мақсадсиз, йўналишсиз юриш ҳаракати ифодаланган.

6. Бирор транспорт воситасида бирор жойга бормоқ; *Автобусда юрмоқ.*

Ушбу изоҳда субъектнинг бирор нукта томон ҳаракатланиш маъноси берилган, аммо бизнинг фикримизча, келтирилган мисолда субъектнинг транспорт воситаси ёрдамидаги умумий, мақсадсиз юриш-ҳаракати ифодаланган.

7. Қатнамоқ. *Марказдан қишлоғимизга автобус юради. /ЎТИЛ, 2006; 5 ж. 92/.*

Ушбу изоҳда такрорий, чегараланган юриш-ҳаракат маъноси ифодаланган.

Юқорида кўриб чиқилган изоҳлардан келиб чиқиб, *юрмоқ* феълининг акционал маъноларини таҳлил қиламиз. (1), (4), (5) маъноларда феъл ифодалаган ҳаракатнинг бирор мўлжалга интиланлик белгиси мавжуд эмас, яъни бу ерда субъектнинг йўналишсиз, мақсадсиз ҳаракати ифодаланган. Демак, ушбу ҳолларда *юрмоқ* феъли чегараланмаган акционал хусусиятга эга. (2), (3), (6), (7) изоҳларда феъл ҳаракатининг йўналиш нуктаси мавжудлиги сабабли чегараланганлик маъносини билдиради.

Демак, *юрмоқ* феълида чегараланган/чегараланмаган акционал хусусиятнинг мавжудлиги сабабли, уни икки акционал хусусиятли феъллар гуруҳига киритишимиз мумкин. *Gehen* феълига синоним сифатида қўлланадиган яна бир феъл *кетмоқ* бўлиб, ўзбек тили изоҳли луғатида унга куйидаги маъно изоҳлари келтирилган:



1. Ўз турган жойини тарк этмоқ, ўз турган жойидан бошқа томонга йўл олмоқ; бормоқ. *Бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман. Агар ораларингизга совуқчилик тушадиган бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси... бу уйдан кетиш ҳаракатини қил (А.Қодирий).*

Ушбу изоҳда субъектнинг маълум нуқтадан узоқлашиш (маълум жойни тарк этиш) маъноси ифодаланган.

2. Муайян мақсад ёки сабаб билан бирор жойга, иш-фаолият ва ш. к. жойга, томонга йўл олмоқ; жўнаб кетмоқ. *Қишлоққа кетмоқ. Армияга кетмоқ. Ишга кетмоқ. Тўйга кетмоқ. Қунига оқишом тушса, Мартиндан қўрқиб, кўчага чиқмай,*

тузсиз макарон чайнаб юрганча, шаҳримга кетаман (С.Сиёев). /ЎТИЛ, 2006; 5 ж. 359/.

Берилган изоҳда *кетмоқ* феъли субъектнинг маълум мўлжал ёки объект томон ҳаракатланишини ифодаламоқда.

Акционал жиҳатдан *кетмоқ* феъли иккала ҳолатда ҳам чегараланган аспектual маънога эга.

Демак, немис тилидаги икки акционал хусусиятли юриш-ҳаракат феъли *gehen* га ўзбек тилидаги икки акционал хусусиятли (лимитатив нейтрал) *юрмоқ*, *бормоқ* ҳамда чегараланган акционал хусусиятли *кетмоқ* феъллари синоним сифатида қўлланилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Бутаев З., Исмоилов Ю., Каримов Ш. Немисча-ўзбекча луғат. – Тошкент.: Фан, 2007.- 224 б.
2. Маслов Ю.С. Очерки по аспектологии. Изд-во Ленинградского ун-та, - Л., 1984. - 262 с.
3. Мирсанов Ф.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектual хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд., 2009.- 155б.
4. Раҳманкулова Э.С. К вопросу о теории аспектualityности // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 2004. - № 1. – С. 3-28.
5. Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита. – Т: “Фан“. 1999.- 121 с.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 – жилд – Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2008.- 592 б.
7. Langenscheidt. Grosswörterbuch.// Deutsch als Fremdsprache. Berlin/ München/ Wien/ Zürich/ Nyu – York. Auflage 5. Berlin u. München., 2009. – 1122 S.

Муминова А. Аспектualityная семантика глагола gehen. В статье речь идёт об употреблении глагола движения gehen, при этом автор рассматривает своеобразие и различные стороны глагола gehen в узбекском варианте, также анализируется аспектualityная семантика глагола gehen .

Muminova A. The aspectual semantics of the verb gehen – to go. In this article is looked round the usage of the verb gehen – to go the verb of action and it’s peculiar variants in Uzbek translation, differences and also aspectual semantics.



ЕВРОПА ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ОИД

Қўчқорова Садоқат Тошпўлатовна,
СамДЧТИ ўқитувчиси

Калит сўзлар: фольклор, фольклорист, миллий қадриятлар, сеҳрли эртаклар, структурал таҳлил, классификатор.

Маълумки, инсон бунёд бўлган замонларданок, атрофини ўраб турган олам, табиатда рўй бераётган ҳодисаларга ўз муносабатини билдирган. Бу муносабат аввал турли тақлид ва овозлар, хатти-ҳаракатлар орқали намоён қилинган бўлса, вақт ўтиши билан уларнинг ўрнини сўзлар, кўшиқ ва рақслар эгаллади. Одамлар дунёнинг пайдо бўлиши, табиатнинг бўрон-у тошқин кўринишидаги инжиқликлари, ҳайвон-у ўсимликлар, тоғларнинг пайдо бўлиши ҳақида ривоятлар, халқ орасидан чиққан алп қаҳрамонларни алқаб, афсоналар яратдилар, йигит ва қизлар ўз муҳаббатларини изҳор этиб кўшиқ айтдилар, оқил ва мард шаҳзода, гўзал ва ақлли малика, одил подшоҳ орзусида эртаклар тўқидилар, бошдан ўтказган кечмишлари ва ҳаётий тажрибаларини мақол ва панд-насиҳатларда мужассам этдилар. Ушбу сўз бирликлари ёзув пайдо бўлгунига қадар, халқ орасида оғзаки тарзда авлоддан-авлодга етказилиб, халқ оғзаки ижоди деб ном олган ва унинг дунёда жамики халқларнинг адабиётига пойдевор бўлиб хизмат қилгани шакшубҳасиздир. Ушбу бирликларда ҳар бир халқнинг қарашлари, хулқ-атвори ва удумлари жам бўлганлиги боис, уларни миллий қадриятлар деб ҳам аташади. Илмий атамашуносликда халқ оғзаки ижоди фольклор деб аталади ва у биринчи марта 1846 йилда инглиз олими Уильям Томс томонидан тақлиф қилинган бўлиб, у folk - халқ ва lore – удумлар, яъни халқ билими, халқ донолиги деган маънони билдиради.²² Ушбу атама кенг маънода халқ томонидан яратилган барча санъат намуналарини, масалан, меъморчилик, наққошлик, ганчкорлик, миллий асбоблар,

миллий либослар, мусиқа, рақс ва оғзаки адабиёт намуналарини англатса, тилшуносликда у эртак, матал, ривоят, мақол, халқ кўшиқлари каби халқ оғзаки ижоди маҳсулларини ифодалаш учун қўлланилади.

Фольклорнинг чуқур ўрганилган жанрларидан бири эртак барча халқларнинг оғзаки ижодида энг қадимийси ва кенг тарқалгани ҳисобланади. Масалан, бутун дунё бувилари ва ота-оналарининг эртак “репертуари”даги рўйхатининг юқорисидан жой олган “Қизил қалпоқча” эртагини яратилиш тарихига бир назар соламиз. Ҳаммамизга таниш қизил қалпоқчали қизалоқ ҳақидаги биринчи эртаклар XIV асрда француз дехқонлари томонидан ҳикоя қилинган. Ушбу даврдаги эртак сюжети бироз “қонли” тусда бўлиб, унда бувини “паққос туширган” бўри кампирнинг эти ва қонидан қолдириб набирани “сийлайди”. Машхур эртакнинг қадимийлигини тасдиқловчи яна бир фактлардан бири бу – Франциянинг Бурж шаҳридаги XIV асрга мансуб Жак Кер саройи ташқи беағида акс этган саватча кўтарган қалпоқчали қизча тасвиридир. Ушбу эртакнинг энг қадимги ёзма манбаси эса X асрда яшаган Лиежлик диний мактаб ўқитувчиси Эгберт де Лиежнинг диний ва ахлоқий шеърлар, мақол ва масалларни жамлаган *Fecunda ratis* (тўла кема) асаридаги *De puella a lupellis*, яъни *Бўрилар томонидан раҳм қилинган қизалоқ* ҳикояси ҳисобланади. Асрлар давомида ушбу эртакнинг юздан ортиқ вариантлари юзага келди ва улардан энг аҳамиятлилари Шарл Перро ва ака-ука Гриммларникидир. Айнан ака-ука Гриммлар талқинида ёвуз бўрини ўлдириб, Қизил қалпоқча ва бувисини кутқариб олган ўтинчилар персонажи киритилди.

²² Матлуба Муродова Фольклор ва этнография. Ўқув қўлланма. -Тошкент.(электрон) 2006. – 5 бет



Европада эртак жанри устида энг кўп илмий изланишлар олиб борилган давр дея XVI-XVII асрларни кўрсатиш мумкин. Италияда 1634 йилда Жамбатиста Базиленинг “*Пентамерон*” ёки “*Эртак*” деган тўплами нашр қилинди. Бир оз вақтдан сўнг ушбу асар, болалар учун тарбиявий ғояга эга *Болалар учун овуноқ* номи остида таҳрир қилинган шаклда чоп этилди. Францияда айнан шу даврда, ёзувчилар, айниқса аёл ёзувчилар ушбу соҳада сезиларли муваффақиятга эришдилар. Ушбу рўйхатнинг бошида Мадам д’Олуа тахаллуси остида асарларини чоп эттирган, асли исми Мари Катрин д’Олуа бўлган, зодагонлар оиласида туғилиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан ўтказгач, Парижда ўзининг шахсий адабий-сиёсий салонини ташкил қилган ёзувчи аёл туради. У 1697 йилда “*Сехрли эртаклар*” (*Contes de fées*), 1698 йилда “*Янги эртаклар ёки русумдаги парилар*” (*Contes nouveaux ou le fées à la mode*) асарларини нашр эттирди. Мадмуазель Леритье, Мадмуазель Бернар, Мадмуазель де ла Форс, Мадам д’Онейларнинг исмлари ҳам ўша давр адабий салонлар аҳли орасида тез-тез такрорланадиган номлардан эди.

Халқ эртакларига бўлган қизиқиш 1697 йил Шарль Перро ўзининг “*Ўтмиш замон эртаклари*”, (*Contes du passé avec Moralités*) асарини чоп эттиргандан сўнг, айниқса кучайди. Ёзувчи ушбу эртакларни яратишда манба сифатида миллий ва халқаро (хусусан, итальянларга мансуб) доирадаги рицарлик романлари ва оғзаки ижод намуналарига мурожаат қилди. Кейинчалик, “*Она гоз эртаклари*” номи остида қайта-қайта нашр қилинган ушбу асарда катталарга мўлжалланган, юқорида келтирганимиз “*Пентамерон*” 1550-1553 йилларда икки томда чоп этилган, Уйғониш давридаги итальян ёзувчиси, Европада сеҳрли эртаклар **мушобири** (бобоси) ҳисобланган Жованни Франческо Страпароле қаламига мансуб “*Қувноқ кечалар*” (*Les nuits facétieuses*) асарининг ҳикоялари ўша давр зодагонларининг мезонлари асосида айнан болаларга

мўлжалланган ижод намуналарига айлантирилди²³.

Ака-ука Гриммлар томонидан 156 та немис халқ эртакларини биринчи марта 1812 йилда асл шаклида, 1814 йилда эса болаларга мўлжалланган қайта ишланган шаклда “*Болалар ва оилавий эртаклар*” (*Kinder und Hausmärchen*) номи билан нашр этилиб, кейинчалик “*Ака-ука Гримм эртаклари*” номи билан машҳур бўлган асарнинг чоп этилиши билан эртакларга бўлган иштиёқ янада мустаҳкамланди, дейиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги зикр этилган ёзувчи ва адабиётчиларнинг асарларидан илҳомланган бутун дунё ёзувчилари ўзлари туғилиб ўсган ўлкаларида яратилган эртакларни тўплаш ва нашр қилишга киришдилар. Ушбу ёзувчилар қаторида бу соҳада анча самарали тадқиқотлар олиб борган валуалик Жерар де Нервал, шотландиялик Эндрю Ланг ёки даниялик Ганс Христиан Андерсенларнинг номларини келтириш мумкин.

Ака-ука Гриммлар Европа халқлари эртаклари сюжетидаги аниқ ўхшашликларни аллақачон исботлаб берган бўлсалар-да, бутун XIX аср давомида фольклорчилар эртакларнинг келиб чиқиши юзасидан изланишларини турли халқлар оғзаки ижодидаги умумий жиҳатларни ёритишга сарфладилар. Ушбу соҳада икки хил қараш ёқловчилари ўртасида баҳс-мунозара кучайди. Булар немис филологи, Макс Мюллер (1823-1900) бошчилигидаги *Қиёсий мифология Мактаби* тарафдорлари бўлса, иккинчиси инглиз этнологи ва маданиятшуноси, этнология ва антропологиянинг асосчиларидан бири, Эдвард Бёрнетт Тайлор (1832-1917) етакчилигидаги *Антропологик мактаб* намояндалари эди. Филологлар эртакларнинг келиб чиқишини ёзма манбалар орқали ҳинд-европа халқлари маданияти, хусусан, санскритда излашга ҳаракат қилган бўлсалар, антропологлар, аксинча, инсоний

²³ A prozos de contes. Article de Isabel Sousa publié sur http://www.ipv.pt/millennium/Millennium23/23_2.htm



жамиятларнинг умумий келиб чиқишини ўрганишни изланишларининг дастури қилиб олдилар. Бир мавзу юзасидан икки хил қараш томонлар ўртасидаги қурашни авж олдирди. *Қиёсий мифология мактаби* намоянадалари эртақларни мифлардан келиб чиққан деб таъкидлашган бир пайтда, иккинчи назария тарафдорлари улар мифлардан-да олдинроқ яралган бўлиб, улар “**ёввойи давлат**” кўринишидаги ибтидоий тузилманинг қолдиқлари деган фикрни олға сурдилар²⁴.

XX асрнинг 20-йилларида ижод қилган рус этнографи Владимир Пропп (1895-1970) ўзининг “*Сеҳрли эртақнинг тарихий илдизлари*” (*Исторические корни волшебной сказки*), “*Эртақ морфологияси*” (*Морфология сказки*) номли асарларида бу икки мактаб намоянадалари ва бошқа олимларнинг қарашларини таҳлил ва мисоллар асосида изоҳлаб берган. Хусусан, эртақнинг морфологик асосида миф ётади деб фикр билдирган²⁵. Рус олими 1928 йилда нашр эттирган “*Эртақ морфологияси*” асарида сеҳрли эртақларнинг тузилишига оид тадқиқотлар олиб борди. Ушбу изланишлар жараёнида у юзта рус халқ эртаги матни таркибини таҳлил қилди. Унинг фикрича, рус эртақларида 31 та (мас: бош қаҳрамонга нимадир етишмаслиги, қаҳрамоннинг етишмаётган нарсасига эга бўлиши, унга нимадир қилишнинг таъқиқланиши, таъқиқнинг бузилиши, кучли рақибга дуч келиши, хавfli сафарга чиқиш, сафар якуни каби) лавҳалардан иборат бўлади ва ушбу хатти-ҳаракатлар асосан еттита ҳаракатланувчи персонаж томонидан амалга оширилади: 1. Зиён келтирувчи (вредитель); 2. Совға берувчи (ёки таъминловчи) (дарител или снабдитель); 3. Ёрдамчи (помощник); 4. Қидирилаётган персонаж (шоҳ қизи ёки шоҳ) (искомый персонаж; царица или её

отец); 5. Жўнатувчи (отправитель); 6. Қаҳрамон (герой); 7. Сохта қаҳрамон (ложный герой).²⁶

Ўтган асрда яшаб ижод қилган АҚШ Калифорния университети профессори, фольклорист Ален Дюндес (1934-2005) В.Проппнинг 31 функциясини умумлаштириб гуруҳларга ажратиши орқали структурал таҳлилни барча эртақлар учун қўллаш имконини берди.

Эртақларнинг тадқиқ қилиш баробарида уларни классификация қилиш учун ўша давр олимлари томонидан ўнлаб намуналар таклиф этилди ва уларда эртақлар, асосан сюжети бўйича таснифланган эди. Улардан салмоқлиси сифатида немис олимлари Йоханнес Больте ва Георг Поливкаларнинг 1913, 1915 ва 1918 йилларда чоп этилган уч томлик “*Ака-ука Гримм эртақларига изоҳлар*” (*Anmerkungen zu den Kinder – und Hausmärchen der Brüder Grimm*) асари тилга олинади. Ушбу китобда Гриммлар тўпламига киритилган ҳар бир эртақ остида унинг бутун дунёда мавжуд вариантлари келтирилган эди. Охирги томнинг сўнгида 1200 дан ортиқ адабиётлар рўйхати берилган бўлиб, улар орасида кичик эртақлар билан бирга *1001 кеча* ва рус олими Афанасьевнинг 400 та эртақ матнини ўз ичига олган йирик тўпламлар ҳам мавжуд эди.²⁷

Ҳозирги кунда ҳам халқаро миқёсда аҳамиятини йўқотмаган ва кўпгина халқ эртақларининг таснифи учун мезон бўлиб хизмат қилган, бу – Аарне –Томпсон классификаторидир. Финляндиялик фольклоршунос олим Антти Аарне (1867-1925) 1893-1898 йилларда Санкт-Петербургда ўқиди. 1908 йилда эртақларни қиёсий ўрганиш бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. 1910 йилда у юқорида айтиб ўтганимиз эртақларнинг классификаторини ишлаб чиқди. Ушбу классификатор 1965 йилда америкалик тадқиқотчи Стит Томпсон (1885-1976) ва

²⁴ Marianne Mesnil. Saintyves et les contes: A la recherche d'un context perdu. Article publié dans le journal « Ethnologie française » (octobre –décembre 1988) pp. 348-357 (<https://www.jstor.org/stable/40989069>)

²⁵ Propp V. Morphologie du conte. Edition du Seuil, 110

²⁶ В.Пропп. Морфология сказки. Academia. Ленинград.1928. – ст.88-89

²⁷ В.Пропп. Морфология сказки. Academia. - Ленинград.1928. – ст.10.



2004 йилда немис олими Ханс-Йорг Утер томонидан тўлдирилди.

Ушбу классификатор бўйича эртақлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ҳайвонлар ҳақида эртақлар. Ушбу турдаги эртақ қахрамонлари ёввойи ва уй ҳайвонларидир. Улар инсонлар билан биргаликда иштирок этганларига кўра уларни сеҳрли эртақларга ҳам қўшишади. Лекин, қахрамонлар фақат ҳайвонлардан иборат эртақларга нисбатан ушбу атама сақлаб қолинган. (Мас: Қафасдаги арслон, Сусамбил ва ҳ.)

2. **Аслий** эртақлар. Улар учта турга ажратилади:

А) Сеҳрли эртақлар. Ушбу эртақлар мураккаб тузилмали, келиб чиқиши дин билан боғлиқ бўлмаган ғайритабиий унсурларни ўз ичига олади. (Масалан, Этик кийган мушук, Уйқудаги малика, Оппоғойим ва ҳ.)

В) Авсонавий эртақлар.

Д) Алданган (аҳмоқ) шайтон ёки дев ҳақидаги эртақлар. Бу турдаги эртақнинг қахрамони одатда саргузашталаб эркақ ёки ўғил бола ва ушбу қахрамон чув туширадиган динга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шайтон ёки гўл дев ҳисобланади.

3. Латифа эртақлар. Ушбу турдаги эртақлар энг катта туркум ҳисобланади ва турли мазмундаги эртақ намуналарини ўз ичига олади. Масалан, бу турдаги эртақларда бойлар, кучлилар ва мавжуд тузумнинг, шу билан бирга кучсиз, касалманд ва аҳмоқ инсонларнинг устидан куладилар. Одатда, эртақ қахрамонлари айёрлик билан бирон ёғли жойга эришган майда одамлардир. Яна бундай турдаги эртақларга бир гап ёки хатти-ҳаракат такрорланадиган эртақлар, ов ва балиқ ови, мамлакатлар ҳақида лоф айтилган эртақлар ҳам киритилган.

Ушбу таснифда биринчи гуруҳда 1 дан 299, иккинчи гуруҳда 300 дан 1199, учинчи гуруҳда 1200 дан 1999 гача рақамланган эртақлар ўрин олган. У кўп тилларга таржима қилинган, унинг асосида миллий эртақларнинг классификатори яратилди. Жумладан, француз олимлари Пол Деларю 1957 йилда бутун Франция давлатига қарашли ҳудудларнинг

(мустамлака ерлари билан қўшиб) ва франкофон давлатларнинг (Канада ва б.) халқ эртақларининг миллий каталогини яратишга қўл урди ва бу иш 1965 йилдан 2000 йилгача бошқа бир олим – Мари-Луиза Тенез томонидан давом эттирилди. Собиқ иттифоқ фольклоршунослигида Аарне каталоги, айниқса В.Пропп томонидан қаттиқ танқид остига олинганига қарамасдан, 1929 йил рус олими Н. Андреев томонидан таржима қилинди. Олим унга рус халқ эртақларидан ҳам қўшимчалар киритди.

Ўзбек халқ эртақлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу жанрнинг бизнинг ўлкада ҳам жуда қадимдан мавжуд эканлигини ХІ арда яратилган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида “эртақ” атамасининг “этуқ” тарзида қўлланганлиги ҳам исботлайди. “Эртақ” термини Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолиси учун жуда яхши таниш бўлса-да, турли ҳудуд вакиллари ушбу жанрга хос бўлган асар турини турли номлар билан аташган. Масалан, Бухоро атрофидаги туман-кишлоқларда, шунингдек бошқа ерлардаги икки тилда (Ўзбек ва тожик тиллари) сўзлашувчи аҳоли ўртасида “ушук” деб аталади, тошкентликлар “чўпчак”, фарғоналиклар “матал”, хоразмликлар “варсақи” дейишса, баъзи ҳудудларда “ўтирик”, “тутал” каби атамалар ҳам учрайди²⁸.

Юртимизда ушбу жанрнинг ўрганилиш жараёни хусусида Мансур Афзалов илмий ишида алоҳида тўхтаган. Ўзбек эртақларига бўлган илмий эътибор ХІХ асрнинг иккинчи ярмидан бошланган ва ўз вақтида Миён Бузрук Солиҳов, Ҳоди Зарифов, Ҳоди Расул, Буюк Каримов каби олимлар томонидан ўрганилган. Кейинчалик бу фаолиятни К.Имомов, Ғ.Жалолов, Ҳ.Раззоқов, Ж.Юсупов каби олимлар давом эттиришди.

Ўзбек халқ эртақларини К. Имомов ва М.Афзаловлар уч турга бўлишган: ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли-фантастик ва маиший эртақлар. Лекин Аарне каталогидаги каби ҳайвонлар эртақларини

²⁸ Матлуба Муродова. Фольклор ва этнография. Ўқув қўлланма. - Тошкент.(электрон) 2006. – 71 бет



сеҳрли эртақлар қаторига қўшиш масаласида турли хил фикрлар айтилган. М.Афзалов ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг ўзида турли фарқланувчи асарлар борлигини айтади.

Халқ эртақларида инсоният ижтимоий, иқтисодий ва маиший ҳаётининг ҳамма масалаларини учратишимиз мумкин ва аксарият ҳолларда турли халқлар ижодида бир хил мазмундаги эртақларни учратиш қийин эмас. Бу ҳолатга асос қилиб албатта, фольклорчилар, тилшунос, этногаф ва психологлар тадқиқотларининг таҳлили натижаси ўлароқ, ер юзининг барча минтақаларида яшовчи аҳолининг умумий ҳаёт тарзи яқин бўлганини, яхшилик,

мardлик, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар ҳар бир халқда улуғланиб, ёмон одатлар қораланганини кўрсатамиз. Лекин, умумий ўхшашликларга қарамай ушбу эртақларда ҳар бир халқнинг ўзигагина хос бўлган маданиятига оид унсурлар турлича намоён бўлиши билан ҳам, улар ўша халқнинг маънавий меросидан ўрин олган қадрияти ҳисобланади. Зеро, республикамизнинг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Матлуба Муродова. Фольклор ва этнография. Ўқув қўлланма. -Тошкент.(электрон) 2006. – 104 бет.
2. В.Пропп. Морфология сказки. Academia. - Ленинград.1928. – 152 ст.
3. Michel Simenson. Le conte populaire. Presses universitaires de France. – 1984. – 224 ps.
4. В.Пропп. Исторические корни волшебной сказки. - Москва, Лабиринт. 2000 – 335 ст.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008. – 30 б.

Электрон манбалар:

1. A propos de contes. Article de Isabel Sousa publié sur http://www.ipv.pt/millennium/Millennium23/23_2.htm
2. Marianne Mesnil. Saintyves et les contes: A la recherche d'un contexte perdu. Article publié dans le journal « Ethnologie française » (octobre –décembre 1988) pp. 348-357 <https://www.jstor.org/stable/40989069>
3. <https://www.universalis.fr/encyclopedie/conte>
4. <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar>
5. <https://earlymodernefrance.org/journal/2014>
6. <https://fr.m.wikipedia.org>
7. <https://ru.m.wikipedia.org>

Кучкарова С. Об исследованиях европейских и узбекский народных сказок. В этой статье говорится о научных исследованиях европейских и узбекских учёных о народных сказках, как о литературном жанре.

Kuchkorova S. About the study of European and Uzbek folk tales. This article is about European and Uzbek scientist's scientific researches on folktales as an literature genre.



XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Наширёт-тахрир маркази

Мухаррир	–	С. Каримова
Техник муҳаррир	–	Ҳ. Амирдинов
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Ш.Абдурахимов


Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 25.09.2018.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма № . Times гарнитураси.



ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ» ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖУРНАЛИГА

МАҚОЛАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Мақола муаллифи ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати.
- Мақолани чоп этиш ҳақидаги эксперт хулосаси.
- Мутахассислиги бўйича фан доктори ёки профессор томонидан имзоланган тақриз.
- Муаллиф(лар) тўғрисида маълумот (иш жойи, лавозими, яшаш жойи телефони ва электрон почтаси).
- Мақолалар Microsoft Word дастури «Times New Roman» гарнитураси 14 шрифтда, қаторлар ораси икки оралиқ билан ёзилган, икки нусхада (электрон варианты билан бирга) тақдим этилади. Мақолалар чизмаларсиз саккиз саҳифада қисқа хабарлар эса икки саҳифадан ошмаслиги лозим.
- Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади.Чизмалар ва диаграммалар Давлат стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим.
- Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт ва чоп этилган санаси (китоблар учун), журнал номери, саҳифа (журнал учун). Адабиётлар сони 7 тадан ошмаслиги тавсия этилади.
- Мақоланинг иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатилган ҳолда, барча муаллифлар томонидан имзоланиши лозим.
- Мақолани миллий менталитет тил эталони бўйича, синчковлик ва диққат билан ёндашган ҳолда, услубий ва грамматик жиҳатидан юқори даражада талабчанлик билан илмий-услубий мақомида таҳрирланган ҳолда тайёрлаш талаб этилади.
- Зарурат бўлганда таҳририят мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- Мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб таҳририятга тушган ҳисобланади.
- Эълон қилинган материаллар муаллифга қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.
- Янги илмий-услубий ва амалий натижаларга эга бўлган ва 50% дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек ёки рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар ва бошқа соҳа бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳларининг экспертизасидан ўтган мақолалар журнал саҳифаларида жойлаштирилади.
- Мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияларининг борлиги текширилади.